

ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ

СЕВГИМ САМОСИ

Сайланма

ТОШКЕНТ •МАЪНАВИЯТ• 2006

Жуманиёз Жабборовнинг «Севгим самоси» номли ушбу «Сайланмаси»да шоирнинг эллик йиллик ижодий фаолияти давомида яратилган шеъринг асарларидан энг яхши намуналар тўпланган. Бармоқ ва арузий вазнда ёзилган ранг-баранг шеърлар бир-бирини тўлдириб, инсоний севги, меҳру мурувватни улуглайди. Одам ва олам ҳақидаги эзгу туйғулар тараннум этилади.

Китоб асосан икки қисмдан ташкил топган. Биринчи қисм «Кўнглим гавҳарисан, Ўзбекистоним» дея аталиб, ҳижо-бармоқ вазнидаги шеърлар дастасидан иборат. Иккинчи қисм «Сизга ҳадям дея, яхши ҳавасда, аруз гулшанидан туздим гулдаста», деб номланган бўлиб, унда аруз вазнида ёзилган инсон қалби гўзаллигини ифода этишга бағишланган, кўпчилиги қўшиққа айланган ғазаллар жам бўлган.



ШЕЪР


Шеър ёзишни саодат билиб,
Фоят оғир йўлга кирганмиз.
Неча йилки, юракни тилиб,
Шу иштиёқ билан биргамиз.

Шеър – энг тоза туйғулар истар,
Шеър – фикрнинг учқур маҳали.
Ким ундан бир манфаат қистар,
Шеърдан минг йил узоқда ҳали.

Одам ишқи, олам ташвиши
Қўндирмаса кўзингга уйқу,
Билки, минглаб инсонлар иши
Битта шеърга жам бўлгани бу.

Шеър ҳеч кимга уй қуриб бермас,
Ато этмас ё самовий бахт.
У – Робинзон турувчи ермас
Ё султонлар ёнбошлаган тахт.

У – дил нажиб ҳисга чулғаниб,
Жон жилмайиб, кўз ёшланган пайт.
Бир қатрада уммон тўлғаниб,
Бир заррада тоғ бошланган пайт.



АБАДИЙ ЁҒДУ

Хоним дейму ё эркама, жоним,
Бегим дейму ё дейму бону.
Аёл отли буюк жаҳоним,
Сен мен учун абадий ёғду.

Ойим дейму ёхуд қуёшим,
Барча сифат ожиз қаршингда.
Сенинг билан кўкдадир бошим,
Сен порлайсан кўнгил аршимда.

Кўклам ўзинг, кўркама ҳам ўзинг,
Бу оламнинг завқу сафоси.
Дилга қувват меҳрли сўзинг,
Сен – оилам нурли самоси.

Дейдиларки,
Бу олам ичра
Қолса ҳамки бир дона аёл,
Заргар зоти кундузу кеча
Безагини этармиш хаёл.

Сен бўлмасанг бўлмас мўъжиза,
Сен бўлмасанг шеърият қайда?
Сен бўлмасанг увол мусиқа,
Эркама зоти қотгай тўқайда.

Тушунгайсан ҳазилни, эркама,
Сенсиз яшаш ўзи бир пулдир.
«Сенинг бирла чиқишмоқлик ҳам
Дағи, жоним, бисёр мушкулдир»¹.

Бешик эмас, дунё тебратган
Қўлларингни ўпсак бўлур оз.
Оёқларинг остида эркама
Жаннат деган энг олий Эъзоз.

¹ Бобурдан

Битта кулгинг – ҳаёт қувончи,
Битта гаминг – жаҳоний андуҳ.
Жаҳонларни қамрар қулочинг,
Оналарда – энг қудратли руҳ.

Сочларининг ҳар бир толаси
Сомон йўли қадар мунаввар.
Бешиқдаги жажжи боласи –
У – келажак аталмиш гавҳар.

Аёл номи қошида дунё
Эҳтиром-ла этгайдир таъзим.
У ҳаётнинг рамзидир гўё,
У ҳаётдай мангу ва азим.



ОИЛА

Эркак учун дунё – уйдир,
Аёл учун уй – дунё.
Бу қадимий мангу куйдир,
Жон ила тандир гўё.

Ул бириси бўлмас экан,
Бул бириси ҳам йўқдир.
Бири кема, бири елкан,
Мисли камон ва ўқдир.

Ул иккисин ишқ-вафоси
Бу дунёнинг устуни.
Ҳар ким билур бахт сафосин,
Топса умр дўстини.

Бири майин араз эрса,
Ёхуд ширин истиғно.
Бири агар кўкрак керса,
Силкинур еру само.

Ҳаёт – чексиз буюк қалъа,
Заминий ё ҳавоий.
Эр – деҳқону аёл – дала,
Демиш буюк Навоий.

Бири арқоқ, бири ўриш,
Бири кўзу бири қош.
Бу – ҳаётни бир хил кўриш,
Бир мақсадда кўшмоқ бош.

Аёлнинг бир шўх кулгани
Эрни этур сарафроз.
Эр дилининг ишқ гулхани
Аёл кўнглин этур ёз.


Аёл уйда дунё тузар,
Давом этар насллар.

Эр йўл босиб, денгиз сузар,
Дуч келар тўрт фасллар.

Фироқ бўлар, бўлар кўзёш,
Севинч бўлар, дард бўлар.
Ким синовга берса бардош,
Содиқ бўлар, мард бўлар.

Оила бу сеҳру меҳр,
Хаёлот тўла олам.
Қайноқ туйғу, ёрқин зеҳн,
Ўзлигин топган одам.

Оила бу, Ватандир бу,
Оллоҳ берган улуғ бахт.
Истаймизки, кўрмай қайғу,
Ободда бўлсин ҳар вақт!



АЁЛ

Барча юлдузларинг қуёшли бўлсин,
Барча оқшомларинг соф юлдузистон.
Сен юрган йўлларга чечаклар тўлсин,
Менинг аёл отлиқ азизим Инсон!

Қачонки табиат бор кўрку ҳуснин
Бир нуқтада кўрмоқ этдию хаёл,
Наздимда ўзининг олий орзусин
Сенинг тимсолингда яратди, Аёл!

Сенда чакмоқ таври, дарёлар феъли,
Тоғдаги ҳашаму тонгдаги зиё.
Меҳрингдан барподир бу жаҳон эли,
Сехрингдан – гўзаллик аталмиш дунё.

Табиат яйратиб бор даҳо кучин,
Яратмиш сендаин эзгу эртакни.
Сенинг улуғлигинг бўрттирмоқ учун
Яна ижод этган мафтун эркакни.



КЎЧАНИ ТЎЛДИРИБ ЎТДИ

Кўчани тўлдириб ўтди бир гўзал,
Унга беихтиёр эргашди кўзлар.

Биров томоқ қирди, биров қотди лол,
«Кўз тегмасин» деди ҳатто битта чол.

Кўйинг ёш-ялангни ва йигит зотин,
«Бўйингдан ўргилай» дерди кўп хотин.


Кимки бирор ёққа шошиб борарди,
Шаштидан тушиб, бош қашиб борарди.

Биров трамвайда, биров бекатда,
Не ўйда бўлмасин, не ҳаракатда –

Олам ташвишидан бўлгандек холи,
Фикрин ёритганди ул қиз хаёли.


Унга омад истаб, бахтин тиларди,
«Тенгинг учрасин» деб дуо қиларди.

Кўчадан қиз эмас, нур ўтди гўё,
Ёришиб кетгандай бўлди бу дунё.



ИЛТИМОС

Мен сенга оламнинг чиройин берай,
Фалакнинг юлдузин ва ойин берай,
Шу улкан коинот саройин берай,
Жаҳондаги етти мўъжизани ҳам,
Жонфидо жамийки мусиқани ҳам
Сенга ҳадя этай,
Само юлдузларин маржон қилиб,
Йўлларингга терай,
Туннинг қора мушкин сочларингга қўшиб ўрай,
Офтобни эритиб, ёноғингга сурай,
Ўзимни ўтларга, сувларга урай,
Барча айтганингни қилиб улгурай...
Тоғлардаги виқор,
Дарёдаги шўхлик,
Дунёдаги бор гўзаллик ва улуглик
Сенга бўлсин,
Ҳар неки буюрсанг,
Қўл кўксимда – хизматингда турай.
Бунинг эвазига
Биттагина кулиб боқсанг, бас,
Бошқа ҳеч нарса керак эмас!



ЮЛДУЗ

Юлдуз деган ёрқин сўзимни
Азиз тутгум сўз луғатимда.
У яйратиб талаффузимни,
Жой олгандир юрак қатимда.

Сўзлар борки, айтганинг чоғи
Янграб кетар гўёки борлиқ,
Юлдуз – менинг қалбим чироғи,
Номи билан ҳаётим боғлиқ.

Болалиқда юлдуз оралаб,
Само бағрин кезаркан кўзим,
Шеър ишқиди пичирлади лаб,
Илҳом бериб жажжи юлдузим.

Тўлдиришиб осмон қаърини,
Минг алпозда порларди улар.
Гўё чўлнинг кўм-кўк бағрини
Қоплагандай мўл қоқигуллар.

Юлдузларга боқиб саҳарлар,
Таърифига излар эдим сўз.
Илк шеърим ҳам ўша маҳаллар
Дафтаримда очган эди кўз.


Гулзор янглиғ меҳримни тортиб,
Ёш қалбимга соларди ғурур.
Юлдузларга ҳавасим ортиб,
Тошар эди юрагимда нур.

Севги ёшим етишган маҳал,
Пешландию ақлу сўзимиз,
Юрагимни англаб бир гўзал,
Тўғри келди бахт юлдузимиз.

Юлдузларга ҳамон эдим банд,
Кўзим олиб нури, олтини,
Меҳру ишқдан туғилди фарзанд,
Юлдуз қўйдим қизим отини.

Инсоният фазолар томон
Жасорат-ла очганида йўл,
Юлдузларга йўлладим салом,
Гагаринга силкитганча қўл.

Юлдузларга мафтунман ҳануз,
У азиздир сўз луғатимда.
Болалиқда топганим юлдуз
Ҳамроҳимдир балоғатимда.



ОРЗУ

Бағримизда ўсган фарзанд
Ўт солиб жисму жонга,
Келин бўлиб кетаётир
Бошқа бир хонадонга.

Кетаётир хувиллатиб
Ота-она уйини.
Киприқда ёш, лабда кулгу,
Биз ўтказдик тўйини.

Қалбимиздан бир парчаси
Узилгандек дафъатан,
Тилаб минг хил яхши ният,
Узатдик остонадан.


Турмуш ўзи шундай дунё,
Азалдан шу қоида:
Қиз бола бир жойда ўсиб,
Бахт топар бўлак жойда.

Бўлак ерни маскан этар,
Ўз уйи, ўз бахти бор.
Ўша ерда илдиз отсин,
Яйрасин мисли чинор.

Илдиз отсин, япроқ ёйсин,
Тўй-томошо, тахт кўрсин.
Қўшгани-ла қўша қариб,
Минг йил гурсиллаб юрсин.

Обод қилсин борган жойин,
Бўлсин ува-жувалик.
Биздан хизмат: невараларга
Бувилик ҳам бувалик.

Битта илинж, ота-она
Уйин қилмайин канда,
Ҳафта эмас, келиб турсин
Энг ками ой деганда.



МАНГУЛИК ЛАҲЗАСИ

Йўлбошчи ҳаяжон ичида, масъуд,
Хушxabар айтаркан, барча қолди лол.
Дўстларим, бугундан мустақилдир юрт,
Ўзбекистон узра улуғ истиқлол!

Анжуман бир лаҳза энтиқди гўё,
Худди сув сепгандай сассиз котди зал,
Ҳолбуки, ялт этган бир дамлик зиё
Асрий муаммони этмиш эди ҳал.


Во ажаб, карахтлиқ юки онқадар,
Шунча чўкмиш эди дилга истибдод,
Зални ҳаяжонда кузатар раҳбар,
Ё шундоқ бўлурми одам бўлса шод?

Ёхуд чекинурми эхтиросу сўз,
Ё бир дам қолларми онгларни туман?
Раҳбар ҳаяжонда залга ташлар кўз:
– Қарсақлар қани, эй аҳли анжуман?!

Миллионлар қувончин этиб мужассам,
Бир гулдурос қалқди шунда дафъатан.
Истиқлол муборақ, эй озод ўлкам,
Ўз эгасин топган қадимий Ватан!

Осмондан жаранглаб тушган бу ваҳий,
Юракдан отилиб чиққан бу нидо
Оллоҳ неъматидек эди кўп сахий,
Унинг ҳар сўзига жон бўлсин фидо.

Қудрат – адолатда! – энг равшан мақол,
Ҳақиқат муқаррар топажак ҳақин.
Минг йиллик йўлларни ёритди яққол
Ўшал бир лаҳзалиқ ялт этган чақин.



ОҚ ЙЎЛ СЕНГА, ИСТИҚЛОЛ

Агарчи соҳибдирсан ўз фикру ўз сўзингга,
Агарчи бойликларинг буюрғайдир ўзингга,
Агарчи давраларда янграса ўз қўшиғинг,
Агарчи сарҳадларда собит турса қўшининг,
Фарзандларинг бўй-басти букилмаса аламдан,
Умидларинг кўп бўлса бу антиқа оламдан,
Демак, орзу йўлига чиқиб олмиш карвонинг,
Энг яхши манзилларни кўзлагандир сарбонинг.
Шудир, дўстим, сен байроқ этган буюк
бахт – иқбол,
Диёр бўйлаб кенг қанот ёзаётган Истиқлол.

Илк шаббода. Илк қадам. Илк интилиш. Озод руҳ.
Ҳар бир қилган ишингда энди ўзгача шуқуҳ.
Дунёларга бағрингни кенг очиб чиқдинг бугун,
Ўз яловинг, ўз туғронг бошинг узра гуногун.
Атласдай етти рангда товланиб ётган замин,
Қаъридан инъом этгай сенга ғазналар жамин.
Ўзингники буғдойинг, пахта, маъдан, нефту газ,
Ковоқ чимириб турмас энди қандайдир «марказ».
Эрк самарин, азизим, тўплагил мисқол-мисқол,
Камол топсин кўксингда, юртим, эрка Истиқлол.

О, эрк, сени юз йиллар нарида унутгандик,
Йўқ, йўқ, сени юз йиллар биз нигорон кутгандик.
Куюқ чангалзорларда қанча юрдик адашиб,
Ялтироқ шуълалардан кўзларимиз қамашиб.
Гарчанд оғирдир йўллар, довлар бор, ғовлар бор,
Тоза томирларингда эзгу мақсад устувор.
Машақатлар ичида туғилган бу янгилик,
Ҳурмузу Аҳриманнинг ул азалий жангидек...
Агар абадий бўлсин десанг, дўстгинам, висол,
Ҳар лаҳза мададингга мунтазирдир Истиқлол.

Жаҳон минбарларида бордир бугун ўзлигим,
Сен, эй қора кўзлигим, туркий дунё – ўзбегим,
Қадимийсан ва лекин йўл бошида навқирон,
Эркин нафас, эркин завқ нашидасидан шодон.
Сенинг меҳрингни эмган ҳар битта содиқ


Фарзанд –

Ширин ташвишларингга жондан пайвасту

пайванд.

Ҳар мушкул, ҳар муаммо – бизга садоқатдан дарс,
Истаймиз, мурғак дилга заррача етмасин дарз.

Эҳ, ҳали яхшиликлар бизга кўрсатур жамол,
Йўлинг оқ бўлсин мудом, жонажоним Истиқлол!




ЖАҲОНДА ЯГОНА ЎЗБЕКИСТОНИМ

Талпинсам ўзингга талпинадурман,
Топинсам ўзингга топинадурман,
Соғинсам ўзингни соғинадурман,
Бошингдан меҳр ила ёғиладурман,
Жаҳонда ягона бўстони менинг,
Ўзбекистоним!

Мен учун ягона дунё ўзингсан,
Ою қуёшимсан, Зухро ўзингсан,
Муқаддас Каъбаю Румо ўзингсан,
Муҳримда порлаган Ҳумо ўзингсан,
Жаҳонда ягона бўстони менинг,
Ўзбекистоним!

Сен офтоб юртисан, нурлар юртисан,
Бепоён хазина, дурлар юртисан,
Фаришталар юрти, ҳурлар юртисан,
Оллоҳ назар солган юртлар юртисан,
Жаҳонда ягона бўстони менинг,
Ўзбекистоним!

То жаҳон борича бахтинг бор бўлсин,
Осмонинг ҳамиша беғубор бўлсин,
Истиклолинг мангу барқарор бўлсин,
Юртбошимиз меҳри доим ёр бўлсин,
Жаҳонда ягона бўстони менинг,
Ўзбекистоним!




* * *

Сен етти иқлимни бориб кўр, дўстим,
Етти мўъжизани сингдир баданга.
Сенга айтадиган шу ёлғиз сўзим:
Бари бир қайтурсан она Ватанга.

Сен олти қитъани айла томоша,
Кўрк ёйсин қаршингда неча бир диёр.
Бари бир чўлма-чўл, тоғма-тоғ оша
Ватанинг бағрига қайтурсан зинҳор.

Майли, ўрмонларни, уммонларни кез,
Кўп билмоқ баркамол этур инсонни.
Жаҳонни қанчалик теран этсанг ҳис,
Шунча кўп севурсан Ўзбекистонни.



НИСБИЙЛИК

Нисбийлик деган қонун бу дунё ичра ҳоким,
Гўзаллигинг, ёшлигинг, донолигинг нисбийдир.
Бу ҳаёт оғушида юрар экансан токим,
Кимдир сени яхши дер, кимдир ёмон ҳам дейдир.

Сен биридан шод бўлиб, биридан этма ғазаб,
Турли фикр, турли ҳис, турлича ўй ҳар жонда.
Танбур торлари янглиғ ҳар куйга тайёр асаб,
Турфа садолар бергай қувончу ҳаяжонда.

Мураккаб бу оламни акс этиб турар юрак,
Томчидаги уммондай, заррадаги – офтоб.
Турли синоатларга тайёр турмоғинг керак,
Қаёндаки савол бор, керак албатта жавоб.

Дунёнинг мағзи-мағзи мулоқотдан иборат,
Кўкдан инган томчини яйраб кутар майсалар.
Бир яхши сўз юракда қургай олтин иморат,
Одамлар бир-бирига меҳр ила жилмайсалар.

Осмондаги оқ булут денгизлар ҳосиласи,
Кичкина бир учқунда қуёш тафти яширин.
Тоғлардан баҳра олар водийларнинг сийнаси,
То аччиғин тотмасдан ўзин кўрсатмас ширин.

Фасллар, воқеотлар товланурлар рангоранг,
Тарихнинг кўзгусида минг тус олур туйғулар.
Нисбийдир яхши-ёмон, зиддиятлар аро жанг,
Бир-бирининг давоми бўлиб ҳислар туғилар.

То инсон эрк фарзанди, у оламга боқур тик,
Хур ёғду билан унинг бағрин ёритгай Ватан.
Бу олам ҳузурда боши бўлмагай эгик,
Ҳеч қандай нисбийликни Ватан меҳри олмас тан.




АҚЛ ВА ЮРАК

Қайнаб ётар буюк коинот,
Ич-ичиyo ташқарилари.
Минг шаклли ҳаракат, ҳаёт
Ақл билан бошқарилади.

Одамзод ҳам сўнгсиз бир карвон,
Ҳаракатда ёш-қарилари.
Иқбол, умид, интилиш, армон
Ақл билан бошқарилади.

Фақат севги бепоён нақл,
Замонларга сиғмас машқлари.
Изҳорига етмагай ақл,
Юрак билан бошқарилади.



ХАЁЛ КЕЧАСИ

Хаёл суриб узун кечалар,
Шўнғиб қалбим қаъригача то,
Кўргум турфа мазмун нечалар,
Унда мўлдир ростлик ва хато.

Унда бордир зулмат ва зиё,
Ширин дамлар, аччиқ ташвишлар.
Бор ҳақиқат ва сирли рўё,
Чала қолиб кетган кўп ишлар.

Айтилмаган сўзлар унда мўл,
Юрилмаган сўқмоқлар бисёр.
Унда уйқаш чаман билан чўл,
Туйғулар кўп – бўлмаган изҳор.

Бор аламлар, таассуфлар ҳам,
Бежо ўкинч, ёрилмаган дард.
Занглар босиб чўкиб ётган ғам
Ва сочларга сапчиган оқ гард.

Ололмадим кимларнинг кўнглин,
Кўрсатмадим кимгадир меҳр.
Такрори йўқ умрнинг йўлин,
То сўнгига қадар у сеҳр.

Умр шундоқ ўтгайдир, ажаб,
Уни ҳар хил ўринлар ҳар ким.
Ҳар ҳолатга топилур сабаб,
Умр ўзи шул эрур, балким.



УМР МАЗМУНИ

Бешиқдан то қабрга қадар
Одам умри ажабдир, ажаб.
Боғча фасли тугалса агар,
Қучоғига олгайдир мактаб.

Бир энтикиш, маъюс бир лаҳза
Гўдак қалбин имтихон этар.
Бу айрилиқ – илк оғир ларза –
Ҳувиллатиб боғчани... кетар.


Сўнг мактабда ўн йиллик ҳаёт,
Ёшлик кечар сойдек гувиллаб.
Бир кун келиб «хайр», дер, ҳайҳот,
Мактаб қолар ортда ҳувиллаб.

Сўнгра эса олий илмгоҳ,
Бунда умр сабоғин олар.
Бул қаср ҳам бир кун қолур, оҳ,
Олтин давр ҳувиллаб қолар.

Сўнг... ҳаётда минг синов кечиб,
Кўражақдир узоқ-ёвуқни.
Гоҳо ширин, гоҳ аччиқ ичиб,
Кўп кўражақ иссиқ-совуқни.

Ҳар бир одам ўзи бир олам,
Йўқ ўхшаши, такрори асло.
Дунё ичра дунёдир одам,
Бир-биридан фарқли, мустасно.

Кўз олдида эврилар замон,
Фарқ этади бахтни, рўёни.
Авж нуқтага етганда инсон
Ҳувиллатиб кетар дунёни.



ЙЎҚЛАШ

Тўқис бўлмас инсоннинг бахти,
Бир қусурдан холимас тақдир.
Яшнаётган умр дарахти
Неларгадир яна илҳақдир.

Юрагимда ётар бир тугун,
Танга солиб аламли титроқ,
Ечилмайди, афсус, кунма-кун
Тугилади балки қаттиқроқ.

Барча бахтли соатларимга
Бир доғ бўлиб уради муҳр,
Табиатим, одатларимга
Тамға чекиб кетмиш бир умр.

Юрагимда дардларим ниҳон,
Ўртанаман, ёнаман жим-жим.
Гўё бўрон қайирган ниҳол,
Тополмайман асло иложин.

Бўм-бўш бўлиб қоламан бирдан,
Ҳазм этолмай яшаш туйғусин.
Топиб бўлмас сени ҳеч ердан,
Йўқотганим, онажон, бу сен!

Қанча сенга бўлмайин хумор,
Йўқлик сари қўйгансан қадам.
Кўзларимга олам бўлса тор,
Чигилимни ёзади қалам.

Ҳамма нарсам етарли бугун,
Бахту обрў – бари мукамал.
Орзуларим очилиб гулгун,
Ишқ, ижодда севинчим тугал.

Қани, шодлик, ҳаяжонимга
Шерик бўлиб, жилмайсанг бир зум.
Эшиқдан шод кирган онимда,
Кўзларингда ёнса табассум.

Орзуларим сўзласам бир-бир,
Ўгитларинг тингласам кулиб.
Майли, койи, ўтса бирор сир,
Мен эштай таслиминг бўлиб.


Бироқ энди мумкинмас булар,
Булар энди сароб бир хаёл.
Хаёл баъзан алдамчи бўлар,
Хаёллардан ғолибдир ҳаёт.

Дилдан ёдинг сизиб ўтаркан,
Тиқилади бирдан нафасим.
Оналарни бошга кўтарган
Ўғилларга келар ҳавасим.

Шунда сени излаб қоламан
Фарзандларим қошу кўзидан.
Аччиқ ўйлар ичра толаман,
Сўзларингни излаб сўзидан.

Яна меҳринг бўлади далда,
Дейсан: «Энди кўп куйма, ўғил!»
Сал енгиллик сезаман дилда
Ва иш билан бўламан машғул.

Ҳамма нарсам етарли, тўлиқ,
Кўз ўнгимда ёп-ёруғ жаҳон.
Фақат энди ёнимда сен йўқ,
Гуноҳимни кечир, онажон!



ШАЖАРА

Момомнинг момоси ким бўлган, билмам,
Билмам, ким бўлгандир бобом бобоси.
Номаълумлик аро ўтмоқ, чекиб ғам,
Наҳотки умримнинг азал савдоси?

Балки новвой бўлган бобом ё дехқон,
Яйловда қўй боққан ё қургандир уй.
Мен-ку ўртадаги уйғоқ турган жон,
Бу йўлда қийналиб сурадурман ўй.


Балки момом менинг тўқиган гилам,
Рўзгор ташвишлари ичра кўмилиб.
Сўнгига етмасман ўйлаган билан,
Хаёл дарёсида обдон чўмилиб.

Бобом икки бўлган, момом ҳам икки,
Икки тоғдан оқиб келган қўш ирмоқ.
Менинг қалбимда бор уларнинг юки,
Улар ёққан шамдир дилдаги чироқ.

Мен улар умрини этурман давом,
Отаму онамнинг ривожи бўлиб.
Менда яшаётир бобом ва момом,
Тоза қонимдаги бир томчи бўлиб.

Эй кўнглим, ҳайратда қотмагил беҳол,
Чигал ўйларингга топмай ниҳоя.
Ўз-ўзидан унмас оддий бир ниҳол,
Девор бўлмас экан, бўлмагай соя.

Оҳ, азиз шажара, мавҳум шажара,
Ҳеч ким сени менга этмади тортиқ.
Лекин қалбим ичра мавжуд манзара –
Аждодим қонига ҳар лаҳза боғлиқ.




ЭСКИ АҚИДА

Амал – гўё шатранж ўйини,
Ундан олиб, бунга кўярлар.
Гоҳи баланд, гоҳи қуйини
Манзил этиб, бахтинг йўярлар.

Гоҳ хужумкор борурсан олдда,
Гоҳ бурчакда қотажаксан мот.
Гоҳ пиёда, гоҳида отда,
Гоҳи сўлда, гоҳи ўнг қанот.


Гоҳи шоҳсан, гоҳида фарзин,
Гоҳ филликда кучинг зиёда.
Зарра-зарра бу ҳаёт дарсин
Англагайсан пасту қиёда.

Булар бари бурч ҳисси жонда,
Буларсиз бахт бўлмас мукамал.
Инсон учун барча замонда
Инсонийлик – энг буюк амал.



БИРИНЧИ ДАРС

Ўйлар эдим:
Филдиракларга оғир,
Туну кун сирғаниб, йўлга урмоқ юз.
Билсам,
Бўлар экан асфальт ҳам яғир,
Филдирак зарбидан кечаю кундуз.
Икки кучнинг шундоқ тўқнашувидан
Туғилади буюк ҳақиқат,
Икки қўлдан чиққанидай қарс.
Бу сен учун –
Энг биринчи дарс.



ОДАМНИ ОДАМ


Дунёда азалдан дард бор, қайғу бор,
Бир куни «гул»ингни албат сўлдирар.
Лекин дилозорлик – даҳшатли ғубор,
Одамни, аслида, одам ўлдирар.

Ишинг тушиб қолса бирор номардга,
Қўлидан келару лекин ғўлдирар.
Мутелик учратар энг оғир дардга,
Одамни, аслида, одам ўлдирар.

Сохталиқ – инсонда энг мудҳиш ғараз,
Гўё қанот бўлиб, сени кулдирар.
Қалбингни емирар яширин мараз,
Одамни, аслида, одам ўлдирар.

Яна адоватдир юракка оғу,
Томиринг қўрғошин бўлиб тўлдирар.
Гўёки қоплонга дуч келар оғу,
Одамни, аслида, одам ўлдирар.

Разилдир тамаю таъна, бахиллик,
Гоҳ чалиб оёғинг, гоҳо мўлтирар.
Балои ногаҳон – ким тошбағирлик,
Одамни, аслида, одам ўлдирар.



«ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ»

Баъзи кимсаларнинг наздида дунё
«Ташкил қилиш»лардан иборат гўё.

Агарчи қармоққа чувалчанг илсанг,
Аниқки, қандайдир балиқ илинади.
Лекин ўшал кимса фикрича, билсанг,
Бу, албатта: «ташкил қилинади».

Меҳру муҳаббат бор, обрў, ишонч бор,
Одам одамга доим илинади.
Кимсанинг наздида, бунча эътибор –
Ҳаммаси «ташкил қилинади».

Дейлик, манглай терин тўкиб бир одам,
Мансаб поясида юксалди баланд.
Бунда эл ҳурмати тез билинади.
Лекин анов кимса фикрича, ҳарчанд,
Булар бари «ташкил қилинади».


Биров нишон олди чин меҳнат билан,
Ё қалқди севгидан кўзга бахт ёши.
Лекин анов кимса дер миннат билан:
Буни «ташкил қилди» бир орқодоши.

Ҳаётда бор қувонч, қаҳқаҳа, алам,
Гулдан гоҳ яйрайсан, гоҳ қўл тилинар.
Лекин ўйлайверар анови одам:
Буларнинг ҳаммаси «ташкил қилинар».

Уларга писандмас дарз кетса замин,
Сув тошиб, бир элни ютса гирдибод.
Улар бир ночорнинг на ейди ғамин,
На қулогин тутар биров қилса дод.

Ўйлар: мутасадди бордир бу ишга,
Ўшалар масъулдир «ташқил қилишга».

Бир куни деворга боши тегар-да,
Эл дерки: «бечора тоза шилинди».
Ўшанда ҳам айтар, тушмай эгардан,
Бу гаплар ҳаммаси «ташқил қилинди».



* * *

Истайман мадҳ этсам
Нурни, гулларни,
Лекин зулмат кечалар ҳам бор.
Куйлай десам кенглик,
Ойдин йўлларни,
Лек тангу тор кўчалар ҳам бор.

Мадҳ этгим келади
Нурни, баҳорни,
Бахтсизлик бор, аёз бор бироқ,
Шу икки зиддият
Оламда борми,
Бўлар висол ва бўлар фироқ.



* * *

Одам-ку мислсиз бир санъат азал,
Жаҳон девонида энг порлоқ газал.


Бу газал маъносин ўқисанг минг йил,
Яна қайнаб чиқар маънолар минг хил.

У сўнгсиз теранлик, кўз етмас қоя,
Унда нур беҳисоб ва кўпдир соя.

Ҳар сатри, ҳар сўзи, ҳар битта вазни –
Буюк тилсимларнинг пинҳоний базми.

На идрок қамрагай, на учқур хаёл,
У минглаб жумбоқдир ва минглаб савол.

Ўзлигин мукаммал англаб етган дам,
Ривождан тўхтагай қудратли Одам.



УЛФАТЛАР МАДҲИЯСИ

Яхши яйраб, ёмон зоти хор бўлсин,
Дилдан дилга мухаббат изҳор бўлсин,
Дил Оллоҳда, қўлда эзгу кор бўлсин,
Тўйлар бўлсин, тўйларда ёр-ёр бўлсин,
Барча дўстлар соҳиби рўзгор бўлсин.

Ҳар бир сўзи ҳикмат эрур ё мақол,
Дунё кўрган, фикри аниқ ва яққол,
Ўрта ёшдир, юздан сўнгра бўлар чол,
Исми шариф – Отақўзи оқсоқол,
Мисли Чотқол дунёда пойдор бўлсин.

Бу дунёда бор-ку салом ва алик,
Яхшиларга ётдир оғир кексалик,
Яхшиларга ярашгайдир эркалик,
Шогирд эрур Беҳзодга Абдумалик,
Лайло каби бир ёрга дучор бўлсин.

Дўст тутиниб қуроли қалам билан,
Гоҳ шодлигу гоҳида алам билан,
Хаёлида бир гўзал санам билан,
Сухбат куриб қадаҳ билан, шам билан,
Назарматга ширин орзу ёр бўлсин.

Дутор куйлар... Фуломқодир қўли бу,
Ўзбек халқин босиб ўтган йўли бу,
Дилхирождир, ё Ироқнинг чўли бу,
Устод эрур, улфатларнинг гули бу,
Юрагида ҳамиша баҳор бўлсин.


Ҳар ишида, ҳар сўзида бор низом,
Яъни дейлик соат каби интизом,
Устозидир Фирдавсий бирла Хайём,
Шоисломдир Жомий билан ичган жом,
Ижод билан доим бахтиёр бўлсин.

Кейин қўйма бугун қилар ишингни,
Жондай асра улфат тутган кишингни,
У ёз этар ҳатто аёз қишингни,
Агар оғриқ зирқиратса тишингни,
Қудратилло тилингда шиор бўлсин.

Ижод этиб толикмайдир Исмойил,
Кўнгли доим эзгу ишларга мойил,
Қаҳ-қаҳасин зарби шунчалар қойил,
Сапчиб тушар Истанбулу Исроил,
Бир мизғиса кўзлари хуммор бўлсин.

Агар айтсам сизга гапнинг пухтасин,
Ўз вақтида қўйинг сўзнинг нуқтасин,
Даврамингда соқий эрур Тўхтасин,
Гўзалларни кўрса, узар нўхтасин,
Шу йигит ҳам бу оламда бор бўлсин.

Не буюрса дилинг, дўстим, шунини ёз,
Шу улфатлар даврасига бўлгил мос,
Тарк этмасин бизни қувонч, эҳтирос,
Вазн бузмай, исмимдир Жумъа Ниёз,
Дўстлигимиз доим барқарор бўлсин.



ИЗТИРОБ

Кўмир олмоқдамиз ердан тоғу тоғ,
Темир олмоқдамиз ундан ҳам кўпроқ.

Ер кўксига тинсиз қўл солмоқдамиз,
Чок-чок сўкиб, янги йўл солмоқдамиз.

Минг йиллар, шу зайлу ушбу алпозда,
Куз билан баҳору ёзу аёзда

Ўйиб кирмоқдамиз унинг бағрини,
Тилим-тилим эрур ичи, яғрини.

Дарёдек оқизиб нефть ила газин,
Яйратиб ётибмиз бу ҳаёт базмин.

Ўрмонларин кесиб, вужудин эзиб,
Оналик меҳрини сезмай ё сезиб,

Хирмон-хирмон пахта, шоли, буғдойин,
Мева-чева, мойин, полизин, чойин

Экиб, териб, йиғиб, ўриб ётибмиз,
Мағзу ширасини сўриб ётибмиз.


Ернинг минг асрлаб йиққан мулкени,
Минг йилда совурсак, айтинг, мумкинми?!

На бир фарёди бор, на миннати бор,
Фақат ором билмас чўнг меҳнати бор.

Муштипар юракдан отилгандек «оҳ»,
Баъзан бир силкиниб қўяр у ногоҳ.

Зилзила... ер қақшар, бағрида нола,
Ёмғирмас, кўзидан тўкилган жола.

Биз эса оҳини сезмаймиз гўё,
Мангу берилгандай бу ёруғ дунё.



ЎЗБЕК ЭЛИМ

(Фахрия)

Лабларинг соф зилолидан, ўзбек элим,
Қошларинг қўш ҳилолидан, ўзбек элим,
Тилларинг қанду болидан, ўзбек элим,
Қуёшингдан, шамолингдан, ўзбек элим.

Дилга ором ажиб, мумтоз наволаринг,
Минг бир дардга даво эрур ҳаволаринг,
Айни қуёш маскани кенг самоларинг,
Бахра олгум жамолингдан, ўзбек элим.

Жаннат эрур оқшом, саҳар паллалари,
Дил яйратур оналарнинг аллалари.
Жонбахш эрур гўзалларнинг яллалари,
Сўзлар кўрку камолингдан, ўзбек элим.

Чаманларинг адоғига етиб бўлмас,
Хирмонларинг салмоғига етиб бўлмас,
Меваларинг саноғига етиб бўлмас,
Анорингдан, зардолингдан, ўзбек элим.

Эй, тоғлари ёқутлигим, ҳақиқлигим,
Қўш дарёси олам ичра таниқлигим,
Эй, кўллари қайиқлигим, балиқлигим,
Булбуллингдан, физиолингдан, ўзбек элим.

Жаҳонларни акс айламиш она тилим,
Ҳар сўзингда минг санъату минг бир илм,
Таронаю ҳикоятинг жону дилим,
Достонингдан, мақолингдан, ўзбек элим.

Қарам бўлмас ҳеч кимсага буюк халқинг,
Нақл этилмиш номаларда фахру шарҳинг,
Юрагимга туташ эрур ғарбу шарқинг,
Жанубингдан, шимолингдан, ўзбек элим.

Тарихларга айтар улуғ сўзинг бордир,
Ҳар бир аҳдинг замирида ўзинг бордир,
Байроғингда ўн икки юлдузинг бордир,
Жавобингдан, саволингдан ўзбек элим.

Гўзалимсан, элу юртин шод айлаган,
Фазалимсан, элу юртим ёд айлаган.
Асалимсан, Ҳофизни ҳам мот айлаган.
Лаб узра нуқта холингдан, ўзбек элим.

Ҳар қадамда фаввораю шўх ирмоқлар,
Адирларда қулоч отди зилол боғлар,
Эрка шамол сочларимни шўх тароғлар,
Ўрмонингдан, ниҳолингдан, ўзбек элим.

Бу қўрғонлар, айтинг, қачон бўлмиш барпо,
Минг йилликлар қаршимизда бўлур пайдо,
Ўзбекистон – қадим замин, мовий само,
Гавҳарингдан, сополингдан, ўзбек элим.


Тоғларингда чексиз маъдан хазинаси,
Офтобга олтин поя – ҳар зинаси,
Неча-неча мўъжизага бой сийнаси,
Ҳисорингдан, Чотқолингдан, ўзбек элим.

Бағринг узра ижод этар қудратли эл,
Саховатли, матонатли ҳам нозик феъл,
Юртим ҳуснин кўрмоқ бўлган эй дўст, кел,
Қалпоғингдан, рўмолингдан, ўзбек элим.

Барпо бўлдинг оқибатдан, муҳаббатдан,
Яна сўнгсиз ишқу меҳру мурувватдан.
Ҳақ асрасин ёмон кўздан, мусибатдан,
Куйлай бахту висолингдан, ўзбек элим.

Кўксимдаги ширин, нафис туйғуларим,
Яна жўшқин, қудрат тўла орзуларим,
Кўнгил уйим ёритган бу ёғдуларим –
Сўзлар эрку аъмолингдан, ўзбек элим.

Авлиёлар, алломалар диёрисан,
Янги авлод таронаси, алёрисан,
Истиқлолим қўрғонисан, гулзорисан,
Айланайин иқболингдан, ўзбек элим!



ЎЙЛАМАЙ-НЕТМАЙ

Талай ишлар қилдик ўйламай-нетмай,
Пахта тоғларига тикиб хаёлни.
Аму билан Сирнинг додин эшитмай,
Қуритиб қўйибмиз Оролни.


Корхоналар қурдик керак-нокерак,
Самони забт этиб турфа тутунлар.
Кўтараверибди барини юрак,
Ўпкага тўлса-да минг хил куқунлар.

Теру чангга ботиб қанча чўл қувдик,
Зўрлаб олиб чикдик дарёни қирга.
Ташнани зор этган бир қултум сувдек
Мақсадга чопибмиз югуриб бирга.

Ваъдалар қилинди ўйламай-нетмай,
Вафолар юзини кўрсатмади ҳеч.
Бирини бошладик, бириси битмай,
Ўйланиб ўтирсак бўлади деб кеч.

Кийикдан аритдик чўлу адирни,
Бемаҳал сарғайди боғда япроқлар.
Топиб шу ишлардан обрў-қадрни,
Нишондор бўлишди талай ўртоқлар.

Жангдан сўнг наъравор чимирилмас қош,
Ўрнига тушмайди қанча қайд этмай.
Виждон эндигина кўтарганда бош,
Ўлдириб қўймайлик ўйламай-нетмай.



МЕВАЛАРИМ

Бошига тож қилиб деҳқон иззатин,
Деҳқоннинг заминга буюк хизматин,

Мевалар юксалди Ер сийнасидан,
Белоён абадий хазинасидан.

Авалло қулупнай чикди кулиб шўх,
Сўнг гилос қизарди – қиз лабидай чўғ.

Сўнг ўрик етилди тиллодай сархил,
Яна юз тур кўкат чиқишди ҳар хил.

Манаман деб ёнур луччак шафтоли,
Бодрингу помидор хуштаъм, сафоли.

Бу олма, бу анор – минг маржон-маржон,
Мазасин тотмасдан яйраб кетар жон.

Қовундан олгаймиз жаннат таъмини,
Тарвuzдан тоғ уяр ўзбек замини.


Узумлар неча минг саватни тутгай,
Довруғи кўп юрту сарҳадни тутгай.

Энтикиб-энтикиб лабга босган чоғ,
Танангдан сирғалур юз йиллик чарчоқ.

Куёшим эҳсони минг хил масаллиғ,
Янгамнинг овқатин қилур мазалик.

Десанг, қайдан келур бунчалик ширин?
Дегайман: – мағзида юрак яширин!

Таҳсинлар айтарак анжир, кишмишга,
Дадил киражакмиз ҳар қандай қишга.



ДУНЁ ИШЛАРИ

Дунё ишларидан сурганда хаёл,
Унинг қилмишлари этгай дилни лол.
Ҳалолу ҳарому камолу завол –
Одамни зиддият ўйга соладир.

Баланди ҳам бору пасти ҳам бордир,
Гоҳ тиниқ шуъладир, гоҳи ғубордир,
Дунё деганлари буюк бозордир,
Топганин яхшилар тўйга соладир.

Бу ёлғончи дунё, томошо дунё,
Кимгадир молу мулк ва ашё дунё,
Кимгадир дўст дунё ва ошно дунё,
Кимнидир минг турли кўйга соладир.

Синовлар ичида борғувчи инсон,
Тарк этмасин сени эътиқод, имон,
Ақлингга таянгин, ўзингга ишон,
Ҳар ким ўз дардини куйга соладир.



ИНСОН ҚАЛБИ

Инсон қалби билан асло ўйнашма,
Инсон қалби билан сен қилма ҳазил.
Инсон қалби – офтоб акс этган чашма,
Гоҳ булутдай енгил, гоҳ тоғлардай зил.

Бахтдан тўлқинланар,
Севгидан яшнар,
Мумкин изтиробдан баъзан толиши.
Гоҳ олам хаёли билан у яшар,
Гоҳ мумкин ўз дарди ичра қолиши.

Бундай соатларда сен уни тушун,
Ноҳақ ҳукмлардан сақлан, азизим.
Билки, фазоларга юксалмоқ учун,
Ахир лозим бўлур ҳал қилувчи зум.

О, бундай лаҳзада кўзи ўнгидан
Асрлар мазмуни ўтса эҳтимол.
Булутлар қоплаган ҳаво сўнгидан
Ногаҳон офтоб ёзгандай жамол.


Ҳаётни туй дея ўйлама фақат,
Ёлғиз табассумдан излама бахтни.
Юрак хазинаси эрур қатма-қат,
Ваъдадан фарқ этгил мустаҳкам аҳдни.

Аммо у самимий айтган сўзидан
Чақмагил ҳамиша ўзга бир маъно.
Бир ғараз излама қошу кўзидан,
Ўйлама, ул нодон, ёлғиз сен доно.

Осонмас инсоннинг қалбини билиш,
Ранг-баранг феъл-атвор, фикру туйғулар.

Сенга номаъкулдек кўринган бир иш
Кимгадир энг маъбул бўлиб туюлар.

Эй, икир-чикирлар тўрида қолиб,
Тирноқ орасидан кир қидирган зот!
Бўлмас инсон қалбин қолипга солиб,
Ҳеч қандай қолипга сиғмайди ҳаёт.



ҚОРАҚАЛПОҒИМ

Кўксида бир дунё орзу ила аҳд,
Қалби нафосату қўли қадоқли.
Чўлда кўзёш билан ундирган дарахт –
Ким десанг, айтурман Қорақалпоқни.

Уни ғазналардан яратмиш Худо,
Устига ёпмишдир тилло қопқоқни.
У қайси юрт дея сўраса дунё,
Албатта айтурман Қорақалпоқни.

Жонингга оромдир кулги, ҳазили,
Ундирар шолию олтин чаноқни.
Устод Миртемирнинг севган манзили –
Не десанг, айтурман Қорақалпоқни.

Десангки, қўбизи мағрур жаранглар,
Учратмадим бундоқ қалби қайноқни.
Кимдир ўшал мард деб сўралса агар,
Шубҳасиз айтурман Қорақалпоқни.

Ўзбек билан ёндош борур бир йўлдан,
Тенг бўлгай майизу нону қаймоқни.
У қандоқ қалъаю у қайси гулшан,
Десанг, айтажакман Қорақалпоқни.

Орол бўйларида нохуш бир аҳвол,
Сувга солиб бўлмас минглаб қармоқни.
Гарчанд кўзда ёшу бошда минг хаёл,
Мен мағрур айтурман Қорақалпоқни.

Меҳридан юксалиб борурсан баланд,
Сеҳридан босурсан асрий чанқоқни.
Кимдир у жонингга азалдан пайванд –
Десанг, кўрсатурман Қорақалпоқни.

Ўғлонлари бордир бағри чўлдай кенг,
Қизлари эслатур кўкда чақмоқни.
Сўрасанг, қайси халқ тарих билан тенг,
Дарҳол айтажакман Қорақалпоқни.

Осмондай дашти бор, жаннат боғи бор,
Эркалар боққанда кўзу қароқни.
Кимдир у бағри кенг, қалби беғубор,
Десанг, кўрсатурман Қорақалпоқни.

Бунда сен кўрарсан меҳру оқибат,
Оға-инилигу ҳурмат, ардоқни.
Ҳар тонг шу диёрни ўйлаб, қил ният,
Боши омон бўлсин Қорақалпоқни.

Бердақ шеъри билан инсонни куйлаб,
Бир халққа дўндирди уруғ-аймоқни.
Худо шу сахронинг иқболин ўйлаб,
Атай яратгандир Қорақалпоқни.



* * *


Ҳайрат тўла бедор бир дунё
Янграб ётсин этмиш-да тўлиқ,
У чеккадан кўрсин бепарво?!

Ҳаёт ичра тоза бир сабо
Кулоч отсин эмиш-да қутлуғ,
У чеккада турсин бенаво?!

Ҳақиқатга айланиб рўё,
Кўрк ёйсин-да янги йўл-йўриқ,
У чеккада юрсин бесафо?!

Кўнгилларга бахш этиб вафо,
Орзу чечак отсин-да бўлиқ,
У эса жим турсин бедаво?!

Яна ундан нима истайсиз?!




ОҚ ҚУШЛАРИМ

Осмонни тўлдирмиш қушлар садоси,
Уларга маскандир юртим самоси,
Рухимни эркалар майин сабоси,
Учинг, оқ қушларим, оппоқ қушларим,
Оппоқ армонларим, оппоқ тушларим.

Сиз руҳлар тимсоли – абадий руҳлар,
Қушларга айланмиш армон, андуҳлар,
Рухлар ҳар лаҳзада бизларни йўқлар,
Учинг, оқ қушларим, оппоқ қушларим,
Оппоқ армонларим, оппоқ тушларим.

Сизни мўлжал олди ёвуз мерганлар,
Адоват тахтида кўкрак керганлар,
Янглишур сизларни ўлган деганлар,
Учинг, оқ қушларим, оппоқ қушларим,
Оппоқ армонларим, оппоқ тушларим.

Сизлар Қодирийсиз, Фитратсиз, Чўлпон,
Истиқлолга ташна интилган Усмон,
Бизни огоҳ этиб ҳар лаҳза, ҳар он,
Учинг, оқ қушларим, оппоқ қушларим,
Оппоқ армонларим, оппоқ тушларим.



* * *


Мен сендан яширмайман,
Дилда борин айтаман.
Ошириб-тоширмайман
Бундай нозик пайтда ман.

Юрагимни қўлга ол,
Ўқиб чиққил бобма-боб.
Изҳорига қулоқ сол,
Саволингга топ жавоб.

Унда йўқдир зарра гард,
Меҳру вафо бор фақат.
Садоқату ишқу дард
Мужассамдир қатма-қат.

Ҳисларимга ёриб кир, *
Майли, этгил имтиҳон.
Сирларимни оч бир-бир,
Қолмасин асло ниҳон.


Фақат сендан илтимос,
Учратсанг зарра ғараз,
Топта оёғингда, бос,
Чилпарчин бўлсин мараз!



* * *


Сен мени беғам дема
Қувноқ юрган кезимда,
Юксиз, мох босган кема
Сузмас қалб денгизимда.
Биров ёнади ўйчан,
Биров ўртанур рўй-рост.
Ҳиссиётни ким ўлчаб,
Қолип урғай Мосу хос?
Жаҳоний изтироблар,
Ошиқ-маъшуқ охи ҳам
Шоир дилини тоблар
Ва куйдирар гоҳи дам.
Юрагим кўзгусидан
Жой олган янглиғ гўё,
Бахти ва қайғусидан
Ҳикоят қилур дунё.

- – Фарёд – дея эрта-кеч
Тўшга урмоқ шарт эмас.
Ким мардликни қилса пеш,
Билки, асл мард эмас.
Бу тубсиз манзаралар,
Инсон очган уфқлар,
Кўз илғамас марралар,
Тақдирлар, йўл-йўриқлар,
Қитъалару уммонлар
Айланар хаёлимда,
Юлдуз тўла осмонлар
Очиқ истиқболимда.
Бари – мен учун мавзу,
Яшар ақлу сезгимда...
Беғам дема, дил ёзиб,
Қувноқ юрган кезимда.



ФАРЗАНД

Инсон туғилмоқда –
Янги бир одам
Кўз очди тонготар сафоси билан.
Гўё кашф этилди янги бир олам
Самоси, сабоси, садоси билан.
Тоғлар ва дарёлар сездилар уни,
Яйраб-яйраб эсди шўх шаббодалар.
Кундузлар,
Юлдузлар бўлиб мафтуни,
Севинди
Лолалар ва шалолалар.
Уни таъзим билан қутлади борлиқ,
Шамоллар,
Нихоллар елпинди шодон.
Эндиги кунимиз у билан боғлиқ,
Рўзгоримиз яна шодон, ободон.
Кенг тортгандай бўлди Ватаннинг бағри,
Кўкида яна бир юлдуз сочди нур.
О, бундай саодат, орзу ва бахтни
Инъом этган она, сенга ташаккур!
Тарих бу тарихни қайд этиб битиб,
Қувонч шуъласига диллар йўғрилди.
Ҳазил эмас, қадам ранжида этиб,
Олам ичра янги одам туғилди.



БИР УМРЛИК ҚАРЗ

Юз кўрсат, томоққа қалқиб келган сўз,
Юз кўрсат, томирда сирқираган дард,
Шеъримга кириб кел агар бўлсанг дўст,
Қалбимни ошкор эт агар бўлсанг мард.

Эй само, эй юлдуз, эй ою қуёш,
Кўз очиб кўрганим зарафшон борлиқ,
Туғилган чоғимдан сиз менга йўлдош,
Менинг мавжудлигим сиз билан боғлиқ.

Менинг диёримдир шу дилбар замин,
Яйрадим мен унинг оғушларида,
Англадим ҳаётнинг муқаддас таъмин
Бахтнинг зарра-зарра ёғишларида.

Шеъримсан, дардимсан, озод нафасим,
Севгию севинчим – бахт ибтидоси,
Орзумсан, созимсан, армон, ҳавасим,
Фидойи қалбимнинг эркин нидоси.


Момом эртаклари қулоқда ҳамон,
Юлдузли тунларда чеккан оҳим ҳам.
Ўзинг елка тутдинг юрсам эрк томон,
Қаршимда уфқлар очдинг муҳташам.

Билурман, энг янгроқ сўзлар ҳам ҳатто
Қуруқ сафсатага айланур бир вақт,
Агар унга жонинг этмасанг ато,
Умрингни тикмасанг мақсад учун нақд.

Бағрингда бир маскан мавжуддир, ўлкам,
Маъдандай жаранглар айтганда оти,
Бирдан баланд эмас ёки бирдан кам,
Мен учун муқаддас даргоҳ – Пўлоти!

Ҳар нечук хаёлу ҳар нечук байтим
Шу азиз элимдан олинган бир дарс.
Мен унинг бағрида илк ёшлик пайтим
Сўз маъносин чақдим. Бу – умрлик қарз.

Илк сўзим, илк севгим туғилган замин,
Шу қарзим ўташга тикканман жонни.
Сен менга тутқаздинг ижод қаламин,
Кўзимга кенг очдинг ёруғ жаҳонни.



АВГУСТ ҲЙЛАРИ

Йилнинг авж нуқтаси аё, августим,
Балоғат мезони, фасли баркамол,
Узат ҳароратли қўлингни, дўстим,
Эвазига менинг ўтли қалбим ол.

Ажиб жилваларинг, райҳон исларинг,
Шакар лабларинг бор, кўксинг тўла – ёз,
Энг олий туйғулар, оташ ҳисларнинг
Етук дostonисан кўркам ва мумтоз!

Сен мени ўйларга чулғадинг яна,
Тенгсиз мўъжизалар силсиласидай,
Боғларда тўкинлик қурмиш тантана,
Пахта чиқаётир Ер сийнасидан.

Бу-ку ҳар йилда ҳам бўлади такрор,
Ҳар йил шу ходиса қайтар аслида,
Баракат уруғин қадаса баҳор,
Ҳосил етилади август фаслида.

Ва лекин бошқа ҳис ҳоким юракда,
Қуёш ҳовуридан тўлқинланиб қон –
Бошқа бир туйғулар жўшар истакда,
Тафаккурга ундар август – кадрдон.

Инсоний умрга ахтарсанг қиёс,
Йилнинг тўрт бўлаги келгайдир ёдга,
Виждонинг олдида жавоб бер рўй-рост,
Қандай ҳосил билан келдинг муродга?


Умринг навбаҳори чоғи экилган
Ниҳоллар мевага кирдими бугун?
Недур у бемаврид ерга эгилган,
Атиргул ўрнида эмасми юлғун?

Ишқомда нима гап, не гап полизда,
Нечукдир адирда хирмоннинг чўғи?
Сурувнинг аҳволи нечук олисда,
Жавоб бер, заминнинг меҳнаткаш ўғли!

Китобми, шаҳарми – не этдинг бунёд,
Сен қазган ариқдан баҳра олди ким?
Қайси бир юмушинг эл қалбида ёд,
Очолдингми севги тоғида тилсим?

Довонга етганда йўлчи ногаҳон
Босилган изига солгандай нигоҳ,
Одам ўз-ўзини этар имтиҳон,
Август камолидан топиб иштибоҳ.

Бунда иш беролмас ҳеч бир тасалли,
Биргина юпанч бу – ғайрат ва шитоб...
Қуёш қозонида етмиш масаллиқ,
Яқиндир ҳосилни этмоқ сарҳисоб.




ЯНГАЛАРИМИЗ

Ўшанда ёш эдик... Юртнинг бошига
Оғир юмуш тушди... англаганимиз,
Йигитлар кетдилар ўтли жабҳага,
Бирдан ғамгин қотди янгаларимиз.

Улар чимилдикдан далага чиқди,
Учбурчак хатларни кўксига босиб,
Пахтага, чорвага, ғаллага чиқди,
Севгию вафога содиқ, муносиб.

Висолу ҳижроннинг зид ўйинида
Тақдир синовидан ўтдилар оғир.
Чақмоқнинг лаҳзалик нур қуюнида
Чинорлар ярқ этиб кетгандек мағрур.




УМИД

Ўғил момонинг тўрт ўғли қайтмади:
Тошқобил, Тошназар, Тошқул, Тошниёз.
Бир кимса бир аниқ хабар айтмади,
Ўтди қирқ йил баҳор, яна қирқ йил ёз.

Момо салкам юзда... йўл кутар ҳамон,
Ҳамон ҳовлисида асрар тўрт туп гул.
Она-да, барчасин кўради омон,
Кириб келгудайин бирдан тўрт норғул!

Иссиқ нон чиқарар кўни-қўшнилар,
Биров илинар бир пиёла қаймоқ,
Хира кўзга гўё мадор кўшилар,
Дейди: «Болаларим учун бу томоқ».

Уйлантирмоқ бўлар ўжар кенжасин,
Бир давра неvara кўрар хаёлда.
Шундай ўтказар у кундуз-кечасин,
Бир дунё умид бор улуг Аёлда.



БАҒИШЛОВ

- Ватан ичра минг чаман, минг боғим бор,
Хар биридан фаҳрим бор, ардоғим бор,
Лекин бири – кўз ичра қароғим бор,
Кўнгил уйин ёритган чароғим бор,
Қашқадарё – суянғудай тоғим бор.

Юр, азизим, айна сафар пайтидир,
Мўл-кўл ҳосил, тўкис зафар пайтидир,
Ғазна-ғазна унган самар пайтидир,
Йўл пайти бу, айна саҳар пайтидир,
Кўз тутувчи кўп дўсту ўртоғим бор.

Мингчинорда меҳмон бўлсанг бир кеча,
Маст этгудек юлдузлар қоқур миҳжа,
Сув ўрнига шарбатлар ича-ича,
Бемор бўлсанг, қувватга тўлиб филча,
Яйрагайсан, шўх сою ирмоғим бор.

Бир ён кета-кетгунингча сўнгсиз чўл,
Бунда фикр, бунда хаёл, орзу мўл,
Яқин дўстлар даврасига элтар йўл,
Сурув-сурув қўй сурони ўнгу сўл,
Дарё-дарё сутим бор, қаймоғим бор.

Ёзда келсанг, парвона бошда офтоб,
Оташига фақат мардлар берур тоб,
Ташналигинг босгайдир яҳдай чалоб,
Сен меҳрдан бўлажаксан файзиёб,
Меҳмоннавоз уруғим – аймоғим бор.

Кузда келсанг, қовун-тарвуз палақда,
Тустовуқлар, жайронлар чакалақда,
Юлдузларга нарвон бор Майданақда,
Узум асал Пўлоти, Губалақда,
Бойлик тўла далам бор, қирғоғим бор.

Гар Қайнардан Муборакка жўнарсан,
Йўл-йўлакай кўп манзилда кўнарсан,
Йўл олис-да, ҳар таклифга кўнарсан,
Шубҳа йўқки, сен Қаршида тунарсан,
Маржон-маржон миллиард сон чироғим бор.

Жаҳон ичра қандоқ бойлик бор бўлса,
Баридан бор, агар ихтиёр бўлса,
Агар кўнглинг гулобга хумор бўлса,
Варганзада етилган анор бўлса,
Билки, сархуш айлағудек чоғим бор.


Қай гўшадан келса раъно ислари,
Элитмасин сени севги ҳислари,
Юрган йўлин гулшан этиб излари,
Шўх товланиб келур Косон қизлари,
Юрагингни ёққудек чақмоғим бор.

Бир воҳа бу, минг қирра олмос мисол,
Тоғ яратган зар териб мисқол-мисқол,
Ипак мавжлар ёлқинидан баҳра ол,
Касбидир – бу, Нишондир бу – истиқлол,
Тилло тўла хазинам, қазноғим бор.

Каналлари зилолдир бир-биридан,
Таъми ўрлар буғдой нон тандиридан,
Мазасин бил ё Кўчкак анжиридан,
Дашт қутулиб сувсизлик занжиридан,
На муҳтожлик, на зарра чанқоғим бор.

Бир элат бу муҳаббатдан йўғрилган,
Яхшиликка, тантиликка туғилган,
Номи улуғ йиғинларда ўқилган,
Дўст қадрию юрт қадрин баланд билган,
Меҳри дарё, юраги қайноғим бор.

Фалак илмин ўрганувчи Китобим,
Коинотга дангал айтган хитобим,
Шўх илҳомим, севинчли изтиробим,
Гўзал юртим, юракдаги меҳробим,
Меҳрим нурин бошингдан сочмоғим бор!



КОТИБЛАР

Ошиб минг йилларнинг баланд довонин,
Кўлёмалар бизга келиб етдилар.
Ўтган буюкларнинг юрак девонин
Котиблар лутф ила инъом этдилар.

Хаттотлар,
Наққошлар, сўз бозингари –
Буюк заҳматкашлар, кечаю кундуз,
Игна билан қудук қазган сингари,
Қалбингиз қаъридан изладингиз сўз.

Вақт ели сарғайган саҳифаларда
Довуллар,
Даврлар абадий қотди.
Сўлим баёзларда, қасидаларда
Инсоний фикрлар барҳаёт ётди.


Жангларнинг тўфони – жангномаларда,
Севги, кўз ёшларин асрар ғазаллар.
Серташвиш, серғулу хангомаларда
Ўзлигин ҳимоя қилган гўзаллар.

Шоҳлар ва ғадолар,
Зулм ва қасос
Бўгин-бўгин бўлиб хатларга сингди,
Кимлар йиқилди-ю,
Кимлар бўлиб рост,
Кимлар юксалди-ю, кимлари синди.

Умр– сабоқ тўла чексиз бир тарих,
Ўзингиз билмасдан туриб, ажабо,
Инсоний ҳаётни этдингиз таъриф,
Виждонингиз амрин этиб жобажо.


Камтар ҳунарингиз ўтади бурчин,
Гарчанд бу жабҳада сўниб, толдингиз.
Ўзингиз сезмасдан, келажак учун,
Холис бир устодлар бўлиб қолдингиз.

Хат билан ўйнашиб бўлмайди сира,
Хат – умр, хат – тарих, хат – бахт, муҳаббат.
Қаламинг майлини қалбингдан сўра,
Даврингнинг садоси бўлсин ҳар бир хат.



ЙЎЛ

Йўлдан иборатдир инсоннинг умри,
Бошқа хил тақдирни мен олмайман тан.
Йўл – инсон ҳаётин етакчи нури,
Дафъатан бошланиб, битмас дафъатан.
Қаёнда бўлмайлик: кўкда, пиёда,
Денгизда ё уйда – ҳамиша, ҳар он:
Газета кўрсак ҳам,
Бугдой ўрсак ҳам,
Бино қурсак ёки
Ҳаёл сурсак ҳам
Биз йўлда бўламиз, йўлдамиз ҳамон.
Поездлар манзилга элтар бизни гоҳ,
Гоҳо булутлардан баланд учамиз.
Шу йўл бўлагидир столу дастгоҳ,
Шу йўл йўлагидир ҳовли, кўчамиз.
Бир яхшилик қилсак – йўлда борамиз,
Тер тўксак, шеър ёзсак, кон қазсак ҳам йўл.
Ҳатто
Тек тургандай шу Сайёрамиз
Яшин тезлигида йўл босади мўл.
Ўлим – ҳаёт йўлин тугаши эмас,
Авлоддан авлодга ўтилар аниқ.
Ким ҳалол яшабди, у ўлдим демас,
Насллар кўксида чироғи ёниқ.
Кимнингки, меҳнатдан чет, йироқ бўлиб,
Умум хизматидан қўли узилар,
Дарёга етмаган бир ирмоқ бўлиб,
Худди ўша куни йўли узилар.



ФАРҒОНА МЕВАЛАРИ

Фарғона бозорин айландим роса,
Салқин расталари гулзордай тоза,
Бозормас, шарбатга тўла бир коса –
Тутдиму гўёки симирдим қониб,
Во ажаб, томирда югурди қоним.

Луччак шафтолилар ҳақиқланибди,
Қатор саватларга хўп қаланибди,
Шира тўлиб пўсти юпқаланибди,
Емай туриб оғзинг сувга тўлади,
Есанг, ким билади, нима бўлади!

Анжири мадҳига тополмадим сўз,
Дувва тўкилгандай саватга юлдуз,
Ҳаё билан кулган, эй қуралай кўз,
Менга баргга қўйиб, тарозига сол,
Меваларинг каби сўзларинг ҳам бол.

Худди чўғ хирмони помидориси,
Балки етмиш дарднинг шудир дориси,
Чойнақдай келади, гапнинг тўғриси,
Жонингни киргизар қилсанг шакароб,
Гўё ёз тафтидан маст бўлган шароб.

Олмасин қизларнинг яноғи дейсан,
Борми олмазорин саноғи дейсан,
Қайдадир олманинг зўр боғи дейсан,
Боғбон кулиб айтар: – Боғи Фарғона,
Олманинг қайнаган ёғи Фарғона.


Шакар узумлари олди кўзимни,
Куёш ардоқлабди хил-хил узумни,
Нафсни тийиб, аранг тутдим ўзимни,
Рангдор чиллакилар беқиёс экан,
Бир бошин еб бўлмас деса, рост экан.

Тарвузи қучоққа сифмайди – полвон,
Таъми тилни ёрар, ранги тўқ алвон,
Аранг биттасини ебмиз тўртовлон,
Буни Ёзёвонда битган дедилар,
Канал суви маза бахш этган дедилар.

Карсиллаб чанқоқни босар бодринг,
Гўё кўк шишада баҳорий шудринг,
Уни-буни қўйиб, бу ёққа юринг,
Ўтасиз растама-раста оралаб,
Қовун харид қилмоқ учун саралаб.

Катта сой бўйида чойхона тайёр,
Мевахўрликдан сўнг кўк чойни сипқор,
Йўқса, зўрлик қилиб ўйнатиши бор,
Ҳазилмас – қуёшнинг нурин егансан,
Ҳазилмас – меҳнатнинг қўрин егансан.

Бунда бозор эмас, улкан боғ кўрдим,
Бу боғнинг саҳнида минг бўёқ кўрдим,
Шарбат шарқираган кўп булоқ кўрдим,
Фарғонам – Ватаннинг олтин конисан,
Мангу бахтин топган ҳур боғбонисан.



ЭХТИМОЛ

Мен-ку чўл фарзандиман...
Эмиб қирлар ҳавосин,
Тинглаб тўрғай навосин
Ўсган саҳройи ўғил.
Сувнинг ҳар бир қатраси
Нондай азиз бир элда,
Пишиб қуёшда, елда,
Чиниққан мурғак кўнгил.
Нечун, айтингиз, унда
Денгизга бу шайдолик,
Тўлқинларга ошнолик?

Денгиз-ла учрашувга
Ошиқдай интилурман.
Беҳад, абадий сувга
Менким сажда қилурман,
Бу тасодиф эмас ҳеч,
Бу тақдирнинг инъоми.
Гувиллайди эрта-кеч
Баҳри муҳит илҳоми.
Зилол ўрқачлар узра
Қалққан оппоқ чағалай,
Чўл бургутидан сира
Каммас менга ҳар қалай.
Менга қир лоласидан
Денгиз ўти кам эмас,
Мовий шалоласидан
Қалбимда мангу ҳавас.
Қайдан, айтингиз, дўстлар,
Денгизга бу шайдолик,
Тўлқинларга ошнолик?

Вой-бў... Замин кафтига
Қандоқ сиғар мунча сув.

Олтин қуёш тафтида
Мангу сурон ва шов-шув.
Олис-олис уфққа
Сингар оппоқ кемалар.
Ўшар яшил қуриққа
Сайхонликлар, тепалар.
Сеҳрланиб, қотиб лол,
Тиниб кетар кўзларим.
Бу мислсиз бир хаёл,
Чексиз само, дўстларим.
Бир улуғ шеъриятким,
Янграр минг хил вазнда.
Қандай туриб бўлгай жим
Бу долғали базмда.

Она Ерда ҳаётнинг
Сарчашмасидир уммон.
У тирик мавжудотнинг
Бешигидир бегумон.
Балки шундан денгизга
Боқадирман маҳлиё.
Оқади қалбингизга
Меҳригиё ва зиё.
Онасини соғиниб
Келган бир фарзанд мисол,
Ёзиб дил чарчоғини,
Яйрайдирман эҳтимол...
Севаман кенгликларни,
Зилол эркинликларни.



СЕНИНГ ҰЙЛАРИНГ

Донишмандлар, расола
Билур олам сирларин,
Сайёралар, фазолар
Бахш этур тақдирларин.

Не асов дарёларни
Қуёш қилиб ёқарлар.
Яшнатиб саҳроларни,
Баҳор бўлиб оқарлар.

Тошлардан лола қилиб,
Сўзлатишар темирни.
Шишадан тола қилиб,
Зар қилишар кўмирни.

Тупроқдан мисқол-мисқол
Элаб олишар кимё.
Ер қаърин офтоб мисол
Ёритар ақл – зиё.

Бир гугуртдай чақмоқни
Қўлда ўйнамоқ мумкин.
Қордан олов ёқмоқни
Ўрганса бўлар, лекин,

Лекин, жоним, сен хаёл
Суриб ўтирганинда,
Шахло кўзларда ҳаё,
Ўй билан турганинда,

Дилинда не туйғулар
Туғён ураркан бу пайт.
Не хил ҳислар туғилар,
Буни ким тушунар, айт?

Фақат қалбимга аён
Қалбингдаги бу ёниш.
Буни этолмас баён
Мўъжиза, илму дониш.

СЕНИ ҰЙЛАЙВЕРСАМ

Куйлайверсам оппоқ тонгларни,
Яшил кўклам, хуш саболарни.
Дарё, булоқ, дашту тоғларни,
Қушлар берган авж садоларни.

Қирғоқларни, қизғалдоқларни,
Гуллар терган қизалоқларни,
Оқ булутлар, сор бургутларни,
Табассумни, севги, хаёлни,
Вафо, дўстлик, бахту Аёлни
Куйлайверсам.

Тасвир этсам шодлик рангини,
Дарду гусса, сабру бардошнинг
Инсон учун эзгу жангини.
Улуғласам мен она Ерни,
Манглай терни ва ўтли шеърни,
Шўх қизларнинг таманноларин,
Гўзалликнинг сир-маъноларин
Куйлайверсам.


Шеърларингда эрк кулиб ётса,
Оқшом тўниб, оқ тонглар отса,
Одам яйраб, тинчлик урса бонг,
Балқиб турса мангу хушёр Онг.
Яхшилиқни, эзгулик, аҳдни,
Ширин онлар, қудратли Вақтни
Куйлайверсам...

Булар бари қуйилиб келар
Сени ўйлайверсам.
Лек ҳаётнинг шиддат, таъқиби,
Нотинч ўйлар олса забтига,
Ҳаяжондан бедор қалб каби,
Дунё турар гўё кафтингда.

Шунда сўзлар ўзга тус олар,
Ё қилич, ё ўқдай чақнар шеър.
Сенга маънос бир нигоҳ солар,
Фазоларда қалққан она Ер.

Шунда хаёл сени бир аскар
Каби элтса жанггоҳ тарафга,
Ё қаршилар нафрат ва кадар,
Ё дохилсан мангу шарафга!

Шу икки йўл қаршингда барҳақ,
Учинчи йўл бўлмагай мутлақ!



* * *

Сен қалбимни сўрадинг,
Мен уни ҳадя этгум,
Бутун ташвишларию садоқат, ишқи билан.
Сендай шўху сулувдан
Юракни аяб нетгум?
Ол, уни янграб турган авжли қўшиғи билан.

У ноёб бойлигимдир,
Бор мазмуним унда жам,
У севгига тўладир,
Лиммо-лимдир ихлосга.
Аммо уни авайлаб,
Сақлагаймисан, эркам,
Чўғни ўраб-уддалаб бўлгаймикин қоғозга?




ҚАЙРИЛИБ БОҚМАСАНГ, ЁР

Сим-симгина ёғар ёмғир,
Жим-жимгина тушар қор.
Менинг эса дилим оғрир,
Юрагимда зил дард бор.
Бу дард сўнгсиз, бу дард оғир,
Сўз билан бўлмас изҳор.
Дунё бўлиб қолар охир,
Қайрилиб боқмасанг, ёр.

Йил бўлибдир ҳар соатим,
Изтироб солиб жонга.
Қолмади сабру тоқатим
Бул аёвсиз ҳижронга.
Сени кўрмоқ – саодатим,
Бахтим айтай жаҳонга.
Сен Зухра, мен бўлиб Тохир,
Бир қайрилиб боққил, ёр.

Баҳор келди яйраб яна,
Борлиқ бўлди ям-яшил.
Водийларда нур, тантана,
Самода чақнар яшин.
Дўстлар, кўринг қалбим, мана,
Атиргулдек яшнашин.
Меҳру шафқат айлаб зоҳир,
Сен қайрилиб боқдинг, ёр.



* * *


Биз уни мақтадик минглаб газалда,
Коматин сарв дедик, чехрасини – ой.
Лабин гунча дедик, қошларини – ёй,
Ҳаёт рамзин кўрдик ҳар бир гўзалда.

Табиатда мавжуд барча тимсолни,
Барча тушунчани унга этдик бахш.
Орзу этиб доим ширин висолни,
Сиймосин дилларга этавердик нақш.

Барча мақтов сўзни ишлатдик тўлиқ,
Ишлатилди барча тасаввур, хаёл.
У эса жилмаяр... камтар ва улуг,
Ҳар қандай мақтовдан сарбаланд Аёл.

* * *

Шеъриятнинг кенгдир даргоҳи,
Уфқ, мавзу писандмас унга.
Дунё ғами, ошиқлар оҳи
Жой бўлар гоҳ ўн бир бўғинга.
У мардларнинг бўлиб ҳамроҳи,
Тик киради жангга, қуюнга.
Қўрқитолмас дор, сиртмоқ, чоҳи,
Таслим бўлмас дўққа, қувғинга.
Ҳақиқатдир ёлғиз оллоҳи,
Қарам бўлмас бору йўғинга –
Аммо жуда тор келар гоҳи,
Мукка кетсанг ўз доврўғинга.



САМО ВА ҚАЛБИМ

Бош узра эгикдир осмон гумбази,
Бағрида миллион юлдузлар базми.


Само ёноғида олтин хол – қуёш,
Баҳайбат уммонлар – томчигина ёш.

Саҳролар заррадир, зўр дарёлар – қил,
Ўрмонлар – бир гиёҳ дейилса маъкул.

Шафақ алангаси – оддийгина чўғ,
Жаҳон гулзорлари бир япроқча йўқ.

Мижжа қоқишдай гап аср ила замон,
Тоғлар – ҳузурида бир кафтгина дон.

Ана шундай буюк, беҳаддир само,
У менинг қалбимга жой бўлур аммо.



ЭЛ ҚАТОРИ

Уйни таъмир бошладик, ичида яшаб туриб,
Эшигу деразасин олиб ташлаб баралла.
Томини ҳам очганмиз шифер-тахтасин суриб,
Олди қиш деб турмадик, ишлаб кетди-да калла.

Уюм-уюм тупроқ-чанг кўзғолади шамолда,
Юзу кўзларимизга қараб уялар ойнак.
Овқат-өгүлик деган осиглиқ турар толда,
Фишга кетган машиндан ҳалиям йўқдир дарак.


Чироқлар ҳам омонат, бўёғу ганч ҳар ёқда,
Гоҳ аёз шиддатидан, гоҳ жаладан еймиз панд.
Озода тўшакларда ётиш деган қаёқда,
Хаёлимиз миҳ, уста, ёғочу лой билан банд.

«Сомон», деймиз гоҳида саломнинг ўрнига ҳам,
Болалармас, болорни ўйлаймиз эру хотин.
Бирин топсак бири йўқ, бири бўлса бири кам,
Чалкаштириб юбордик қарз берганларнинг отин.

Бир амаллаб топармиз етмиш-саксон тункани,
Кооператив-қароқчини қолдиролсак ғафлатда.
Чўнтакни-ку қуритди... қуритмоқда тинкани,
Таги кўриниб қолди емакнинг ҳам саватда.

Буюртмага берганмиз васса билан бордонни,
Кўчадаги қувурга сувни улаймиз қайта.
Яна битта хавотир: қуёш куйдирса жонни,
Билмадим, борадиган бир парча соя қайда?

Кўринмайди бу ишнинг ҳали-бери адоғи,
Янги уйнинг гаштини битмай суриб ётибмиз.
Бир кун ўзин оқлагай қўлимизнинг қадоғи,
Эл қатори бизлар ҳам қайта қуриб ётибмиз.




* * *

Воқеалар бормоқда қаён,
Қаён борур бу ола-ғовур?
Токи мақсад бўлгунча аён,
Бир чеккада ҳушёр боқиб тур.
Қўл урмагил жумбоқ мавзуга,
Яхшиси, ёз газал, дейдилар.
Жилов ургил учқур орзуга,
Кутиб турмоқ афзал, дейдилар.
Ёмон – ўтга ўзингни тутиш,
Яхши – сабр, эҳтиёт, кутиш...
Токи шундоқ фалсафамиз бор,
Оёқости бўлаверар ор.


* * *

Қўрқа-писа ўтган йилларни,
Бир хавотир кутган йилларни,
Пичир-пичир, шивир-шивирлар
Юракларни ютган йилларни
Вақтга қўшиб бўлмайдди сира,
Қўшиб бўлмас асло умрга.
Улар ваҳшат бир тушдир хира,
Қора зулмат ичра кўмилган.
Лек... қалбдан ҳам ўчириб бўлмас,
Тарихдан ҳам кўчириб бўлмас.



ФИРДАВСИЙНИ ҶҶИБ...


Бу олам ичра бор шундай бир қаср,
Минг йилдан зиёдки, ярқирар ҳамон,
Унга қулоч очур яна кўп аср,
Шарафли истиқбол, миннатдор замон.
На бўрон, на тўфон, на даҳшат, бало
Унинг бир гиштига беролмас зарар.
Балки ортиб борур ундаги маъно
Мунаққаш келбати бўлиб жилвагар.
У шундоқ сарҳадсиз, поёнсиз олам,
Замонлар айланур ҳар бир буржида.
Уни барпо этмиш ақл ва қалам
Олий тафаккурнинг юксак бурчида.
На кўз илғай олур, на қамрар идрок,
Даҳо барқ уради ҳар нафасида.
Шоҳлар мадҳи эмас, балки камтар, пок,
Меҳнаткаш қудратга янгроқ қасида!



ЎРИНСИЗ ТАШВИШ

Ишлатиб бўлинди барча қофия,
Хизматин ўтади жами вазнлар.
Шоир чаккасини босиб кафтига,
Изтироб ичида ёнар баъзида...
Севгилар, меҳнатлар, ҳасрат, орзулар –
Инсонга пайваста барча мавзулар
Миллионча шеърларда айтилди минг бор,
Яна лозиммидир этмоқлик такрор?!

Балки лозиммидир бир навраста куч,
Шеърини шаклларда ясаб инқилоб,
Ўтроқ туроқларни янчиб келса дуч,
Янги бир шаббода яратса шитоб.
Тил буюк уммондир, туйғулар беҳад,
Тафаккур қамрагай буткул самони.
Фақат даркор эрур даҳо бир қудрат,
Бир силкитиб олса шеърини дунёни.



БОБУР

Нафис шоир қалбда жаҳонгир азми,
Гоҳо қилич сермаб, гоҳ тутиб қалам,
Шунча Мовароуннаҳр унга етмасми,
Не боис ёприлди ҳинд мулкига ҳам?

Тулпорин наълидан чақмоқ чақнатиб,
Ҳиндукуш бағирлаб ошаркан довон,
Қўшинни бошларди ҳолсиз, чанқатиб,
Фарқ қилмоқ бўларди йўлларда тўфон.

Не уни чорларди бегона элда,
Кўзини ёндирган гавҳарми, олтин?
Нозик ҳиссиётлар жўшса-да дилда,
Тикка ўрлатарди аргумоқ отин.

Тақдирнинг тизгинсиз ўйинидир бу –
Ҳамжихат келибди кўшиқ ва кўшин.
Қонга Темурий руҳ солса-да гулу,
Фазаллар банд этар шоирнинг ҳушин.

Ўйлар бу оламнинг кори ҳолини,
Ёлғиз ўртанарди илҳом билан маст.
Гоҳо чарҳдан нолиб, қарғар толени,
Гоҳ беклар даврасин қўмсайди пайваст.

Андижон боғлари келар ёдига,
Сирдарё мавжларин кўнгли соғинар.
Тож амрин ўтказиб ундар олдинга,
Шеър – алам шуъласи бўлиб ёғилар.


Май ва най базмида қаламу қадаҳ
Нозик ўйларига этаркан фармон,
Бири – ваъда этар қувончу фараҳ,
Бири – тарки ватан қилгани армон.

Уни кутар эди туманли уфқ,
Сеҳр пардасига чулғанган тараф.
Билмасди қадами келгайми қутлуғ,
Қарши олгаймикин лаънат ё шараф?

Бегона диёрга кирди яшиндай,
Машаққатлар ютиб, водийлар ошиб.
Ганг тугён қиларди ҳинду ёшидай,
Мубҳам туйғулардан қабариб, тошиб.

Уммонга ташланган бир ариқча сув
Сингиб кетганидай буюк тўлқинга,
Бу юртнинг ўз эли бўлиб кетди у,
Томир-томир билан чирмалиб унга.

Ундан шеър қолди, иморат қолди,
Сўнди салтанатлар, қолди фикрий дур.
Олтин сўзи дилдан мангу жой олди,
Шеърят тахтида яшайди Бобур.



ТОЖМАҲАЛ

Бу санъат олдида бош эг, эй ақл,
Бу мрамар дostonни ўқигил, эй кўз,
Бу бир афсонаким, поёнсиз нақл,
Унинг тавсифига топгаймисан сўз.

Чиннидай жаранглаб кетар қўл урсанг,
Сут билан чайилган садафдай қаср.
О, буни тўлин ой нурида кўрсанг,
Тинглайсан беқиёс мусиқа ва сир.

Дейдилар, севгидан олганмиш чирой,
Севгидан бу бино топибди сайқал.
Кундуз қуёш мафтун, кечалари – ой,
Ярқираб туради улуғ Тожмаҳал.

Вафот этар чоғи гўзал малика –
Мумтоз маҳал номли суюкли хоним,
Васият қилибди шоҳга – эрига:
– Бир мақбара қурсанг, тинч бўлур жоним.

Подшоҳ қурдирибди: йигирма минг қул
Йигирма йил ишлаб, берибди пардоз.
Тошдан бунёд бўлган бу марварид гул
Чексиз асрларга этгудай парвоз.


Ҳа, тунда ой сузар мрамар сатҳида,
Кундузи сирғанур ошуфта қуёш.
Тагор қалам сурмиш унинг мадҳида:
«Замон чехрасида қотган томчи ёш».

Куллар қурибдилар: йигирма минг дил,
Йигирма минг севги сингмиш тошига,
Ҳар бири ишқини этгандир кафил,
Ганчни қориштириб кўзлар ёшига.

Агарчи севгида шунча қудрат жам,
Шунчалар теранлик, шунчалик доврўг,
Муҳаббат қошида тиз чўк, эй одам,
Мангулигинг сири севгига боғлиқ.

УЙ МЎЪЖИЗАСИ

Ҳамма уйга шошар тугалса иши,
Уй, ахир, оила, фарзандлар, келин...
Уйга шошмай, қайга борарди киши,
Биласиз-ку хотинлар феълин.
Бу ҳазил... Ва лекин уй мўъжизаси
Бу инсон ҳаётин нақ ярми демак.
Бу ер унинг тахти, қасри, иззати,
Ер сахнидан топган ўз ўрни, бешак.
Бунда хобгоҳию меҳри, ороми,
Шу ердан интилар тонгги юмушга.
Гўё у жангчининг қурч истехкоми
Ва ё фазогирнинг парвоз мақоми,
Қанот бахш этувчи баланд учишга.
Сафарда биз уни тез соғинамиз,
Турар кўз ўнгингда айвону хона.
Ёрларни қўмсаб биз йўлга инамиз,
Болалар дийдорин этиб баҳона.
Столингда турар қоғоз парчаси,
Жавонингда саф-саф тизилга: китоб –
Сенга азиз эрур барча-барчаси,
Гўёким томчида акс этган офтоб.
Бу на молпарастлик, на бисот ғами,
Балки шулардадир умрингга асос...
Уй – бу оилада меҳрнинг жами,
Фикру туйғуларнинг келмоғидир мос!
На қат-қат гиламу на биллур қандил,
На рангин товланган мўл шоҳи либос...
Уй – бу бир-бирига мангу пайваст дил,
Орзу-интилишнинг келмоғидир мос!
Ватаннинг миллионли ҳужайрасида
Миллион хонадонга туташлигим бор,
Уй – Ватан зарраси менга, аслида,
Ҳаётнинг мағзи у... эмас тўрт девор.



ДЕНГИЗ, ТОҒ, ВОДИЙ СУҲБАТИ

Бир томонда ҳайбатли Тоғ,
Бир томон Денгиз эди.
Ўрта Водий – яшил-яшноқ,
Манзара тенгсиз эди.

Денгиз деди: – Бу яшиллик
Менинг самарим эрур.
Тоғ дедик: – Асли менинг
Пушти камарим эрур.

Денгиз деди: – Оби ҳаво
Мендан эрур, менга хос.
Шўх-шўх эсган майин сабо,
Шудринглар мисли олмос.

Япроқларнинг хурсандлиги,
Яшилликнинг ҳаммаси –
Меникидир, мендан ҳосил,
Дунё билар, чамаси.

Тоғ дедик: – Мен бўлмасам,
Бўлмасди бу сўзинг ҳам.
Миллиард йиллик меҳнатимдан
Барпо бўлдинг ўзинг ҳам.


Денгиз деди: – Мен бугланиб
Гар қор бўлиб ёғмасам,
Бошинг узра булутларни
Ёғин қилиб соғмасам,

Қайда эди кўксинг узра
Бунча музлик дафъатан.
Демак, билки, яшил водий
Энг аввало менга тан.

Бу гапларни тинглаб Водий
Камтарона олди сўз:
– Иккингишга минг-минг раҳмат,
Сизлар гўё қошу кўз.

Ардоғингиз, меҳрингиздан
Шундоқ яшнаб турурман.
Агар бу хил талашсангиз,
Мен хазондай қурурман.

Бу гаплардан Тоғу Денгиз
Бошин қашлаб қолдилар.
Бир-бирига меҳр билан
Яна нигоҳ солдилар.



БУГУН УЙИМИЗДА ИККИТА МЕҲМОН

Бугун уйимизда иккита меҳмон –
Халил Ризо билан Абдулла Ориф.
Гўё Озарбойжон ва Ўзбекистон
Шеър айтадилар қимиз сипқориб.

Ўртада ноз-неъмат, мевалар сархил,
Лекин биз қофия мавжларидан маст...
Очдик юракларнинг қатма-қат тархин,
Мисралар чирмашиб оқар чамбарчас.

Халил-ку шеърнинг олтин сандиғи,
Абдулла ёдида юзлаб жонли шеър.
Низомий шеърининг оташ яллиғин
Гўё ҳис этмоқда кичик Алишер.

Шеърлар акс этарди асрлар баҳсин,
Тарихнинг тун билан тонги намоён.
Бир-бирга армону муяссар бахтин
Сўзлар Ўзбекистон ва Озарбойжон.

Авлодлар тизмаси минг бўғин-бўғин,
Ҳар айём яратур янги-янги ном.
Гўё меҳмон эди уйимда Вургун,
Гўё шеър ўқирди Фафур ал Фулом.


Муғон чўлларининг юлдузли тун
Ва Хазар мавжларин олиб келган дўст,
Ўзбек диёрининг бўлиб мафтун,
Тошкентим шаънига айтар ўтли сўз.

Даврада Пушкину Байрон ҳам ҳозир,
Файласуф Гётею фожеий Данте...
О, олтин мисралар жаҳонга арзир,
Ҳаётдай абадий, ҳаётдай танти!

Қанийди боболар, замон ўгрилиб,
Кўрсалар бу ёрқин, тиниқ базмни.
Қутлуғ замонамдан минг бор ўргилиб,
Муборакбод этса янги назмни.


Майли, беллашувдир, айтишувдир бу,
Майли, мушоира аталсин оти.
Буюк меросларга вориссан мангу,
Эзгулик куйчиси, эй, шоир зоти!

Бу базмга нуқта қўйилмас ҳали,
Бу шеър гулханида сўнмагай шуъла,
Бошла янгисини, қардошим Халил,
Янги шеърларингдан ўқи, Абдулла!



ЭНГ ОФИР ФАН

Дунёда шундай бир қудратли фан бор,
Бағоят чўнг эрур ундаги маъни.
Бўлар минг бир ғовдан ўтмоқдан душвор
Ўз-ўзини енгиб ўтмоқлик фани.
Бемаъни лоқайдлик
Ё карахт уйқу
Сени ўз домига тортар беомон.
Ўтмасланиб қолар фикр ва туйғу,
Бу ҳар қандай ўлимдан ёмон.
Эртага қолади бугунги ишинг,
Гўёким, ҳузурнинг майин ичасан.
Бир лаҳза ҳаловат бўлиб хоҳишинг,
Олам ишларидан гўё кечасан.
Бировнинг бахтию
Бировнинг дарди
Конингга тўлқинлар солмадими, бас,
Ношуд осудалик ҳукмин ўткарди,
Сен дарё мавжида кераксиз бир хас.
Билмассан, яшашдан йўқлигин маъни,
Билмассан, ўзингдан бўлганинг йироқ.
Ўз-ўзини енгиб ўтмоқлик фани
Дунёдаги барча фандан офирроқ.



ДАҲОЛАР


Аср-асрда порлаб чиқар буюк даҳолар,
Даҳоларнинг қадрини давр ўзи баҳолар.

Улар аҳли жаҳонга тегишлидир, фахру зеб,
Сўнгига етиб бўлмас улар дунёсин кезиб.

Қадамлаб ўлчаб бўлмас ётган буюк саҳрони,
Асраб бўлмагай уйда офтобни, самони.


Харсангу қоя фарқин бил, кезганда тоғ ора,
Тенг бўлмагай ҳажмда денгиз билан тоғора.

Жиловлаб бўлмагайдир меники деб ҳавони,
Ақл қаҳқаҳа солур тинглаб бундай даъвони.



ТАКРОР

Булутлар қорайиб,
Осмон торайиб,
Қуйиб берди қудратли жала.
Сўнг қуёшнинг сахий ёлқинларида
Бўрсиллади азамат дала.
Адирда сурувлар,
Анҳорда сувлар
Офтоб тафтин эма бошлади.
Ердан қалқиб чиқди гўё яшиллик,
Кўкарди қир, ариқ рошлари.
Борлиқ танасига инди ҳарорат,
Гўё офтоб биз томон юрди.
Қаранг,
Табиатда қанча маҳорат,
Муз қалбга ҳам севги югурди!
«Дунёда азалдан кўп ёмғир ёққан,
Чақмоқ чаққан ва қуйган жала...
Барини шеър қилиб туширма оққа,
Мавзу кўхна, такрор, дабдала!» –
Деб мен койима, аё, шеършунос,
Юрагимда эзгу ниятдир.
Дунёнинг мағзини илғасанг рўй-рост,
Такрор ҳам бир қонуниятдир.
Нима қилай, ёмғир абадий бўлса,
Офтоб, севги бўлсалар мангу?
Меҳнат ҳам, кураш ҳам, алам ва бўса –
Бизга мерос туйғулардан-ку!
Устозларнинг буюк сўзи бўлмаса,
Чечан бўлиб йўғрилмас эдинг.
Азалий занжирнинг кўзи бўлмасанг,
Сен ўзинг ҳам туғилмас эдинг.




* * *

Сўнгига етказиб нақ етмиш ёшни,
Одам бу оламни тарк этаётир.
Дўстлар, ҳурматига эгингиз бошни,
Орамиздан азиз жон кетаётир.

Етмиш йил яшади,
Яратди, қурди,
Билди муҳаббатни, қувончни, ғамни.
Етмиш йил гурсиллаб ер узра юрди,
Энди узаётир ердан қадамни.

Бир лаҳзадай кўчди шунчалик умр,
Тушдай бўлиб қолди бутун бир ҳаёт.
Юлдуз сўнганида – йўли бўлар нур,
Бу, ахир, одам-ку, бутун бир авлод!




* * *

Рақамнинг ёнига қўйсанг-да юз ноль,
Етиб бўлмагайдир саноқ ҳаддига.
Олам поёнсиздир, дўстим, амин бўл,
Ҳад йўқ бу жаҳоннинг эню қаддига.

Санаб бўлгайму ҳеч қумлар заррасин,
Ё томчи сонини уммонлар аро?
Борлиқнинг бу чексиз, чўнг манзарасин
На хаёл қамрагай, на фикру маъно.

Ва лекин инсонга берилган умр
Аниқ ҳисобдадир, санаш ҳам осон.
У йилт этган кичик бир чақмоқ эрур,
Нуридан ёришгай заминю осмон.



САХОВАТ


Хасислик аталур – тийинни туккан,
Сахийлик аталур борини тўккан,
Бу икки фалсафа магзини укқан
Солгай тарозуга бору йўғини.

Гарчанд бу иккиси икки зиддият,
Бир-бирин рад этган икки зид ният,
Улар ҳосил этиб кескин вазият,
Белгилар инсоннинг шаън-довруғини.

Гарчи саховатда Хотам эмасман,
Лекин асло хасис одам эмасман,
Бу иккидан холи олам эмасман,
Тутгум ўз ўрнида улар туғини.

Сахийлик – дастурхон ёйиш ҳам эмас,
Хасисни сўкмоғу койиш ҳам эмас,
Мақтову таҳсиндан бойиш ҳам эмас,
Улаш одамларга қалбинг чўғини.

Саховат кетмагай сўз мулки ичра,
Ким буну бузибдир, у кулки ичра,
Олам бойликларин бор кўрки ичра
Исрофга ўгирма сўзнинг ўқини.



* * *

Варақлама сарғайган дафтарингни,
Менга бугун ўқиб бергил янги шеър.
Санамагил олдинги зафарингни,
Ўтган билан ким мақтанса – янглишур.

Чунки, ижод – ҳамишалик эҳтирос,
Чўққиларга интилмоқдан туғилар.
Бир нуқтада қотмоқ эмас унга хос,
У ёниқ дард ва безовта туйғулар.

Яхши шеърнинг умри олис бўлади,
Бир яралиб, сўнг қолгайдир абадга.
Вақт аталмиш ҳакам холис бўлади,
Ёмонини ирғитади саватга.



ИЗЛАНИШ


Ўрганишнинг чегараси йўқ,
Одам доим ҳаётга шогирд.
Хоҳ олим бўл – устод, сердовруғ,
Хоҳ залворли, мислсиз шоир –

Мукамаллик давосин асло
Қилолмассан ҳаёт қошида.
Ўйла, тўхтаб қолгайми дарё,
Тиним борми кўк қуёшида?

Зарра-зарра жавоҳир топура
Денгизларга шўнғиган ғаввос.
Изланиш – бу тинимсиз шуур,
Ҳамишалик ташна эҳтирос.

Бораётиб Малик чўлида
Бир манзилга етади қарвон.
Бўлмас аммо ижод йўлида
Сўнғи бекат ва сўнғи довон.

Машаққатлар юкини ортиб,
Чўққиларга интилган юрак,
Пешонадан терингни артиб,
Мангуликка юрмоғинг керак.



БАЪЗАН


Хаёл шундай босиб келади гоҳо,
Шундай тез ишлайди ақлу тасаввур.
Кўзларинг ўнгида тамоми дунё
Худди глобусдай яққол айланур.

Талай воқеалар, талай ҳодисот:
Япроқ шивирию юлдуз тўла кўк,
Шабнам тебраниши, инсоний ҳаёт,
Қуёшу сайёра – яна кўпдан-кўп

Тақдиру тарихни кўрасан аниқ,
Зеҳнинг рентгенидан ўтади бари.
Олам уммонида – сен эпчил қайиқ,
Интиласан олис манзиллар сари.

Шеър бўлиб кўринар ҳар битта зарра,
Кўшиқ бўлиб янграр ҳар битта товуш.
Камалақдай ёнар оддий манзара,
Хаёл чарх уради бамисоли қуш.

Қоғозу қаламга қўл урсанг аммо,
Бир сўз туғилмоғи баъзан муаммо.



НАСИҲАТ ВА ШЕЪРИЯТ

Насиҳат шеърлари ёғар дўл мисол,
Панду ҳикмат мавжи келар ҳар ёндан,
Энди ўз ақлингдан кечиб бемалол,
Адашмай ўтишинг мумкин жаҳондан.

Тўртлигу рубоий уқтирар тинмай:
Ундоқ қилган тўғри, мундоғи хато.
Меъёрида бўлсин севги, овқат, май,
Қандай кулишни ҳам ўргатар ҳатто.


Йўлга чиқар бўлсам содиқ йўлдошим,
Ишқим изҳорида бурро тилим у.
Дуодай ёд олсам, оғримас бошим,
Оғиримни енгил қилган илм у.

Яхши нима ўзи, ёмони нима?
Беҳуда ўйлардан ортиқча толмам.
Бу сўзни ноўрин шаккоклик дема,
Рубоий орқали аёндир олам.

Кечирсин ҳикматнинг улуғ пирлари,
Уларга ҳурматни келтириб бажо,
Таъкид этажакман, олам сирлари
Рубоий айтгандан кўра муаммо.

Инсон туйғуларин бўлурми чеклаб,
Чегара бўлгайми инсон ақлига?
Баъзан бу пандларни ўтаман четлаб,
Унча жилов бермай тўртлик нақлига.

Шеърият – ҳаяжон гупирган тўлқин,
Фикрлар уфқига чорловчи маёқ.
Унга кўп вазифа юкламоқ мумкин,
Ахлоқ мажмуаси бўлмагай бироқ.



ТҮЙЧИ ХАЛҚ

Заб тўйчи халқимиз бор-да, ажойиб,
Бўлишиб есам дер битта майизни.
Меҳнати мевасин оламга ёйиб,
Тўйга айлантирар ҳатто мажлисни.

Агар қўйиб берсанг, беш қитъани ҳам
Чорлар, таклифнома йўллаб устма-уст.
Бўйрадек ҳовлига дунё бўлса жам,
Бир пиёла чойин ичиб кетса дўст.

Тонгдан ош беради ёзиб дастурхон,
Қиз узатиб, ўғил уйлаш билан шод.
Карнай янграяпти, эй аҳли жаҳон,
Ўзбек хонадонин эт муборакбод!

Яшнар чироқлардан кенг ҳовли юзи,
Тўрда куёв-келин бахтдан товланар.
Шерали, сиз қўшиқ айтинг, Шерқўзи,
Кулдилинг, ёшларнинг кўкси тоғланар.

Бахтиёр онанинг қувончин кўринг,
Ўзини қўйишга тополмайди жой.
Рўзғорга қўшилди янги фарзанд денг,
Гўё сузиб кирди хонадонга ой.


Ота мўйлов бураб, мийиғда кулар,
Топди бу шодликни ниятдан ахир.
Битта йигит бўлса шунчалик бўлар,
Фарзанди бутун бир элатга фахр.

Келин кирган уйнинг файзи бўлакча,
Кучар оилани майин табассум.
Ширин орзуларга маскан бу кеча –
Замонлар қаъридан унган олтин зум.

Икки гул бир-бирга чирмашади шўх,
Улар қаршисида буткул келажак.
Биринчи орзуни айтмай илож йўқ,
Тебрансин бу уйда доим беланчак!

Ҳаёт бу ҳамиша ойна йўл эмас,
Бўлар юксалишнинг имтиҳони ҳам.
Бу йўлда бир-бирга бўлинг ҳамнафас,
Ҳамфикр, ҳаммаслак, ҳамдард, ҳамқадам.

Бугун минг тўй борар минг хонадонда,
Болажонлик элим, орзуга шайсан.
Меҳнатинг, ҳурматинг билан жаҳонда
Тер тўкиб, тўй қилиб мангу яшайсан.



ЎНБИРЛИК

Жонга тегиб кетди ношуд турғунлик,
Бир маром бу ўлчов тегди-ку жонга.
Фикру туйғуларинг ўн бир бўғинлик,
Ўнбирлик – қолипдир ҳис-ҳаяжонга.

Ўйладинг, қаршингда турар рўбарў,
Қувончу ташвишинг илғаб дафъатан.
Қаерга бормагил бирга юрар у,
Столда сен билан бир жону бир тан.


Севги-ку оламда энг саркаш хаёл,
Қолипни тан олмас олий жасорат.
Ва лекин қаламинг этур бемажол,
Ўнбирлик аталмиш бу танҳо ҳолат.

Ҳаётда минг турли лавҳа, жило кўп,
Ҳеч бир андозага сигмагай ҳаёт.
Бир дунё фалсафа, билсанг. ҳатто чўл,
Одам-ку бошдан-бош сирли тилсимот.

Висолнинг ранги ҳам ушбу вазнда,
Ҳижрон изтироби унда мужассам.
Ўнбирлик – ҳаттоки кулги, ҳазилда,
Янграр шу вазнда шиору қасам.

Қондаги мавжларнинг борми саноғи,
Қандай акс эттирсин ўнбир бўғинлик?
Ранго-ранглик эрур ҳаёт сабоғи,
Ўнбирлик – дашт аро ялпи юлғундек.

Мен ундан терс буриб, ўзимча, юзни,
Жамий кирдикорин этмоқ бўлдим фош.
Аммо қалам олиб, бошлаб илк сўзни,
Яна шу вазнда қотирибман бош.



ЕРНИНГ ҚУДРАТИ

Тарвуз узиб чиқди
Кекса соҳибкор
Чўлда барпо бўлган яшил полиздан.
– Татиб кўринглар, – дер, – нақ асалча бор,
Чанқаб келибсизлар анча олисдан.


Тарвузки,
Шунчалик бўлар-да, ахир,
Шодликдан ёрилиб кетгудай таранг.
Худди ер шаридай думалоқ, сархил,
Тонг қуёши янглиғ ичи тўла ранг.

Кунботар уфқидан сиқиб олгандай
Қирмизи шаробга тўла косадир.
Чилланинг аёзи кириб қолгандай
Салқиндир – ҳоврингни зумда босади.
Ажабо,
Қойилман ер қудратига,
Қаердан бу шакл, бу бўёқ, бу таъм?
Она-еримизнинг қати-қатига
Ҳаёт зарралари сингмиш мужассам.

Райҳон бўлиб, димоқни эркаларкан гоҳ,
Гўзаллар нафаси янглиғ дилрабо.
Чинор бўлиб, бошингга соя солган чоғ
Она алласидай хуш эсар сабо.
Бошоқлар мағзида шу ер шираси,
Ҳаёт ўтин ёқар инсон танида.
Пахта майдонларин кумуш шуъласи
Ердан кўтарилар куз келганида.
Олмалар юзига қалқир ер тафти,
Баҳорда ёндира лола чироғин.
Рангларнинг етмиш хил камалак сафи
Қуёш билан Ердан олар бўёғин.

Нордон бўлиб, қонга тўлқин солади,
Ширин бўлиб, қўшар умрга умр.
Хатто аччиғи ҳам дардни олади,
Дилимга қўр бўлар, кўзларимга нур.
Анордир, олчадир, нокдир, узумдир,
Ер – менинг насибам, ризқу рўзимдир.
Совуқ жилва қилган минглаб юлдузга
Заррангни бермасман, эй жигарпора,
Тўтиё қилгумдир губоринг кўзга,
Ватаним ватани – буюк Сайёра!
Кимки нонкўр бўлса, улоқтир мангу,
Бағрингга солмагай атом жароҳат.
Жафокаш, меҳнаткаш, қадрдонсан-ку,
Жумла мавжудотга ҳаёту роҳат!..

Бир тарвуз устида сурганда хаёл,
Кўксини ёргандай бўлди менга Ер.
Яшил полизлардан тингладим савол
Ва дил жавобидан туғилди бу шеър.



ИШЛАЁТГАН ТОҒЛАР

Тоғлар табиатнинг буюк кошонаси,
Тирикликнинг мовий корхонаси,
Самовий шуълалар оғушида банд...


Шулар даврасида бўлдим бир оқшом,
Чўққилари билан сўзлашдим,
Қоялари билан юзлашдим,
Улар мағрур эди, ўйчан ва баланд.

Басавлат, паҳлавон, ўмровли, етук,
Ҳар бир елкасида осмон муаллақ,
Ҳар сўзингни юракдан тинглар,
Ҳар сўзингни юракдан англа,
Сўзлаб юборгудай агар силасанг,
Бўзлаб юборгудай агар тирнасанг,
Тўғри саволингга жавоби ҳам ҳақ.

Ким у,
Тоғ – тош қотган харсангу қоя,
Соқов, тунд адирлар йиғноғи деган?
Тоғлар – офтоб сари зар пиллапоя,
Парвозга шайланган қудратли елкан.
Қават-қаватида минг жавохирот,
Ич-ичида беҳад хазиналар жам.
Улар ишлаб ётар,
Улар тиним билмас,
Уларга бир лаҳза ҳузур ўзи ёт,
Жафокаш, маҳобат маскани, ўктам.

Бу улуғ салтанат силсиласида
Жисман, одам деган гарчи бир зарра.
Лекин меҳр бордир тоғ сийнасида,
Кўзингни эркалар тенгсиз манзара.

Булоқлари босар чанқоқни,
Чироқ қилар сенга чақмоқни,
Шамоли кўксингга ишқ ташлаб кетар
Илтижо, табассум, саховат билан.
Танингдан сидирар барча чарчоқни,
Одамни кўрганда тоғ яшнаб кетар.



ГЕОЛОГЛАР ИШЛАР ЧОДАКДА


Геологлар ишлар Чодакда,
Харсанг тошлар бағрини тилиб,
Қатламларга дадил интилиб,
Жездай ёниб қуёшда бадан,
Излашади энг ноёб маъдан.
Минг тоннадан элаб бир мисқол,
Келажакдан дадил очиб фол,
Геологлар ишлар Чодакда.

Гоҳ танҳолик синов этади,
Тўзон, жала «сийлов» этади.
Гоҳ «Прима» бўлмас чўнтакда,
Гоҳ қатра сув қолмас челақда,
Гоҳ топилмас ҳатто «чорақта»,
Машаққатлар этмай қаддин дол,
Геологлар ишлар Чодакда.

Гоҳ руҳлари баланд, гоҳ чарчок,
Қўлда чўкич, бошда мис қалпоқ,
Пешин кутар макаронли ош,
Яқинлашиб келяпти маош,
Лекин дилда олий тилак бор,
Ақл деган синчков элак бор,
Дилни ўртаб минг битта савол,
Гоҳ саҳрода, гоҳ чакалақда,
Геологлар ишлар Чодакда.

Сайргоҳлар баҳридан кечиб,
Гоҳ чўққига, гоҳ сойга кўчиб,
Гоҳ унутиб хотинларини,
Излар Ватан олтинларини,
Оғир касбин англаб энг ҳалол,
Гоҳ қувониб, гоҳи хафаҳол,
Гоҳ уч-тўртта, гоҳ якка-якка,
Геологлар ишлар Чодакда.

Коншунослик касби беназир,
Унинг иши тиллога арзир,
Игна билан у қудуқ қазир,
Хабар олиб турсин-да вазир.
Бир заррани этмайин увол,
Чой қайнатиб қурум чойнақда,
Геологлар ишлар Чодақда.



ШАҲИДЛАР ЁДИ

Улар... минглаб, балки милён эдилар,
Яшашга туғилган инсон эдилар,
Ширин жон эдилар, иймон эдилар,
Бу жаҳон уйига меҳмон эдилар,
Ҳали ушалмаган армон эдилар.

Улар ёшлар эди, мардона, асил,
Севгию севинчга талпинган насл,
Бағрида барқ уриб баҳорий фасл,
Эрку истиқлолга чанқоқ муттасил,
Меҳнату ижод-ла шодмон эдилар.

Ногоҳ чангал уриб даҳшатли бало,
Уларни шу кунга этди мубтало.
Сирти хўп ялтироқ, асли аждаҳо
Сочди газабини – ёвуз ва юҳо...
Айбларин билмасдан ҳайрон эдилар.

Айблари? Эмиш ўз халқига душман,
Уларга ёт эмиш шу юрт, шу гулшан,
Қалбу фикрлари эмиш чирк, тубан,
Ватанни тўнтариб ташлашга тубдан –
Аҳд этган, гўёким нодон эдилар.

Дилларни титратур жаҳоний алам,
Рухлар чирқиллашин тинглаймиз ҳар дам,
Бу дардни ёзганда ўртанур қалам,
Шахарим, қишлоғим, чаманим, далам –
Улар Қодирий ва Чўлпон эдилар.


Вале бу дунёда олий ҳакам бор,
Ўшал қудрат эрур мангу устувор,
Шаҳидлар бонг уриб ҳар шому наҳор,
Бизни огоҳ этар, бўлинг деб хушёр,
Улар халқимизга қалқон эдилар,
Абадий барҳаёт виждон эдилар.

ҚАЛДИРҒОЧ ДЕЙДИКИ...

Ҳар саҳар айвонда бошимга қўниб,
Роса вижирлар бир қалдирғоч тўниб.
Шу одатин асло қилмайди қанда,
Муқаддас бир оят айтурмикан ё?
Ё дерму: – Уйқуга қул бўлма, банда!

Ундан сўнг қичқирар саҳархез хўроз,
Бир ғалат хушёрлик уйғотиб танда.
Уни ҳам таржима этурман бироз:
– Гўзал лаҳзаларни бой берма, банда!

Шундан сўнг тўтиқуш сайрар қафасда,
Бир дунё гапларни айтиб ташлайди.
Уларга ҳамоҳанг нола – нафасда
Жуда кўп қушчалар сайрай бошлайди
Олисда-яқинда, дашту чаманда.
Барчасин мазмуни бирдир, чамамда:
– Қуёш уйғонмасдан уйғон, эй банда!



УШОҚ ШЕЪРЛАР

* * *

Шеър деганинг аслида
Яйраб келса қаламга.
Дилингдаги туйғулар
Ошкор бўлса оламга.
Кулсанг – яйраса борлиқ,
Йиғласанг – ботса ғамга.

* * *

Осмоннинг шифтини кифтида кўтарган
Вазли тоғлардан вазмин бир садо:
– Дунёдан ҳаммаси-ҳаммаси ўтаркан,
Неки бор, бир куни бўлурлар адо.
Ва лекин қолғуси оламда яхшилик,
Бу олам уйининг ҳеч ўчмас нақшидек.

* * *

Ўтмишин унутган кимса нотавон,
Тарихин билмаган халқдир энг ғариб.
Гарчанд «Гул мен!» дея урса-да жавлон,
Тубанда хазондай қолур сарғариб.
Оёғи тагида бўлмаса нарвон,
Томга ҳам чиқолмас бир инсон қариб.

* * *

Атрофимда тоғлар – зич, метин кўрғон,
Тоғлар – ер сиртига урилган эгар.
Кўк ўпган қоядир, боқмагил қаён,
Бунда қўлни чўзсанг чўққига тегар.
Гарчи ҳузурида заррадир инсон,
Аммо инсонга у бўйнини эгар.

* * *

Кулги бир хил бўлар жамийки тилда,
Бир хил эрур кўзёшлар таъми.


Ўсар эмиш у танҳо менинг
яшил қиримда,
Гарчи мендан олис у – неча юз
чақиримда,
Уни олиб қочгайман бўз бедов –
чопқиримда.

* * *

Бир ноўрин таънадан
Қалбим жароҳатланди.
Бу ажиб «тантана»дан
Кимдир жа...роҳатланди.
Дард олай деб танадан
Битта жарроҳ отланди.

* * *


Фикрларнинг қаймоғи,
Туйғуларнинг қайноғи
Илҳом дея аталур.
Гўё манфий ва мусбат
Икки табиий қудрат
Чақмоқлар яратгандай –
Бу икки азалий куч
Бир нуқтада келса дуч,
Олам ёришаб кетгай.



ТҮЙ

Висол иштиёқида,
Орзулар қучоғида
Талпинган бўйдоқ қалблар,
Бўсага чанқоқ лаблар.
Кўзлар...нигорон кўзлар,
Қўша балққан юлдузлар
Байрам қилади бугун.

Қизнинг атир сочлари,
Қошлари қийғочлари
Йигитни сархуш этмиш,
Юрагини куш этмиш,
Тўй – қутлуғ овозадир,
Тўй – олтин дарвозадир
Оила чаманига.



ВАРРАК ВА ОЛИМ

Баҳор.

Қир елкаси,

Ўтлар тиззадан.

Қалбидан ювилиб дунё ташвиши,

Осмонни бир нафас қўймай кўзидан,

Варрак учиради мўйсафид киши.

Болалигин қўмсаб шаҳар уйдан,

Далага келибди нуроний олим.

Маст бўлиб баҳорнинг лола тўйдан,

Қувонч бодасига кўкси лиммо-лим.

Варрак шох ташлайди булут остида,

Ажинли юзларда табассум чўғи.

Ахир у фазони очиш қасдида

Талай ишлар қилган... баланд довруғи.

Йўғон ўнинчи ип чийралган ғалтак,

Сўнги қатимгача тортилмиш кўкка.

Бургут даврасида ғувиллар варрак,

Олим хаёлларин чорлаб буюкка.

Пастда «Волга» турар. Чодир ёнида

Шогирдлар майкачан шахмат суради.

Болалик тўлқини жўшиб қонида,


Олим еллар билан суҳбат қуради.

Одам гўдакликка қайтаркан... яъни,

Варрак бир кўприқдир унга ташланган.

Зотан, юлдузларни забт этиш фани


Варрак учиришдан бошланган.



АТЛАНТИКА


Суздим
Буюк, беҳад Атлантикада,
Қуёш ловилларди мовий тиккада,
Тўлқин шовилларди,
Худудсиз сувлар
Уфқларни ямлаб, қайнаб ётарди.
Сувда қуёш ботиб,
Тонглар отарди.
Гўё шу мавжлардан иборат дунё.
Ўйнарди делфинлар ва акулалар.
На соҳил кўринар,
На туш, на рўё –
Фақат сув бетида заррин шуълалар.
Сув – таранг тортилган кўк шоҳидай гоҳ,
Гоҳғижим бахмалдай минг ажин-ажин.
Бунда Нептун кезар – қудратли Оллох,
Қатма-қат тўлқинлар саржин ва саржин.
Жуда олис эди ўлкам, диёрим,
Ғоят узоқларда борардим сузиб.
Чексизлик забт этиб эрк, ихтиёрим,
Юзимни юварди тўлқинлар тўзиб.
Ортимда – Истанбул,
Неаполь – бир ён,
Олдинда Африка, Саҳройи Кабир,
Гўёки кафтимда турар кенг жаҳон,
Оддийча сўз билан этганда таъбир.
Бунда мўъжизалар ҳар бир қадамда:
Бир ён – ўлик шаҳар,
Бир ён – ёнар тоғ.
Гўё Атлантика мовий қадахда
Бода узатади, кайфи ҳам тароқ.
Океан ва одам,
Уммон ва томчи
Тоғ билан заррадек турар рўбарў.

Гўёки табиат синов этмоқчи –
Ҳақиқий куч қайда, қайдадир туйғу.
О, бундай қиёсга ўрин йўқ асло,
Буюклик қошида букажакман тиз.
Бошида эгикдир ҳаттоки само,
Бу, ахир океан! На кўл, на денгиз!



БАХТНИНГ МАЪНОСИ

Таваллуд чоғидан токи сўнги дам,
Умр сўқмоғидан бораркан толиб,
Ҳаётда нимадир излайди одам,
Гоҳо мағлуб эса, гоҳида ғолиб.
Даврон шамоллари сийпаб юзини,
Гирдобларга кўкрак кериб мардона,
Инсон қидиради доим ўзини,
Ўзлигин топмоқдир мақсад ягона.
О, кўпдир бу йўлнинг жарлик, қояси,
Имтиҳон этажак танг йўллари бор.
Бу йўлнинг ҳар битта пиллапояси
Юксалиш довони аталмиш рўзғор.
Кичик эҳтирослар,
Майда ҳаваслар
Олий ниятларни тўсса ногаҳон,
Муҳаббат оғуши
Ва сирли саслар
Қаршингда кўрсатса ҳавойи жаҳон,
Эй одам, бир нафас ўзни қўлга ол,
Қарагил оламнинг ўнгу сўлига.
Ҳаётинг тафаккур мезонига сол,
Ўзингни топширма тақдир қўлига.
Қалбию ақлини заррама-зарра
Ўзгалар бахтига улашолса ким,
Хушбахтдир ҳаётда ўша минг карра,
Бахтнинг маъноси ҳам шу эрур, балким.




• • •

Қайтмагайдир ўтган умр,
Қайтмагайдир отган ўқ.
Яхши-ёмон ўтар бир-бир,
Ҳеч ким тўхтаб қолган йўқ.

Айланади чархи гардун,
Айланур замин, замон.
Алмашгайдир кун била тун,
Айланур еру осмон.

Фақат ишқи олий мангу,
Йўқ унинг ниҳояси.
Ердаги бу ҳаёт – унинг
Бир лаҳзалик сояси.




КУН ВА ТУН

Қоронғу кечага чулғаниб ётиб,
Зим-зиё борлиқдан изласанг маъно,
Дерсанки, оҳ қачон яна тонг отиб,
Оламни қуршагай нурафшон сафо.

Кун бўйи нур ичра қамашиб кўзинг,
Асаблар меҳнатдан толиқса оғир,
Яна соғинтирар сени юлдузинг,
Кутасан кун қачон бўлмоғин охир.

Кун ва тун алмашиб борар шу зайл,
Табиат шу машқин асло қўймайди.
Инсонда энг улуг, қудратли майл –
Қанча кўп яшаса, шунча тўймайди.




БИР КУНИ...

Мен мовий деб ёздим самони,
Таърифладим тонгни, сабони.
– Ҳаётдан узилган, – дедилар.

Севги кўрки – хижрону висол,
Деб яратдим минг лавҳа, мисол.
– Соф туйғу бузилган, – дедилар.

Достон қилдим меҳнатни, шонни,
Йўллар, йиллар берган эҳсонни.
– Ортиқча, чўзилган, – дедилар.

Лекин бир кун хаёлга толдим,
Ўзлимимни қўшиққа солдим.
– Юракдан тузилган, – дедилар.



ТААССУФ

Майда-майда ёғар ёмғир,
Йирик-йирик тушар қор.
Менинг эса дилим оғрир,
Юрагимда зил дард бор.

Бу дунёнинг кўп ишлари
Кўздан олар уйқуни.
Фигонлари, ташвишлари
Дилга солар қутқуни.

Бўшамайди айтган билан,
Юмшамайди қанча ёз.
Портлаб кетар баъзан бирдан,
Баъзан тинар мисли соз.

Бу безовта она замин
Оқиб кирар дилимга,
Унинг ҳасрат тўла гамин
Муҳр этаман феълимга.

Бу ёлғончи дунё ичра
Одамлар не талашур?
Ўқ ёғдириб кундуз-кеча
Дўзахий ўт қалашур?

Иморатлар учар кўкка,
Ўрмонлар ёниб ётар.
Беюлдуздир неча ўлка,
Тонглар қорайиб отар.

Оналарнинг фарёд-оҳи
Кўнгилга солар ларза.
Мен ким бўлдим мадад чоғи,
Мен ким бўлдим шу лаҳза?


Кўрамизу... «афсус» айтиб,
Кетамиз йўлимиздан.
Биз ожизмиз журъат пайти,
Иш келмас қўлимиздан.

ҚАЙТИШ

Биз қайта бошладик яна ўзликка,
Яна эътиқодга, яна иймонга.
Баҳо бермоқдамиз ҳайиқмай, тикка,
Бу нотинч замонга, яхши-ёмонга.

Биз қайта бошладик ўз тарихимиз,
Аждодлар руҳию қадриятларга.
Қўлимизга тегди ўз тақдиримиз,
Энди қийин бўлур бадниятларга.

Яна бешик узра майин аллалар,
Яна қонлар ичра ғурур – сўнмас чўғ.
Истиқболга ҳушёр боқинг, болалар,
Энди бу қайтишдан асло қайтиш йўқ.



ГҶЗАЛЛИК

Қаранг, қизларимиз нечоғли дилдор,
Кўчалар яйрайди ўтганда улар.
Кулса, шодлигига олам келур тор,
Юрса, қадамига тўкилур гуллар.

Улар Навоийнинг ғазалларидан
Гўё ҳозиргина чиқди чамамда.
Улар Аҳмаровнинг асарларидан
Жонланиб сайр этар гўё чаманда.

Оламни ифорнинг хушбўйи тутди,
Ел қурғур ўйнади сочларин чоғи.
Анҳор ҳам, баҳор ҳам ўзин унутди.
Яйради боғларнинг яшил қучоғи.

Доно нигоҳларда бор олам сири,
Ҳар сўзи чақмоқдай кўксинг ёритар.
Бир йигит орзуси улар ҳар бири,
Ҳар бирин бир бахтли йигит ёр этар.

Нозик адоларга ҳеч тегмасин кўз,
Товусдай товланиб, барқ уриб юрсин.
Уларнинг қалбига тополмаса сўз,
Ундай ношуд йигит ўзидан кўрсин.



ГАПНИНГ ОЧИФИ

Элу юртнинг кўзи ўнгида,
Неча халқнинг кўзи ўнгида,
Мамлакатнинг кўзи ўнгида,
Бор дунёнинг кўзи ўнгида
Рўй бермоқда фожей бир ҳол –
Тарк этмоқда заминни Орол!

Билганимиз аттангу афсус,
Ё минбардир ваъз айтмоқ махсус...
Лекин Орол кечаю кундуз
Биздан тамом бурганича юз,
Сув ўрнига бағрин босиб туз,
Худди ўқдан югурган марол,
Қочаётир инсондан Орол!


Аму бормай қўйди адашиб,
Сир ҳам тўнғди кўзи қамашиб,
Важ-карсонлар ётар қалашиб,
Олимлар гап – жумбоқ талашиб.
Бир-бирига этишар савол,
Қочаётир инсондан Орол!

Не бўлғуси йиллар, фасллар,
Иқбол, ризқ-рўз, янги асрлар,
Жавоб сўрар бир кун насллар:
– Не қилдингиз, кўнгли басирлар,
Кимдан қолди бу мудҳиш завол,
Қаён кетди марварид Орол?!

Ўзгаражак иқлиму ҳаво,
Фазна ўрни хароб бир маъво.
Водийларга чанг солур саҳро,
Нечун ожиз буюк қўш дарё.
Қаён кетди ул майин сабо,

Наҳот ҳоким гармсел-шамол,
Қаёндасан, эй мовий Орол?

Изтиробда фикр ила туйғу,
Элитганмас бизни кўр уйқу,
Виждонда ҳам ҳар лаҳза гулу,
Эртанги кун – дилдаги қайғу,
Лекин ғалат... зумуррад кўзгу,
Қуруқ гапдан топмагай аъмол,
Кўз ёшидек сўнмоқда Орол!




* * *

Ёшлик фаслин кўрурман аён,
Иккимиз ҳам шўх бола эдик.
Умр гўё эди бепоён,
Гоҳ гулхан, гоҳ шалола эдик.

Довон-довон ўтдик йилларни,
Биз йўлдамиз, ҳамон елкадош.
Маҳкам чирмаб биз кўнгилларни,
Юракларни сақлай билдик ёш.

Ўтдик қанча сўқмоқдан, йўлдан,
Тўқлик, йўқлик – кўрдик барчасин.
Омон чиқдик бўрондан, дўлдан,
Синовларнинг ўтдик қанчасин.

Ҳамон йўлда этурмиз давом,
Ҳорғинлигу дардларни ёриб.
Тонгда йўлга чиққандик... Оқшом
Олисларда кутар қизариб.




САРВИНОЗ

Севган «қизим» бўлдинг аввал, сарвиноз,
Сўнг бўлдинг вафоли келинчак ёрим.
Агар мен сен учун бўлсам ўтли ёз,
Сен бўлдинг ҳамиша кўркам баҳорим.

Сўнг, олис йўлларнинг завқини суриб,
Ҳаётим мазмуни бўлдинг, Аёлим.
Қалбимда муҳаббат қасрини қуриб,
Бўлдинг бир умрлик равшан хаёлим.

Умр ўтмоқда деб ғам ема асло,
Умр – бу авлодда этмоқдир давом.
Мен сен учун доим ошиғу шайдо,
Сен эса мен учун тенгсиз дилором.

Сени ҳадя этмиш менга худойим,
Мени эса сенга этгандир тақдим.
Менинг хаёлимда барқарор доим
Сени илк учратган баҳорий вақтим.



НОГАҲОН

Ланг очди ойнасин жаҳонга Наврӯз,
Олам чехрасида яшил табассум.
Менинг ҳам кўксимда битта гўзал сўз,
Аста гулламоқда дилбар ва маъсум.

Жумла мавжудотда ажиб ҳаракат,
Товланиш, нозланиш, ранг жимжимаси.
Юрагин дол очиб сўзлар табиат,
Сен шоир, жим қолсанг... бунинг нимаси?!


Нечун жим қолайин? Меҳрим мавжида
Баҳорни қалбимга этар эдим нақш.
Илҳому ишқимнинг юксак авжида
Наврӯзга қўшиқлар этар эдим бахш...

Бирдан рўбарўмдан чиқди бир сулув,
Бир қултум сув билан ютгудек санам.
Эй жоним, бағрингдан ҳаловатни қув,
Эй, кўнглим, ҳузурни тарк айла сен ҳам!

Олам бир муаттар ҳисларга тўлди,
Равшан тортди беҳад борлиқ жамоли.
Бу ажиб, ногаҳон ташриф не бўлди?
Бу қандай самовий қудрат шамоли?


Бундай гўзалликка ҳеч тегмасин кўз,
Эй, Худо, бир қудрат бахш эт қаламга,
Марҳабо, Муҳаббат, марҳабо, Наврӯз! –
Дея жар солайин буткул оламга.

Ҳаётни олқишлар қушлар чалган соз,
Ирмоқлар чулдирар куйлаб басма-бас.
Эй, баҳор тимсоли бўлган сарвиноз,
Сени севиб қолсам, айб менда эмас.



АГАР

Бир қатра булганса Гангда ё Нилда,
Африкада ўқдан ёнса бир дарахт,
Ёвуз хуруж қилса олис бир элда,
Бир умр биноти дарз кетса барвақт,
Бир кўлнинг тақдири қил узра қолса,
Бир севги бағрига урилса ханжар,
Оламдан бир қувонч изсиз йўқолса,
Бир гулшан баногоҳ қолса бесамар –
Сен эса қилт этмай турсанг субҳу шом,
Юрагингга булар солмаса дард-чўғ,
Демак, қачонлардир ўлгансан тамом,
Демак, бу дунёга келганинг ҳам йўқ.



АЖАБ


Кўрсам аёлларнинг ўтин ёришин,
Юк ортиб, ер қазиб – обдон хоришин,
Бола-чақа эплаб, рўзгор тебратиб,
Яна пахтазорга кириб боришин –
Бу юртнинг эрлари ўлганми дейман.

Икки тут ўртаси осик беланчак,
Гўдак биғиллайди меҳрдан маҳрум.
Кетмон ураётган анов келинчак
Пахтасини ташлаб чиқолмас бир зум,
Бу юртнинг эрлари ўлганми дейман.

Кеча аччиқ-тизиқ ўтди ўртада,
Совуқ бир исноддан нафис қалбда дарз.
Вужудин кун бўйи алам ўртади,
Қайси бир фалакка эта олсин арз,
Бу юртнинг эрлари ўлганми дейман.

Номард ташлаб кетди ёш бола билан,
Наҳотки интиҳо топди ширин бахт?
Дунёга сиғмаган бир нола билан
Аёл чор атрофга боқаркан карахт,
Бу юртнинг эрлари ўлганми дейман.

Аёлки ўзига ўт кўйди ногоҳ –
Кундуз қуёш куйди, кечалари моҳ!
Бир лаҳза машъалдек унинг ёнмоғи
Дунёни балодан этмоқда огоҳ,
Бу юртнинг эрлари ўлганми дейман.



ҚИРҚ ИДИШДА ҚИРҚ ДОРУ

Қирқ идишда қирқ хил дору
Яратиб Ибн Сино,
Ўлим чоғи шогирдин у
Чорлаб, этибди нидо:

– Бу дорулар умрим бўйи
Тайёрланган буюк сир,
Мен кўзимни юмгандан сўнг
Ичиурсан бирма-бир.

Тартиб билан, навбат билан
Берки, ақлинг шошмасин,
На бир қатра кам бўлсину
На бир томчи ошмасин...

Худди устод ўргатгандай
Иш бошлади шогирд ҳам,
Бир чеккадан тома бошлар
Қирқ идишдан қирқ малҳам.

Шогирд ҳайрон, во ажабо!
Рўй бермоқда қандай ҳол?
Қаён кетди қат-қат ажин,
Қорайди-ку соч-соқол.

Рангга кирди мурда бадан,
Томирларда чопди қон.
Гўё уйқу ичра ётар
Ёш бир йигит – навқирон.


Вужудида барқ ургандай
Худди ҳаёт нафаси,
Энди унга бегонадир
Тобутнинг тор қафаси.

Ёраб! Қандоқ мўъжиза бу,
Бу қандайин илму фан?
Ҳаяжондан титраб шогирд,
Даҳшат босиб дафъатан,

Ва ниҳоят сўнгги илож,
Сўнгги дору, сўнг ташвиш...
Титраб кетди шогирд қўли,
Қўлидан учди идиш.

Чил-чил синди... Минг йилларнинг
Орзуси синди наҳот?
Табиатнинг қонунига
Зид бордими ё устод?

Сўнгги идиш синди... Инсон
Етмай эзгу ниятга.
Балки шундай бўлганлиги
Бахтдир инсониятга.



ХАДИЧА

Кишлоғимиз фарзанди шўху барно Хадича,
Не-не йигит бағрига ўт қалайди ҳамиша.

Ўн саккиз ёш авжида тоғ лоласи бўлибди,
Ёноқлари – гул барги, қалби – қуёш ҳоврича.

Қалдирғочнинг қаноти қошига бўлмас қиёс,
Тун зулмати қуюлса бўлмас қора холича.


Ҳар сўзида бир сеҳр, ҳар имоси бир китоб,
Коптоқдай ўйнар сени боқиб турган холича.

Кундузи кўрмоқ билан бахтли бўлсак ўзини,
Ширин хаёли билан уйғоқдирмиз ҳар кеча.

Пахтазорни кезганда ўн ботирча завқи бор,
Гурра кўзгалар қизлар Хадичамиз «ҳа» деса.

Унинг ишқи, севгиси йигитларни улғайтди,
Фўра эдик аслида пишмаган бир ҳовучча.

Шу йигитлар қатори камина ҳам ёнурман,
Аммо дарду дилимни айтолмадим ҳалича.



ШОИР

У тун бўйи уйғоқ... мижжа қоқмади,
Олам уфқларин айланди хаёл,
Юрак титрогига зарра боқмади,
Ҳорғин кўзларида қувонч ва малол.

Далаларга чиқди, яқин-йироқлар
Сўзлаб берди унга дилда борини.
Қалбида мавжланиб асов қирғоқлар,
Тоғлар кўз-кўз қилди садаф қорини.

Сахролардан ўтди,
Боғлардан ўтди,
Тўйдаю азада у бўлди ҳозир.
Дилда ёлқинланиб Прометей ўти,
Нур билан зулматдай ўрганди кўп сир.

Кулбада тунади,
Саройга қўнди,
Қитъалар чарх урди ўткир зеҳнида.
Саратонда ёнди,
Аёзда тўнгди,
Инсон
Жилваланди қуёш меҳрида.


Ойдин кечаларнинг суриб гаштини,
Севги изҳорларин тинглади хурсанд.
Гоҳ бир зум сайр этиб фазо даштини,
Юлдуз чаманига меҳри бўлди банд.

Гўдак оромига бўлди парвона,
Қайғули онага маҳраму малҳам.
Инсонни ўйлади у ёна-ёна,
Уни қуршаб олди севинч билан ғам.

Ўқдан ғалвир бўлган оғир заминда
Ўт-олов оралаб, гоҳ бўлди мажруҳ.
Инсон ташвишида, инсон ғамида
Қушдай яраланди парвоз этган руҳ.

Тўрт фасл яшади бу кеча унда,
Миллион садоларни эшитди бу тун.
Гоҳи сокинликда, гоҳи тўлқинда,
Имтиҳон этиб гоҳ нур ила тутун.

Илҳомдан тинглади ана шундай дарс,
Синов қилди уни совуқ, қизиғи.
«Оламга кетаркан жиндаккина дарз,
Шоир юрагидан ўтар чизиғи!»



ТОҒЛАР БАҒРИДА МУШОИРА

Тоғлар кўп серсавлат эди,
Қоялар неча-неча.
Бу кеч шеърга навбат эди,
Мушоира бу кеча.

Осмон тўла юлдуз-юлдуз,
Осмон тўла жимжима.
Пайванд эди соз билан сўз,
Керак эмас таржима.

Давра эди, қимиз эди,
Дўстлик эди ўртада.
Туйғу, фикр тифиз эди
Бу нурафшон ўрдада.

Биров деди: кенг осмонни
Тутиб турар чўққилар.
Биров деди: чақмоқлар ҳам
Чўққиларга чўқинар.

Биров деди: улуғ офтоб –
Коинотнинг жиғаси.
Биров деди: дарёи об
Ерда ҳаёт жилваси.

Биров деди: жондай керак
Табиатга саҳролар.
Биров деди: уммон – юрак,
Она замин баҳр олар.

Биров деди: бўлиб одам
Яшамоқ ўзи иқбол.
Биров деди: ёруғ олам
Тақдирини дилга сол.

Фақат дўстлик этгайдир бахш
Қудрат, даҳо одамга.
Мақсад бўлса умрингга нақш,
У таянчдир оламга!

Порлар эди турфа фикр,
Туйғу – сўнмас кўр эди.
Бу кўшиққа сою адир,
Тоғу тошлар жўр эди.

Шеъриятнинг уфқи кенгдир,
Мавзулари бепоён.
У ҳавога, нонга тенгдир,
Ярқирар унда Инсон.

Ёвузликка, адоватга
Шеър ҳеч қачон юрмаган.
Пешвоз борган адолатга,
Ноҳаққа юз бурмаган.

Алладир у, ялладир у,
Барқ урган ёруғ ният.
Оғир чоғда далдадир у,
Инсоний самимият.


Барча иқлим, барча қитъа
Эрк, тинчликка ташнадир.
Шеърият бу эзгу дилдан
Қайнаб чиққан чашмадир.

Шўх болалик, севги дарди,
Она қалби – шеърдадир.
Миллион юлдуз бўлса барги,
Ўқ илдизи Ердадир.

У – ҳурликдир, озода рух,
Эркин фикру сўзингдир.
Ва абадий фахру шукуҳ,
Ўзин топган ўзингдир.

Одам ҳоврин олар одам,
Халқ дилини билар халқ,
Шунда жануб ва шимол ҳам,
Шунда эди ғарбу шарқ.


Бизда гўё ёрқин тимсол
Акс этганди давримиз,
Товланарди ширин висол
Мавжларида даврамиз.



ҚАЙНОНАЛАР АРЗИ ҲОЛИ

– Келин олдик, айланай, бир меҳрибон, бир яхши,
Хусну ақлини айтинг, зеб шу-да келинчакка.
Пазандаю қўли гул, оила кўрки, нақши,
Яна денг, уста экан бол йўғрилган чакчакка.

– Омадингиз бор, овсин, минг яшасин аввало,
Тезда кунингиз қолсин бир яхши беланчакка.
Биз ҳам келин туширдик... ҳамма томондан аъло,
Фақат битта айби шу... уста чиқди чакакка.



ҚИЗ ЙИГИСИ

(Ҳазил)

Бўйга етган қизини чақирдию онаси,
Шундай деб қолди бехос:
– Қизим, сенга айтайин, келганида хонаси,
Сўзларимга қулоқ ос.
Минг шукрки, ой қизим, чўзилиб қолди бўйинг,
Ақлу ҳуснинг бинойи.
Ёлғиз орзумиз, болам, тезроқ бўлсаю тўйинг,
Кўнгиллар топса жойин.
Тракторчи Валидан кеча кепти совчилар,
Девкор, ботир йигит у.
Насиб бўлса, қароғим, бахтинг гулдай очилар,
Онанинг орзуси шу.
Қиз ерга эгганча бош, кўзларига олар ёш,
Аммо лабида кулгу.
Совчи масаласини, она билмас, икки ёш
Бирга ҳал этишган-ку!
– Билишимизча, қизим, куёв йигит ҳўб бола,
Барвастаю меҳнаткаш...
Хурсандликдан қизининг юзлари бўлар лола,
Қалбда ҳаяжон, оташ.
Она бечора сезмас қиз бошида не хаёл,
Қизнинг ўйида Вали.
Кўз ўнгида пахтазор... шодликка тўла висол...
Ваъда берган маҳали.
Она дер: Отанг ва мен олдиндан бир ўтишни
Маслаҳат қилдик кеча.
Бизлар розимиз, энди ўзинг ўйла бу ишни,
Қалай сенга бу режа?
Қиз жавоб бермас бирдан, пиқ-пиқ йиғлаган бўлар,
Кўзёши бир баҳона.
Қизин қайғусин кўриб, минг айланиб-ўргилар
Ва шундай сўзлар она:
– Йиғлама, оппоқ қизим, – дер она бериб далда, –
Ўргилай она қиздан...
Қиз йиғлаб айтар: – О-на, о-на-жон, ҳеч ма-ҳал-да
Чиқдимми сўзингиздан?!

ТОЛ ТАГИДА

Сув бошидан, йўрғасида қайтарди мироб Фани,
Хиргойи қилиб йўлда.
Бошин силкиб, илдам-илдам қадам ташлар самани,
Пахтазор ўнгу сўлда.

Дарахтлардан, боғларидан кўз узмай мафтун боқар,
Даласи яшнар, сероб.
Катта ариқ лим-лим бўлиб ташна ерларга оқар,
Қувонар эди мироб.

Шу тоб... бирдан кўзларига чалинди бир ажиб ҳол,
Секинлатди отини.
Бир йигит-ла тол тагида турар қизи Ойжамол,
Аранг боқди ботиниб.

Бирдан жаҳл ўти ёқди кўзлари соққасини,
Юзида чақнар ғазаб.
Худди ўтдай лов этдию ушлади ёқасини:
– Бу қандай номаъқул гап?

Сезмас эди севги билан мастона икки ёш қалб
Четдан боққанин киши.
Муҳаббатнинг сирларига бўлишганди шунча жалб,
Олам билан йўқ иши.


Мироб ёниб: «Ажабо!» дер, «Тавба!» дер, бу не ҳол?
Қамчиласинми қизин?
Йигит қизнинг қора сочин силаб-сийпаб бемалол,
Баён этар дил сўзин.

Мироб қарар: йигит ўша – уста Собирнинг ўғли,
Пахтакор оқил бола.
Мироб ўйлар: нима қилсин, не қилса бўлар тўғри,
Ё қилсинми дабдала?!

Йигит қўйиб ўз кўксига севгилиси бошини,
Бўсага чўзади лаб.
Бир андиша куйдиради чолнинг ичу тошини:
– Бу қандай номаъқул гап?!

«Ҳей!» деб бирдан лабларини жуфтлайди
қичқирмоққа,
Яна босар ўзини,
Узангига оёқ тираб, қарар у ёқ-бу ёққа,
Йўқотганди сўзини.

Худди ўтга сув селгандай жаҳли босилар бир дам,
Жаҳлидан нима фойда?
Ёшлигида Ойнисани ахир унинг ўзи ҳам
Ўпган-ку хилват жойда.



ДОКА РЎМОЛ ҚУРИШИ

(Ҳазил)

Жанжаллашиб қолди эр билан хотин,
Орадан ёмон гап ўтгани ҳам йўқ.
Гўё булут қоплаб осмоннинг қатин,
Бири қўйиб, бири урар эди дўқ.

Гўё остин-устин бўлди ер юзи,
Қилчалик муҳаббат ўртада йўқдай.
Наштардай ботарди бирининг сўзи,
Бирининг таънаси куйдирар чўғдай.

Хотин газабидан ёниб, туюқиб:
– Пичоқ суяккача бориб етди, – дер.
– Сиз билан умрни ўтказдим ёқиб, –
Деб жилов бермасди жаҳли чиққан эр.

Ўртага ташланди гинаю алам,
Лампамой қуйгандай қизгин ўчоққа,
Таранг тортилганди асаблари ҳам,
Дон-донга ажралиб, пўчоқ-пўчоққа.


Қўйди-чиқдигача бориб етди гап,
Мураса-мадордан йўқ эди дарак.
Шунча йиллик умр... наҳот... во ажаб!
Бир-бирдан ажралган эди қўш юрак.

Хотин сўнгги шартин қўйди: – Йўлкира
Берсангиз бас, – деди, – олтмиш сўм, холос.
Бу даргоҳга қайтиб кирмайман сира,
Тугади бардошу тугади ихлос.

Онамнинг уйига қайтаман тамом,
Елкамнинг чуқури кўрсин, – дер, – эрни.

– Энди бу гўшада туришим ҳаром,
Бўлак даъвом ҳам йўқ, кетаман, дерди.

Эр айтди: – Йўл кира ўттиз сўм, ахир,
Олтмиш не керак? – дер қайнаб зардаси.
Хотин дер: – Ўттизи – боришнинг нархи,
Қайтиш пулини ҳам ўйланг, дадаси.



СЕВГИНИНГ ИЛК БЎСАСИ

(Байрондан)

Йўқол, эй, жимжимадор, адабий инжа сўзлар,
Тарқал, ёлғону яшиқ, ғийбатларнинг тўдаси.
Нурин сочиб мафтункор нафису шахло кўзлар,
Сархуш этади мени севгининг илк бўсаси.

Хаёлу тасаввурга асир қофиябозлар,
Етар чучмал туйғулар ва оҳанглар нағмаси.
Совуқ сонетларингиз – бачкана эҳтирослар,
Сизга танишмас жонбахш севгининг илк бўсаси.


Агарки сен илҳомдан бўлолмассан баҳраманд,
Ташриф этмас Аполлон – ишқу илҳом музаси,
Ўшанда сен ўличнинг сеҳри билан бўлгил банд,
Илҳом-ижод манбаи – севгининг илк бўсаси.

Муздаккина уйдирма гаплар тўқишмас касбим,
Эй, беибо, риёкор, чинқирганинг нимаси!
Қалбим шеърят билан мустаҳкам чамбарчаским,
Нур-ҳарорат бағишлар севгининг илк бўсаси.

Чўпон қизу сурув ҳам кўнгилга берур ором,
Аммо тугён уйғотмас қонда уларнинг саси.
Сўнар ҳар қандай орзу, ҳар қандай гўзал мақом,
Кучини кўрсатганда севгининг илк бўсаси.

Одам Ато давридан токи бу кунга қадар
Доим бебахт бўлмаган, билсанг, инсон боласи.
Ер юзининг жаннати битмагандир сарбасар,
Уни намоён этар севгининг илк бўсаси.

Лаззат дамлари ўтар, сўнар завқу эҳтирос,
Тутишга қодирмассан, ўтар йил силсиласи.
Барча хотиралардан энг азизу беқиёс
Абадий хотирадир севгининг илк бўсаси.



МУҲАББАТНИНГ СЎНГГИ ХАЙР-МАЪЗУРИ

(Байрондан)

Умримизнинг боғида ишқ-муҳаббат гуллари
Ажал шабнамин эмиб унгайдир, йўқ назари.
Аммо шаддод вақт қўли юлқиб ташлар уларни,
Айтилганда севгининг сўнгги хайр-маъзури.

Беҳуда эркалашлар бизни эта олмас шод,
Аҳд қиламиз – севгига садоқатдир мазмуни.
Аммо бир соат ўтмай уни этажак барбод
Ўлим олди айтилган ишқнинг хайр-маъзури.

Далда бериб кўнгилга хаёл шивирлаб ўтар:
«Йўлимизда яна дуч келажакмиз охири!»
Аммо алдоқчи тушлар захарни пинҳон тутар,
Айтилганда севгининг сўнгги хайр-маъзури.

Қаранг! Мана икковлон: бу беғубор муҳаббат
Болаликдан гуллашга лойиқ эди, арзирди.
Эндигина очилгач, совуқ урди бешафқат,
Айтилганда севгининг сўнгги хайр-маъзури.

Соҳибжамол! Кўз ёшинг тўкилади шашқатор,
Сени қутқармоқ маҳол, бу – ишнинг энг оғири!
Ақлсизлик ақлингни емирди-ку ларзакор,
Айтилганда севгининг сўнгги хайр-маъзури.

Кимдир бу жабрдийда? Одамлардан ҳайиқар,
Ўрмонли мағорага жўнаш бўлмиш тақдири.
У шамолу тоғларга ўз дардидан ҳайқиқар,
Мазмуни – муҳаббатнинг сўнгги хайр-маъзури.


Нафрату ғазаб билан юраги тўла нуқул,
Ўтмиш осудаликнинг қолмаган учқун-нури.
Надоматлар ўтида ёниб битгандир буткул,
Айтилганда севгининг сўнгги хайр-маъзури.

У пўлатга айланган қалбларга қилар ҳавас,
Кимнингки бу ҳаётдан ҳиссиз ўтаркан умри,
Ундайларда ҳаяжон, ўтмиш завқи қўзғалмас,
Бефарқдир муҳаббатнинг сўнгги хайр-маъзури.

Орзу-армонлар ўтиб, борамиз ўлим сари,
Муҳаббат ҳам ўзгарар, бўлма севги маҳзуни.
Эҳтирослар тўлқини ёшлиқда бўлар бари,
Кафандир муҳаббатнинг сўнгги хайр-маъзури.

Астрейя шундай қонун этади бизга тортиқ:
Ўч-қасосга элтади лаззат, ҳаёт ҳузури.
Муқаддас муҳаббатга кимки бўлибди содиқ,
Гуноҳни ювар ишқнинг сўнгги хайр-маъзури.

Яллуғланган у қутлуғ қурбонгоҳга пешма-пеш
Сарву мирт гулчамбарин бир-бир қўй, шу охири.
Мирт хуш бўйи лаззату оромингга бўлар эш,
Сарвада – муҳаббатнинг сўнгги хайр-маъзури.



КЎНГИЛДА ЙЎҚ БЎЛСА


Кўнгилда йўқ бўлса агар бир дардинг,
Нега қалам билан қоғоз ахтардинг?
Достону қасиданг, туюқ ва фардинг
Не керак, унда гар Инсон бўлмаса.

Сўзда барқ ургайдир олий ҳақиқат,
Кўзда акс этгандай энг равшан хилқат.
Неча ҳикоятлар айтгил қатма-қат,
Шеър бўлмас, илоҳий эҳсон бўлмаса.

Аввало ҳар сўзда жилолансин руҳ,
Ўзин изҳор этсин ранж ила шукуҳ,
Самимий кўринмас шодлик ё андуҳ,
Бедор, тафаккуру лисон бўлмаса.

Бир дард изҳорига йўнмишдим қалам,
Бирдан шодлик унга бўлди ҳамқадам.
Ўзаро тўкнашди қувончу алам,
Нахот шу зиддият достон бўлмаса?!

Қандоқ ҳис этгаймен муҳаббат азмин,
Ишқнинг қудратию шеърият вазнин,
Ўзбекистон номли улуғ бир замин
Бошимда офтобу осмон бўлмаса.



ДУНЁ САҲНАДИР УЛУҒ

Файзулла Аҳмедовга

Дунё саҳнадир улуғ, ҳаёт улкан томоша,
Биз гоҳ томошабинмиз, гоҳо мохир ўйинчи.
Гоҳо қувончу ғамни ўйнаймиз тоша-тоша,
Гоҳ ошиқмиз, дарвешмиз... ҳар баломиз,
қўйинг-чи...

Дономиз, камтар, нодон, аскармиз ё саркарда,
Неча юз хил қилмишлар феълимизда намоён.
Бирда бозор ичида ҳаммол бўлсак агарда,
Бирда аргумоқ суриб, манзилимиз – тик довон.

Ўйғлаймиз, гоҳ куламиз, гадомиз, гоҳ шаҳзода,
Фитналар гирдобида гоҳ қотамиз ожиз, лол.
Қўлимизда лиммо-лим гоҳо ҳаётий бода,
Машаққатлар юкидан гоҳо қоматимиз дол.


Биз қилмаган иш борми, биз билмаган борми сир,
Дўстлик, меҳр, шафқатдан шан нутқлар айтаммиз.
Гоҳ адоват қўлида бўлиб қоламиз асир,
Ҳаёт тўғонларига тарс урилган пайтда биз.

Бунча кўпдир туйғулар, ҳислар бунча ранго-ранг,
Биз ҳаёт гиламининг ўриши ва арқоғи.
Гоҳ авжимиз баланддир, гоҳ ҳолимиз тору танг,
Гоҳ рост йўлга бошлайди бизни ақл чақмоғи.

Биз ёнамиз, излаймиз, завқланамиз, куямиз,
Ўту сел шиддатидан минг мақому минг тусда.
Энг оғир лаҳзада ҳам «хай», «майли» деб
қўямиз,
Энг енгилни муаммо этмоққа ҳам биз уста.

Минг йилдан буён шу ҳол, яна минг йил шу ҳолат,
То ҳақиқат ҳуснига етгунча ўртанамиз.
Роҳатдан чекиб заҳмат, заҳматдан олиб роҳат,
Инсонийлик дарсини бир умр ўрганамиз.

Саҳна ҳам шу ҳаётнинг бир парча, бир кўзгуси,
Покланиш йўлларида элтгайдир бизни, илло.
Ёниб турсин қалбингда, дўстим, санъат ёғдуси,
Тарк этмасин умрингни афсонавий бу жило!




ҚЎНҒИРТОҒ

Қаршининг нақ ёнбошида Қўнғиртоғ,
Бўлак тоғ йўқ ундан кўра қўнғирроқ,
Гуллар унар унда қизил, қўнғир, оқ,
Сайраб ётар қушлар мисли қўнғироқ,
Тоғ эмас бу, балки улкан қўғирчоқ,
Бир кўрганнинг бир умрга кўнгли чоғ.

СЕНСИЗ

Бу кўприк бўлмаса, одамларга қийин,
Бу қудук бўлмаса, ўтмас кунимиз.
Бу чироқ бўлмаса, яшаш бир тийин,
Зулмат бўлиб қолар барча тунимиз.
Нон бўлмаса ёмон, туз бўлмаса оғир,
Севгига, дўстликка муҳтож дилимиз.
Ҳаммасига чидаш мумкин дир охир,
Сенсиз яшаб бўлмас, она тилимиз.




* * *

Йўқ! Тўхтангиз, фикр ва туйғу,
Назар ташланг ич-ичингизга.
Элитмасин сизни шум уйқу
Ва беркинманг ўз тинчингизга.

Орол қуриб, Денов боғлари
Заҳар ютиб, турибди базўр.
Оппоқ-оппоқ ернинг доғлари
Юрт манглайин босган машъум шўр.

Наъра ургил гар бўлсанг, виждон,
Уйғонмасанг бу дунё чўлдир.
Тополмасанг ҳеч қандай имкон,
Кўзёш билан Оролни тўлдир!



САККИЗЛИКЛАР

У оламни ўзисиз тасаввур этолмасди,
Коинотнинг маркази ҳисобларди ўзини.
Бу фикрдан бир қадам нарига кетолмасди,
Шу гапга тақар эди ҳатто оддий сўзини.

Ҳаёт-да! Куни етиб бу дунёни этди тарк,
Қаранг, дунё-чи, ҳамон бормоқда ўз йўлидан.
У кетгани – дарахтдан гўёким учди бир барг,
Бундан ортиқ каромат келмади-ку қўлидан.

* * *

Ялт этиб осмонда чақнайди яшин,
Гулдирак гумбурлар, қуяди ёмғир.
Сувидан ташна ер бўлиб ям-яшил,
Майсалар мавжланар бўйни тўла дур.

Истардим, чақнаса шундай қалбим ҳам,
Янграса, дилларнинг босса чанқоғин.
Шу ниятлар ҳақи ҳамиша, ҳар дам
Мен орзу қиламан кўкнинг чақмоғин.

* * *

Кўрдим, кўзларига тикилдим бир дам,
У оҳу кўзлар ҳам бир дам боқдилар.
Бирдан вужудимда барқ урди кўклам,
У кўзлар қалбимда қуёш ёқдилар.

Кўксим тўлқинланиб ширин туйғудан,
Мафтун туриб қолдим изидан қараб...
Икки жуфт кўзларнинг учрашувидан
Муҳаббат туғилса, дўстлар, не ажаб?

* * *

Ватан чегарасининг кумушранг чизигидай
Гирдоб уриб, мавжланиб Аму оқиб ётади.

Кечанинг салқинию қуёшнинг қизигида
Қулоч ёйиб, жимирлаб бирдай балқиб ётади.

Дўст кўнгиллар йўлига ойна кўприқдир Аму,
Ҳар тўлқин садосидан тинглайсиз юз «Марҳабо!»
Ою қуёш тигида олмос шамшир бўлиб у,
Она юрт посбонидай уйғоқдир шому сабо.

* * *

Столим устида чиқиллар соат,
Юрак ҳам гурсиллар ўз қафасида.
Икковлон меҳнатни қилибди одат,
Бир ижод яратар ҳар нафасида.

Юрагим кўтарар бу давр юкин,
Соат ҳам ўз бурчин ўтайди ҳалол.
Фарқи: соат тинса тоб бериш мумкин,
Юрак тўхтаганда... юриши маҳол.

* * *

Тонг чоғида масъуд янгради рубоб,
Берилиб юракдан чалаётган ким?
Вужудим қулоққа айланиб шу тоб,
Берилиб юракдан тинглар эдим жим.

Бу куйни таржима қилолмайди сўз,
Ёлғиз юраккина уни англайди.
Билсам, мадҳинг экан бу куй, қоракўз,
Гўзаллигинг унда шўх жаранглайди.

* * *

Фақат зўр тоғлардан бошланган дарё
Олис-олисларга сувини элтар.
Чанқоғин қондириб неча бир сахро,
Ҳаёт куртакларин намоён этар.

Шундай, билим тоғин оқ чўққисидан
Бошланмаса агар ижод ирмоғи,
Гумон бўлиб қолар нақ қўққисидан
Диллар водийсига кириб бормоғи.

* * *

Яхши ният қилур одамга одам
Хайрли бир ишга урар бўлса қўл.
«Хуш келибсиз» дейди қўйганда қадам,
Йўлга чиқар бўлса тилайди «Оқ йўл».

Сен бировга қуриб берма қасри Чин,
Саратонда бўлма бошига соя.
Инсоннинг кўнглини овламоқ учун
Бир оғиз яхши сўз баъзан кифоя.

* * *

Жануб кечасининг йўқдир қиёси,
Дашт узра ёйилур бахмалдай осмон.
Ловуллар юлдузлар олтин зиёси
Чўпонларнинг сўнмас гулханисимон.

Қоронғи деб бўлмас юлдузли тунни,
Фақат у илк дафъа шундай туюлар.
Бир нафас боқинг-чи бўлиб мафтуни,
Қалбингизга юлдуз бўлиб қуюлар.

* * *

Дейдилар: ёшликнинг чегараси бор,
Оғир-ҳалимлиқнинг вақти ҳам етди.
Ойдин кечаларни кўп қилма хумор,
Шўхликни вазминлик истило этди.

Бу аччиқ ҳақиқат қаршисида гоҳ
Жим қолиб, гоҳида урурман тугён.
Ёшлиқ, шу сиридан бўлгилки огоҳ,
Сендан айрилмасман то борича жон.

* * *

Даврамизда ўтирар доно, нуроний олим,
Яхшилиқнинг, ёшлиқнинг, эзгуликнинг чанқоғи,
Кўзларида ҳаётнинг фалсафаси лиммо-лим,
Сўзларида ақлнинг ялт этгувчи чақмоғи.

Зўр фикр айтмоқликка гапдонлик бўлмас сабаб,
Жимжимадор ваъзхонлик суҳбатга бўлмагай нақш.

Ўз ўрнида айтилган оддийгина битта гап
Арасту китобидай мазмун эта олур бахш.

* * *

Ногоҳ дуч келдилар гавжум кўчада,
Кўзлар беихтиёр бўлдилар тўкнаш.
Ўтиб кетмоқлик ҳам оғирдир жуда,
Оғир эди ундан – юзма-юз тўхташ.

Жиндай саросима, ғалати титроқ,
Нокулай сўзсизлик, суратдай қотиш...
Ҳар қандай ўлимдан бўлар оғирроқ
Бундай бегоналик, бундай йўқотиш.

* * *

Битта тоғнинг икки ёнига
Овсин бўлиб тушган икки қиз –
Пайвастадир жони жонига
Опа-сингил ўзбек ва қирғиз.

Эгизагу куда-кудагай...
Борди-келди ва туташ тақдир.
Бирга тўйлаб, бирга қувнагай,
Бир қуёшу бир замин, ахир.

* * *

Истамам шеърнинг майдаланишин,
Икир-чикирлардан бўғилишини.
Истайман олтиндай маъданланишин,
Нурли илҳом билан туғилишини.

Йиллар умид билан эл нигоҳ тутган
Шифобахш дорудай келса оламга.
Етса ниятига уни зор кутган,
Қанот бахш этолса бирдан одамга.

* * *

Столим устида бир парча сопол,
Нимдош тортиб қолган баҳорий ранги.
Бир пайт идиш бўлган, сўнг топган завол,
Бурқсаб турар ундан минг йиллар чанги.

Минг йил яширинмиш тупроқ остида,
Харобалар босиб ва унутилиб...
Шеърят бўлакча: яшаш қасдида
Янгиланиб чиқар минг йил тутилиб.

* * *

Буюк Леонардо – жаҳоний рассом
Бир кун ўлтирарди маъюс, хафаҳол.
Надоматлар ичра ўртаниб тамом,
Дунёдан не учун қўл силтади чол?

Боисин сўрашди. Айтди улуғ зот:
Балки илҳом мени энди ташлади.
Кейинги пайтларда не этсам ижод,
Улар ўзимга ҳам ёқа бошлади.

* * *

Дерлар, шеър ёз, у рангин бўлсин,
Зангин бўлсин ва янги бўлсин.
Яъни шодлик, севги, баҳорнинг
Юракдаги жаранги бўлсин.

Тўғри! Аммо шеърга дард керак,
Керак дилни ёндирувчи чўғ,
Шеър – қоғозга урилган юрак,
Юраксиз, бил, шеърнинг ўзи йўқ!

* * *

Оламда нотекис ерлар ҳали кўп,
Ҳали кўп турмушнинг қинғир-қийшиғи.
Қайдадир қўшиқлар куйланса маҳбуб,
Қайдадир ҳукмрон алам ва йиғи.

Қайдадир ҳижрон бор, қайдадир висол,
Чақалоқ туғилди, кўз юмди бир зот...
Ҳаяжонга солур шоирни бу ҳол
Ва уйқу – оромни унга этур ёт.

* * *

Тўриқ отда, саман отда,
Жийронда елиб илдам,
Гоҳо учиб самолётда
Сени изларман, эркам.

Сен-чи, ҳамон елган кўйи
Кетмоқдасан жонсарақ.
Иккаламиз умр бўйи
Қувлашиб ўтсак керақ.

* * *

Кўз нури, қалб қўри рангларга кўчди,
Севгисин тошларга мангу нақш этди.
Ганч қорди, тош йўнди – ёнди ва ўчди,
Борлигин авлодлар учун бахш этди.

Устод бу санъатни шундай битирган,
Ундан буюқ ижод – нур – илҳом қолди.
Ва нақш орасига пинҳон битилган
«Амали Зайниддин» деган ном қолди.

* * *

Зим-зиё тун. Денгиз ҳам – қўрқинчли қора сеҳр,
Шу суронли ўпқондан биров чўмилаётир.
Ё денгизни бағрига босиб изҳор этар меҳр,
Ё денгиз-ла жанг этар йўлбарс юракли ботир.

Шундай ўйлаб турувдим. Чикди соҳилга ногоҳ
Тиниқ нур ниҳол янглиғ зебо қадли бир гўзал.
Ҳайратдан юрагимга дарз кетгандай бўлди, оҳ,
Олам жаранглаб кетди қалбимда мисли газал.

* * *

Ўтмишу Бугуну Эртамиз – асли
Яхлит Вақт дарёсин манзилларидир.
Улар бир борлиқнинг ранг-баранг асли,
Бир дostonнинг турфа вазнларидир.

«Лип» этиб ўтган жон унда қолажак,
Абадият мавжи ичра фарқ бўлиб.
Ҳар ким ўз нисбатин албат олажак
Яхшию ёмонлик иши фарқ бўлиб.

* * *

Ҳикматлар барқ уриб фикру феълнингда,
Қалбимни мунаввар этган диёрим,
Яхшилик мўл эрур ҳар бир йилингда,
Ўзингсан ободим ва бахтиёрим.

Бизни Ўзбекистон деб қутлар дунё,
Бу сўз нурдай азий, метиндек қурч ҳам.
Қанчалик фахр агар унда бўлмиш жо,
Шунчалар мустаҳкам фидоий бурч ҳам.

* * *

Дейдилар, тушса гар Оллоҳ назари,
Беҳиштий бир маскан бўлмиш ўшал жой.
Менинг юртим эрур юртлар сарвари,
У олий салтанат, бекиёс чирой.

Ҳар битта садоси сеҳрли мақом,
Ҳар битта зарраси ишқдан йўғрилган.
Улар қалбимдаги минг йиллик илҳом,
Улар муҳаббатдан, дарддан туғилган.

* * *

Буюк Ўзбекистон гулдастасида
Ҳар бир вилоятнинг бордир ўз ранги.
Созию овози – бахтга қасида,
Истиклол садоси, ҳаёт жаранги.

Ватаним! – деганда дил яйраб кетар,
Бир дунё гўзаллик кўз ўнгингда жам.
Мард инсонлар унда ошиён этар,
Ҳеч кимдан ҳеч қачон бўлмайдилар кам.

* * *

Агарчи сўз завқин сурмоқ истасанг,
Ўзбек тили деган уммонда суз.
Унда ҳар ибора – илоҳий жаранг,
Ундаги ҳар бир сўз – нурафшон юлдуз.

Навоий – бу олтин хирмон соҳиби,
Ҳайратин оламга этаркан изҳор,
Қалбида бир дунё ғурур бор эди,
«Хамса» бўлиб ёғди ўшал ифтихор.

* * *

Ернинг кўкрак сути – Сир билан Аму,
Кўш олтин беланчак, дарёи шариф,
Улар ризку рўзим, уй тўла ёғду,
Меҳрибон, меҳнаткаш, улуғвор, зариф.

Замонлар қаъридан келурлар йўлдош,
Лоқайд фарзандларни севиб ё койиб,
Оролга дард айтиб, урай деса бош,
У ҳам гоҳ кўринар, гоҳида ғойиб.

* * *

Дўстлар учрашганда кўзлар учрашар,
Энг яхши орзулар, сўзлар учрашар,
Бугун диёримиз файзи ўзгача,
Чунким энг қадрдон дўстлар учрашар.
Кўнгилдан кўнгилга йўллар очилсин,
Яхши ният билан қўллар очилсин.
Дўстлар бир-биридан қувват олсинлар,
Биз юрган йўлларда гуллар очилсин.

* * *

Ич-ичимга шўнғиб кетмоқ истадим,
Истадим, шўнғисам қалбим қаърига.
Хаёлим отини неча қистадим,
Вале ўтолмадим Сендан нарига.

ЕТТИ мўъжиза бор, дерлар, жаҳонда,
Ким билсин, еттидир ё балки етмиш.
Фақат сен барқарор эурсан жонда,
Оллоҳ сени менга мўъжиза этмиш.

* * *

Донолар китобин кўп ўқиб чиқдим,
Дилбар ўлкаларни этдим томоша.
Ҳайрат манзиллари ичра чиниқдим,
Сенга етмоқ бўлдим тоғма-тоғ оша.

Сен ҳамон олисда, ҳамон олдинда,
Неча юрган сарим бўлурсан йироқ.
Гоҳ қоронғуда, гоҳ ойдинда
Сени қидиришдан толмасман бироқ.

* * *

(Ҳазил)

Авваллари чиройли қизлар
Шоирларга шўх қарашарди.
Шеъриятни севаман деса,
Ул қизларга кўп ярашарди.

Энди... қизлар бозорчиларни
Севамиз деб, этадилар аҳд.
Ё терговчи ё солиқчининг
Ёри бўлиш эмиш катта бахт.

* * *

(Ҳазил)

Лайли ва Мажнуннинг оғир қисматин
Бир киши тун бўйи этди ҳикоят.
Сўнг дўстин фикрини билмоқ истади,
Шундай жавоб олди охир-ниҳоят:

– Бағоят аламли достон экан бу,
Мени чулғаб олди кўп даҳшат хаёл.
Фақат бир нуқтасин англамадим-ку,
Лайли эркакмиди ё Мажнун аёл?!

* * *

– Интилиш ва изланиш инсон учун кўрку зеб,
Бу йўлда бор манзилга бир-бир бориб қайтилди.
Ўзингни кўп ёндирма, мўъжиза сўз айтгум деб,
Дунёдаги бор ҳикмат такрор-такрор айтилди.

– Бу фикрингга, дўстгинам, қўшилиб бўлмас зинҳор,
Билим йўллари сўнгсиз: ўнгу терси, чапи кўп.
Милёндан биригина балки этилди изҳор,
Дунёнинг айтилгандан айтилмаган гапи кўп.

* * *

Ўйлар эдим сени ҳар лаҳза, доим,
Бугунинг, эртангни – келажагингни.
Лекин билмас эдим, юрагимга қойим
Очилиб, сочилиб келажагингни.

О, қандай қудратли, мўъжизакор вақт,
Ёндим... яна нечун гугурт чақмоғинг?
Бутун авзойимни зириллатди бахт,
Қўлимда тутгандай баҳор чақмоғин.

* * *

Жамиятнинг дардларин йиғлаб айтди бир шоир,
Қувончларин ўзгаси қўшиқ қилди шўх, қувноқ.
Иккисин шеърида ҳам халқ кўнгли эди зоҳир,
Иккиси ҳақиқатдан асло эмасди йироқ...

Адолатни кўзлаган соғлом ақл, порлоқ дил,
Сен улар қалбин тушун, изламагил зиддият.
Тўрт фасл жилосидан йўғрилгай-ку, ахир, йил,
Гарчанд шакллар рангин, танҳо эрур моҳият.

* * *


Оху вох, ивир-сивир шеърлардан кўнгил қолди,
Тил учи фахриялар жонга солмайди ғулу.
Шеъриятнинг илоҳий кучи қаён йўқолди,
Қайда у қайнаб турган оҳанрабо дард, туйғу?

Ҳақиқатнинг сўзлари кескир, лўнда, тик, улуг,
Сохта безаклар уни дарҳол сўлдириб қўяр.
Шеър оташин бир қушдир инсоний дардга тўлик,
Бўлар-бўлмас сайратган уни ўлдириб қўяр.

* * *

Бетараф деб айбламанг уни,
Кўшилмас деб ҳеч бир гуруҳга.
Сингдиrolмас машъум туйғуни,
Тарафкашлик ётдир бу руҳга.

Бир оила гар ҳақу ноҳақ
Бир-бирига отиб ётса тош,
Бу ботирлик эмасдир мутлақ,
Ўз гўрлигин балки этмоқ фош.



ТЎРТЛИКЛАР

Ватанда сайрон эт! – буюк ҳикмат бу,
Бу – олий мақсудинг, юрак сўзингдир.
Ватан бу – ўзлигинг акс этган кўзгу,
Ўзинг бу – юртни акс этган ўзингдир.

* * *

Ватандир қалбингга абадий гурур,
Дилингда қуввату кўзларингда нур.
Демакки, заррада акс этди замин,
Қатрада кўринди чашмайи биллур.

* * *

Нега туғилдим деб, дўстим, ема ғам,
Қалбингни эзмасин минг дарду рўё.
Навоий борлигин билмоқ учун ҳам
Бир келиб-кетишга арзир бу дунё.

* * *

Қоғоз чехрасида олам акс этар,
Олам ҳақиқатин қалам акс этар.
Олис умринг йўлин буткул мазмунин
Илк бор рост қўйилган қадам акс этар.

* * *

Инсонга абадий шараф ва қувват –
Қамолот мезони меҳру мурувват.
У бахтга инсонни муяссар этар,
Яхшилик тахтида музаффар этар.

* * *

Биров ўрмондаю биров уммонда,
Ҳар ким ҳар манзилда этгайдир хизмат.
Барқарор бўлса бас олий имонда,
Уни излаб топар ҳақиқий иззат.

* * *

Дема, бағрим ичра от кишнаётир,
Дема, қаҳрим аро қиш қишлаётир.
Вужудингга нафис ғалаён солиб,
Хаёт деган буюк Ишқ ишлаётир.

* * *

Агарчи очолсанг сўзнинг мағзини,
Аниқ ҳис этурсан маъно, вазнини.
Сўзни беҳудага исроф этган шахс
Оёқ ости қилди ширин лафзини.

* * *

Биров меҳнат қилиб хазина очди,
Саховат уруғин элига сочди.
Меҳру муҳаббатнинг олтин нақшидек
Эгасига қайтди минг бир яхшилик.

* * *

Икки одам яшар ҳар бир одамда.
Бири дер: – Бу дунё фароғатин қил!
Бири дер: – Яхши из қолдир оламда!
Рост йўлни тутганлар ҳақиқий оқил.

* * *

Саҳрода баногоҳ сароб кўринди,
Олам гармселдан хароб кўринди.
Кимдир шу таппотда қултум сув тутди,
Қултум сув жаннатий шароб кўринди.

* * *

Бу дунёда номардлар кўп, мардлар кўп,
Севинчлар кўп, аламлар кўп, дардлар кўп.
Чала қолган аҳду паймон беҳисоб,
Бажарилмай қолиб кетган шартлар кўп.

* * *

У оғизда ҳар қандай эзгуликка ёр эди,
Лекин қалтис лаҳзада бир мунча хушёр эди.
Манфаат етар бўлса, ҳар юмушга эди шай,
Пул учун яхшилик ҳам қилишга тайёр эди.

* * *

Ҳаётдан кўп нарсани ундирмоққа уринма,
Елкангга оғир тушиб, ҳар қадамда сурунма.
Кўп юкни кўтармоқлик жуда қийин бўлади,
Белинг узилса ногоҳ – бари тийин бўлади.

* * *

Гар Сафарни койисам, Зафар асабланади,
Гар Самарни ранжитсам, Санжар ғазабланади.
Одамлар кўнгли нозик, икки ўт ўртасида
Мен бечора кимсанинг жоним азобланади.

* * *

– Биз яхши билурмиз озодлик таъмин! –
Деди мағрур туриб мард Спитамен.
– Қул бўлгандан ўлган яхшироқ! –
Деди мағрур туриб бўйсунмас Широқ.

* * *

Сен чеккан сигарет милёнга етар,
Сен ичган шишалар юз мингдан ортиқ.
Бирининг тутуни кўкни забт этар,
Бирини жам этса бўлгайдир Болтиқ.

* * *

Бу дунёнинг бор ишлари бирин-бирин:
Ёзу аёз, фасли баҳор, ё изғирин...
Шу товланиш, шу рангинлик жисмингда ҳам,
Лаҳзаларинг гоҳи аччиқ, гоҳи ширин.

* * *

Ўзига хўб бино қўйди Фалончиев,
Ичиб олиб, кино қўйди Фалончиев.
Ароқдан сўнг вино қўйди Фалончиев,
Иш деганга хино қўйди Фалончиев.

* * *

«Мен ҳам хато қилурман гоҳо!» –
Деган экан камтар бир даҳо.
Қўшимча ҳам қилибди ўзи:
«Хатойим ҳам ноёб, бебаҳо!»

• • •

Фарқ эта билмассан ҳазилдан чинни,
Баробардир сенга захр ила шинни.
Кимки ҳис этмади сўз таманносин,
Билмади бўз ила атлас маъносин.

* * *

Сенга бегонамас Ишқнинг лаҳжаси,
Майин жилвалари, ширин ларзаси.
Агар шу хислатдан маҳрум бўлса дил,
Жаҳолат асридир ҳар бир лаҳзаси.

* * *

Бир қадах лиммо-лим боржом берди қиз,
Гўё шароб тўла бир жом берди қиз.
Бу на сув шифобахш, на шаробдир бу,
Балки сўник танга бир жон берди қиз.

* * *

Соҳил бармоқ бўлса, ул қиз узукдир,
Нафисдир, ажибдир, кўзи сузукдир.
Мавжларга интилган хушқомат қизни
Денгиз сарвинози десанг тузукдир.

* * *

Бугун ҳаво очик, денгиз ҳам очик,
Ўрмон ҳам талпинар денгизга ошиқ.
Уфқдан ой чиқар чўмилмоқ истаб,
Елкада бир тутам булутдан сочиқ.

* * *

Денгиз пойингизда урмоқда долға,
Гўё ўз ўрнида топмай қўнолға.
У сизга кўп сирлар ҳайқираётир,
Сиз ҳам бир нарса денг, эй Қайсин оға!

* * *

Денгизга ҳеч қараб бўлгайми лоқайд,
Ҳар мавжи бир қўшиқ, ҳар қалқиши байт.
Тилингга чиқади дилингда бор гап,
Дерлар-ку: тушингни сувга бориб айт.

ТУЮҚЛАР

Келиб қолди битта меҳмон кўнғир отлик,
Ул дедики: – Мен деҳқонман, кўнғиротлик.
Биз дедикки: – Ҳуш келибсан, азиз меҳмон,
Ҳеч тортинмай, кулбамизга кўн, ғиротлик.

* * *

Дедим: – Кимдан ҳадядир бўйнингдаги
у маржон?
Қиз дедики: – Маржоннинг эгасидир Умаржон.
Мен дедимки: – Маржоннинг муборак бўлсин,
сингил,
Маржон нима, сен учун аямайди Умар жон!

* * *


Кўчангиздан ўтурман ҳар субҳу шом, Зиёда,
Пиёда ўтганлигим минг отликдан зиёда.
Ҳовлингизда ҳар бир гул кўнглим баҳори зрур,
Қалбим қуёшин кўрдим йилт этган ҳар зиёда.

* * *

Кимки ўз шахсига қўяркан бино,
Ақли озор топиб, бўлур нобино.
Шуҳрат – соҳилдаги қум мисолидир,
Қумда қуриб бўлмас мустаҳкам бино.

* * *

Ёнгинангга келдим сойлар кеча-кеча,
Ҳузурингда ўлтирай деб бирор кеча.
Юрагимда сенга айтар гапларим кўп,
Дарвозанг оч... гуноҳларим кеча-кеча.



ФАРДЛАР

Борми десанг агар фаришта,
Дерман: – Улар бизнинг Форишда!

* * *

Ҳаёт қиронидир ядро кечаси,
Ядро кечаси – бу ялдо кечаси.

* * *

Ҳар нарсадан олма хавотир,
Хавотир – бу бадбўй ҳаводир.

* * *

Янгради най, чанг билан сато,
Ишққа тўла эди бу садо.

* * *

Бу қандай зўр, булбул овоз-а,
Жаҳон ичра бўлди овоза!

* * *


Дунё кўриб, билганим шулки,
Кўп омонат бу дунё мулки.

* * *

Эй, безовта, долғали кўнгил,
Не букурсам, ўшанга кўнгил.

* * *

Асал лабдан сочиб дурлар,
Ҳаёлимни сочибдурлар.



ИШҚИЙ ШЕЪР

Ишқий шеърлар ёзсанг кексалик пайти,
Ҳайратдан баъзилар ушлайди яқо.
Шеърнинг энг мўъжиза, энг кўркем байти
Элитмас уларнинг меҳрин мутлақо.

Қанчалар ёнсангу қанчалар жўшсанг,
«Нотабий!» дея айтурлар рўй-рост.
Ҳар битта мисрага жонингни кўшсанг,
Улар дейдиларки: «Йўқдир эҳтирос».

Истеҳзо аралаш, мийиғда кулиб,
Тил учида фақат баъзан суярлар.
Гўёки ҳолингга ачинган бўлиб,
«Томи кетибди-ку!» деб ҳам кўярлар...

Улар айтмоғида балки бордир жон,
Лоф урмоқ мушкулдир Ишқдан ва Ёрдан.
Қийқириб кирмаса шеърга ҳаяжон,
Ҳеч қандай фалсафа этолмас ёрдам.

Бироқ, яғмо этиб кўнгиллар мулкин,
Қонларга ҳамалнинг тафти юғурса,
Ишқий шеърни қандай ёзмаслик мумкин,
Баҳор эшигингда: – Ким бор?! – деб турса.



СЕВГИМ

О, севгим,
Қарздорман сенинг қошингда,
Сенга ўтли сўзлар бахш этолмадим.
Гулу баҳорларни тўкиб бошингдан,
Юракларга сени нақш этолмадим.

Яхши ният, дерлар, бу ярим давлат,
Орзум денгизида шу мавжи армон:
Қоним сиёҳ этиб, қалбимни давот,
Сени юз дostonда мен мадҳ этарман.

Қанийди, дилдаги ишқим барисин
Мен қоғоз бетида этолсам изҳор!
Мен шу хазинадан, ками ярмисин
Намоён этмасдан топмасман қарор.

Севги, дарё бўлсанг – қаршингда булоқ
Жаҳон шоирлари тасвирин жами.
Буюк гулшан бўлсанг – қаршингда бир бог
Ошиқлик ашъорин жами кўклами.

Сен улкан китобсан, мўъжиза тўла,
Ҳали ўқилмаган мингдан бир бобинг.
Сен ёрқин офтобсан, сен сочган шуъла
Оламча нурунгда кичик бир тобинг.


Висол дами – сенга ўлчовмас фақат,
Ҳижрон гами – сендан кичик имтиҳон.
Инсон хаёлидай сен буюк, беҳад,
Инсон аъмолидай устуни жаҳон.

Ойдин кечаларнинг сирли сукути,
Бўсаларга сингган ҳаёт шираси,
Фарҳод, Ширин дилин ҳеч сўнмас ўти,
Фузулий ғазали, Пушкин лираси –

Инсоний севгига қўйилган ҳайкал,
Севги байроғини юксалтган қоя.
Дўстлар, ишқ уйига бермоққа сайқал
Ҳали ранглар керак кўп, бениҳоя.

Севгилингнинг қизгин бир табассуми,
Баҳордай нафаси, ишқи ва иши
Қалбда уйғотаркан баҳор мавсумин,
Куйламай қолгайми дили бор киши.

Муҳаббатсиз ҳаёт бемаъно, бўшдир,
Муҳаббатсиз, дўстлар, бахтдан йироқсиз.
Муҳаббатсиз юрак – бир парча гўштдир,
Муҳаббатсиз юрак – уйдир чироқсиз.



ИШҚНИ СЕНДАН ЎРГАНМОҚ КЕРАК

Сенда бордир вафоли юрак,
Гоҳ олтин ул, гоҳида ипак,
Гоҳ сокин ул, гоҳо гулдирак.
Ишқда сендай ўртанмоқ керак,
Ишқни сендан ўрганмоқ керак.

Ох урмасдан жим-жим ёнурсан,
Орзу ичра сим-сим ёнурсан,
Ҳароратда лим-лим ёнурсан,
Сендай ёниб тўлғанмоқ керак,
Ишқни сендан ўрганмоқ керак.

Сўзларингда бор сирли нидо,
Ёрга этгунг жонингни фидо,
Қалбинг ичра олий муддао –
Ишқ нурига чўлғанмоқ керак,
Ишқни сендан ўрганмоқ керак.

Дилда бўлса улкан муҳаббат,
Синовлардан ўтгайсан албат,
Муҳаббат бу оташдир абад,
Ўт тафтида чўлғанмоқ керак,
Ишқни сендан ўрганмоқ керак.

Эй, гўзал ёр, эй, сирли олам,
Оламларни жам этган санам,
Кўксим узра кўйгил деб қадам,
Илтижога бурканмоқ керак,
Ишқни сендан ўрганмоқ керак.



ОЙНА

(Афсона)

Кўп қадимдан бу ривоят,
Антиқа хаёл экан.
Бўлган экан бир вилоят,
Подшоси аёл экан.

Вазир – аёл, қози – аёл,
Хазинабон, саркарда...
Аёлларга дунё аён,
Улар тахту эгарда.

Доруғоси, алломаси,
Раҳнамоси – хотинлар.
Хотинлардан валломати,
Хотинларда олтинлар.

Айтганлари зумда бажо,
Деганлари деганда,
Тулпорлари кўзлар Зухро,
Кемалари елканда.

Аёлларда адлу доду,
Ҳукму ижро ва қарам.
Бу ердаги эркак зоти
Аёлга экан қарам.

Фармон бериб, қоқиб довул,
Чимирсалар қошини,
Нигоҳлари одам тугул,
Тешаркан тоғ тошини.

Қайси юртга қўшин сурмоқ,
Кимдан олмоқ бож-хирож,
Қай соҳада жавлон урмоқ,
Элда нечук эҳтиёж –

Барчасини машваратда
Этишаркан улар ҳал.
Шул сабабли мамлакатда
Ишлар гўё мукамал.

Хамир қориш, ўтин ёриш,
Сигир соғиш, ювмоқ кир –
Рўзгордаги неки бор иш
Эрларга бўлмиш тақдир.

Таппи ёпар, тандир ёқар,
Сув келтирар қудуқдан,
Кечалари бола боқар,
Воқиф ҳўлу қуруқдан.

Қовоғидан ёғдириб қор,
Хотинлар этса зуғум,
Термулишар эрлар ночор,
Истаб шафқат, тараҳҳум.

Шу зайлда ўтмиш ойлар,
Ўтмиш неча-неча йил.
Зебохонлар, Олтинойлар
Даврон сурмиш мустақил.

Жангу жадал, савдо-сотик
Олмиш улар оромин.
Вазифага бўлиб содиқ,
Ўтказар субҳу шомин.

Бир кун тегиб жонларга
Акобирлик, аъёнлик,
Уйғонибди қонларида
Оналик ва аёллик.

Шоҳларига этиб таъзим,
Дебдилар дил режасин:
– Тузайлик бир улуғ базм,
Токим юртни безасин.

Упа-элик, пардоз-андоз
Биздан тамом бегона.
Аслимизга қайтайлик боз,
Биз ҳам ёрмиз, ҳам она...

Ушбу таклиф тушиб маъкул,
Бир лаҳза жим қолдилар.
Аёлга зеб ҳусну ақл,
Деб хаёлга толдилар.

Алалхусус, ойна олиб,
Бокдилар-ку ногаҳон,
Бирдан қаттиқ уввос солиб,
Фарёд урди минг жувон.

Нимадир ул кўзгудаги,
Чехрамидир, кўзму қош?
Во ажабо! Кўзлардаги
Меҳрамидир ёки тош?

Ёноқлари бўртиб чиққан,
Ўйнар чайир мушаклар.
Кўзу чехра ҳўб униққан,
Унут парқу тўшаклар.

Елкалари супадай нақ,
Пайлар заранг ва метин.
Зарофат йўқ зарра, мутлақ,
Шиддат қопламиш бетин.

Қайда ўшал гунча лаблар,
Ўтли нигоҳ, шўҳ ибо?
Қайда сеҳру шўҳ талаблар,
Садаф тиш, қадди зебо?

Қаён кетмиш латиф, дилсўз
Нафосату рўшнолик?
Ўсмали қош, сурмали кўз,
Кўзгу билан ошнолик?

Билишмаслар алла нима,
Недир бешик тебратмоқ.
Қўшиқ нима, ялла нима,
Севги, бўса, ноз-фирок.

Қарар эди ойнадан, оҳ,
Бир тус шаддод ботирлар.
Сафарларда қотган сипоҳ,
Темир тан, тош болдирлар.

Бераҳмсан, сохта кўзгу,
Неки кўрсатдинг хато.
Сўқир дунё, не қисмат бу,
Не «бахт»ни этдинг ато?!

Табиатнинг қонунига
Ё бордикми бизлар зид?
Қайдан кирмиш қонимизга
Қаҳр тўла заҳар дид?

Улар бирдан ойналарин
Чил-чил тошга урдилар.
Бувиларин, оналарин
Эслаб, кескин турдилар.


Дедиларки, бу ташвишни
Биз яхшига йўйлик.
Эркакларга доир ишни
Ўзларига қўйлик.

Қаранг, элдан кетмиш буткул
Файзу кўрку латофат.
Гул ўрнида тупроқ ва кул,
Рўзғорга етмиш офат.

Соғинибмиз уйни, бахтни,
Фарзанду ёр меҳрини.
Керак эмас тожу тахти,
Беринг ҳаёт сеҳрини.

Ўз-ўзича ўсган бола –
Авлод бўлгайдир қандоқ?
Бу аччиқ дард, чексиз нола
Барчага бўлсин сабоқ!

Ушбу олий, одил фикр
Бир қарорда бўлди жам.
Афсонани этиб зикр,
Ўйланиб қолдим мен ҳам.



ТУШ КЎРСАМ...

Кўз кетиб,
Уйни туш кўрибман, қаранг,
Кўчамиздан айқин дарё ўтармиш.
Билолмайман Сирми, Днепрми, Ганг,
Тўлқинлар қуёшда ёниб ранго-ранг,
Кўп қайиқ, кемани сиртда кўтармиш.

Вой-бў, хўп қизиқ-да табиат иши,
Энди ишга борсак, тайёрмиш қайиқ.
Қўшнимнинг ўғли-ку... анави киши,
Болаю... шопмўйлов. Тутармиш балиқ.

Соҳил бўйлаб унмиш минг толу терак,
Тоғларга чопишга энди ҳожат кам.
Чанғи сотиб олмоқ албатта керак,
Музда сирғанамиз энди қишда ҳам.

Кимдир анов аёл? Белидан сувда,
Шўнғиб-шўнғиб ўйнар худди она гоз.
Мастон опамиз-ку, яйрар шов-шувда,
Шўхликдан эт ташлаб, бўлибди танноз.

Сув париси эмиш Нур келинойи,
Оқ тўшин ювармиш дарё кумуши.
Нима бўлди дейман овқати, чойи,
Кутиб қолмадими уйда юмуши?

Сузар Нор йўталиб, кайф билан Ортиқ,
Маҳмуд дарё расмин чизар қирғоқда.
Нарироқ денгизмиш: Қорами, Болтиқ,
Гаграми, Ялтами эмиш бир ёқда.

Анов қаллоб қўшним, уйи олдида
Сувга термулганча кўраяпти фол.
Асфальт йўқ, кўп қийин кунга қолди-да,
Энди келтиролмас ўғирланчи мол.

Сут ташир машинда Турдивой фасон,
Давлат дўконидан ўмариб жим-жим.
Энди ўша сутга сув солиш осон,
Эшиқдан оққан сув қадрин билмас ким?


Маҳаллани айтиб тўйнинг ошига,
Солда, эшкак эшиб ўтар Тўхтамиш.
Эгам билан Ғози тўғон бошида,
Аччиқ чой ҳўплашиб, тўқишар миш-миш.

Бошида бир сават қайноқ, лўппи нон –
Ўтар Қора новвой мотор қайиқда.
Эғнида оқ кўйлак, оппоқ бўз иштон –
Илёс сувга урар ўзин ҳайиқмай.

Бир қўшним уйининг ахлатин йиғиб,
Оқизмоқ бўлганда зилол тўлқинга,
Бақириб юбордим аччиғим чиқиб:
«Балчиқ сачрасин, – деб, – совуқ турқингга!»

Дарёни булғама, дейман, касофат,
Наҳот, ўз ризқингга ўзинг тупурсанг!
Наҳот, ўз умрингга ўзингсан офат,
Наҳот, ўз уйингни ўзинг ўпирсанг?!

Хаёлга берилиб, қумлоқ соҳилда,
Бир лаҳза кўз юмиб, роса қотибман...
Уйғонсам... тўлқинлар ювиб тиззамдан,
Денгиз шовқинини тинглаб ётибман.




ЧИНОР

Ёшлиқда, навбахор хушбўйдан маст,
Салқин адирларда кезардим бир пайт,
Қаршимда бир чинор қалқди забардаст,
Чинорким, ҳар барги мисли олтин байт.

Адабиёт эди у чинор номи,
Бағрида минг зотлар улғайган маъво.
Қондаги жўшқинлик – унинг илҳоми,
Бир гўзал навоким, минг дардга даво.

Ундан баҳра олиб, мен ҳам бир неча
Гулдасталар туздим оддий ва камтар.
Унинг меҳри билан кундузу кеча
Яратдим шеър тўла неча бир дафтар.

Яшайман бир орзу – ишқ илинжида,
Шу чинор этмаса асло мени тарк.
Ҳамиша барҳаёт кўрки ичинда
Қола билсам эди бўлиб оддий барг.



СИЗГА ХАДЯМ ДЕЯ, ЯХШИ ХАВАСДА, АРУЗ ГУЛШАНИДАН ТУЗДИМ ГУЛДАСТА



НОЗЛАНАЖАҚДИР

Наврўз келибон, жумла жаҳон нозланажақдир,
Офтоб қизитиб, аста-секин ёзланажақдир.

Яшнар табиат, дашту адир лола ичинда,
Юртим-чаманим ўзгача пардозланажақдир.


Ирмоқ куладир, елга ўпич берса бинафша,
Гул-майса қуёш тафтида таннозланажақдир.

Бир лаҳза эшит қумрию булбулни навосин,
Шўх-шўх таралиб, яллаю шаҳнозланажақдир.

Қайнар сумалак, варрак учар, тўю томоша,
Диллар қувониб, куй била парвозланажақдир.

Жавлон урадир давра тузиб неча йигитлар,
Қизлар безаниб, ҳусн ила мумтозланажақдир.

Дунёда одам қадри баланд, севса Ватанни,
Юрт ичра яна хурмату эъозланажақдир.



МУҲАББАТ ЧОҒИ

Кўзларим лол айлаган гулнинг нафис япроғидур,
Чунки ул гул маскани соҳибжамол ёр боғидур.


Сўрмангиз мендан, нечун жисмингда мундоқ
изтироб,
Чунки бу ишқ отли бир дарднинг ширин
титроғидур.

Кўзларингдан ёш келур, дардингни айт деб
қистаманг,
Бу неча минглаб севишганлар дилин ирмоғидур.

Бир маҳобатли, улуғ уммон вужудда чайқалур,
Қалб бечора шунча қудратнинг ожиз кирғоғидур.

Бир кўриш нурли жамолин менга орзудир мудом,
Дилда бор орзуларим шул орзунинг тирноғидур.

Бўлди бас, энди севишмоқ қайда,
деб жеркманг мени,
«То тирикдурман менга ишқу муҳаббат чоғидур»¹.



¹ Алишер Навоидан.

ЎЗБЕГИМ ГЎЗАЛИ

Офарин ҳуснинггаю қадду камолингга шараф,
Офарин дер сенга дунё, етти иқлим, тўрт тараф.

Бунча дилбарлик билан оламини мафтун айладинг,
Сен қуёшсан, талпинур диллар гўёким ўт-алаф.


Фунчалар мулзам бўлур гар лаб очиб кулсанг ширин,
Тишларинг барқин кўриб, дарёга қочгайдир садаф.

Бир гўзал гулсан, парирўйсан, санамсан, сарвқад,
Йўлларингда гул поёндоз, сарвлар таъзимда саф.

Сен Самарқанду Бухоронинг мужассам ёғдуси,
Балки унган гулшанинг Фарғона, Урганч ё Насаф?

Сир Гулистонию Сурхон соҳили масканмидир,
Жиззаху Тошкент аро кўргач сени, жисмимда заъф.

Ҳар нечук, сен Ўзбекистон кўркидан шўх бир жило,
Ҳуснингга кўз тегмасин, бўлсин бало гумдону даф.



ТОНГ ОТУР


Тонг отур, шарқдан ажиб нурлар келур,
Нур билан осмон тўла ҳурлар келур.

Навбахорий шуъладан яйрар кўнгил,
Кўп майин оҳангу «қур-қур»лар келур.

Ям-яшил водийларим бахмал кийиб,
Майса, гул бўйнини безаб дурлар келур.

Гоҳ-гоҳ шаддодланиб, шарросланиб,
Қут-барокат кони – ёмғурлар келур.

Навбахор айёми ишрат чоғи деб,
Соғиниб дўстларни Бобурлар келур.



АЙЛАНУР

Токи ўз меҳворидан бул чархи гардун айланур,
Вақту соат ўзгариб, кундуз билан тун айланур.

Ўзгарур меҳру муҳаббат, ўзгарур дарду алам,
Ўзгарур тахту итоб, ошкору макнун айланур.

Неки тингай бу жаҳонда, унга ўлмақдир насиб,
Чарх уриб лош устина, шул лаҳза кузғун айланур.

Эй тириклик, минг ташаккур севги иқболинг учун,
Севги борким, товланиб минг тусли очун айланур.


Гоҳ висолу гоҳ фироқнинг ўртасинда ўртаниб,
Қалбим ичра ишқ деган тугёнли мазмун айланур.

Сухбатингда бир нафас бўлмоқ буюк орзум эрур,
Бул жасорат қошида минг битта Мажнун айланур.

Икки сочингим, уриб тўлқин, оқар елканг уза,
Бирда Сайхун мавж отиб, ул бирда Жайхун айланур.

Кўзларингда бул жаҳоннинг кўрки яққолдир аён,
Шул сабаб дунё ўзи бошингда мафтун айланур.

Сен омон бўл, сен абад бўл бул жаҳон гулзорида,
Боқишингдан боғ ўзи минг рангда гулгун айланур.



ЁНМА-ЁН

**Бул ҳаёт бағринда шодлик бирла қайғу ёнма-ён,
Худди юргандек азал зулмат ва ёғду ёнма-ён.**

**Мен олис умрим йўлин кўздан кечирдим неча бор –
Ким, ўшал сўқмоқда армон бирла орзу ёнма-ён.**

**Қайда мардлик бор, анга қўрқинч ҳамиша ҳамқадам,
Чун тўқай ичра кезар шер бирла оху ёнма-ён.**


**Меҳру қаҳринг сўзларингдан англай олмасман, гўзал,
Чунки бозор ичра шаккар бирла оғу ёнма-ён.**

**Кўп ўқиб ҳасратли ошиқлар китобин, билганим,
Неча минг йилким келур кўз ёш ва кулгу ёнма-ён.**

**Икки қудрат бир қўшилса, очилур асрори ғайб,
Бил, вужудинг ичра доим ақлу туйғу ёнма-ён.**

**Мен хаёл кўзгусида ҳар лаҳза кўргумдир сени,
Ўтру келгандек гўё офтоб ва кўзгу ёнма-ён.**

**Мен Ниёз аҳли, дилимда сенга етмоқ орзуси,
Ҳайрат этмас эл, агар тош бирла инжу ёнма-ён.**



ЭХТИМОЛ

Бир майин шаббода эсди. Сиз томондан, эҳтимол,
Бир хабар олмоқчидирсиз биз ёмондан, эҳтимол.

Қалбимизда жилваланди ногаҳонда шуълалар,
Боқдингиз ё биз томон юксак довондан, эҳтимол.


Мавж уриб қонларда орзулар, табассум бизга ёр,
Кўнглимиз дунёси кенг тортди жаҳондан, эҳтимол.

Оҳ десам, оҳим қорайтирган эди юлдузни ҳам,
Бунча тез учмас эди ўқ ҳам камондан, эҳтимол.

Хайрият, етмиш қулоғингизга дарду ҳасратим,
Бу – юракдан талпиниб, этган фиғондан, эҳтимол.

Яхшилик дунёси кенгдир, эзгуликнинг сўнги йўқ,
Бунча шафқат барчаси сиз меҳрибондан, эҳтимол.

Дилда бор ишқимни ушбу шеър аро жо айладим,
Бўлгай ул бир сатр деб, улкан девондан, эҳтимол.



ДАРС БЎЛҒУСИ

Бир совуқ сўздан кўнгил кўзгусида дарз бўлғуси,
Бул – ўзин билган кишига бир умр дарс бўлғуси.


Мисра ҳам жуфт бўлса, шеър ичра топар ўз қадрини,
Икки кафт бир-бирга теккан чоғида қарс бўлғуси.

Балки номақбул сўзимдан кўнглингиз ичра гумон,
Ошиқ аҳлини кечирмоқ ҳам, ахир, фарз бўлғуси.

Яхши сўз, бир илтифотингиз кутиб, умрим кечар,
Биз томондан бир умр сизга шу хил арз бўлғуси.

Севги – минг қирра жавоҳир, билмагай андозани,
Ҳар кўнгилда ишқ деган минг шаклу минг тарз бўлғуси.

Бор умидим, бир боқиб, бағримда ёққайсиз куёш,
То жаҳон борича сиздан бу кўнгил қарз бўлғуси.



ПАРИВАШ БЎЛҒУСИ

Парвариш этсанг Аёлни, ул париваш бўлғуси,
Лаҳза ранжитсанг агар, кўнглинг абад гаш бўлғуси.

Меҳрию қаҳри Аёлнинг мўъжизот зоҳир этур,
Забтидан чўғ сув бўлиб, муз қатра оташ бўлғуси.


Бу жаҳон ичра Аёлдин ҳам гўзалроқ борму зот,
Кимки шак келтирса лаҳза, ўз-ўзин алдаш бўлур.

Минг ҳадислар мағзида мавжуд Аёлнинг сийрати,
Суврати юз минг ғазалларда мунаққаш бўлғуси.

Ким гўзал ёр суҳбатидин баҳра олгай, топгани
Ёшлигу завқу баҳор бағринда яйраш бўлғуси.

Бунча ҳусну бунча ақлу бунча зийнат, бунча ноз,
Бил, аёл мулкиндадир, бир унда яккаш бўлғуси.

Кўп ғазалларда, Ниёз, этдинг гўзаллар таърифин,
Барчасин йиғсанг, юракдан ёрни алқаш бўлғуси.



МАНГУЛИК ИЗЗАТ МЕНГА

Хизматингда лаҳза бўлмоқ мангулик иззат менга,
Иззатинг осмонча тутмоқ энг баланд хизмат менга.

Меҳр ила этдинг табассум, бул менга олий нишон,
Қаҳр ила нозинг магар ҳам фаҳру ҳам лаззат менга.


Бир қиё боқмас эсанг, сўнгсиз бўлур дардим менинг,
Бир қиё боқсанг – кетиб дардим, келур сиҳҳат менга.

Бир буюк байрам эрур ҳар кун кўчангдан ўтмоғим,
Ундаги ҳар зарра тош дурдонадан қиммат менга.

Таъналар бирлан ёзибсан минг хатимга бир жавоб,
Во ажаб, билсанг, нечоғлиқ рутбаю ҳиммат менга.

Эл агар ошиқлигимдан кулса ор айлай нечун,
Ушбу иқрор, билсалар, тенгсиз, улуғ ҳурмат менга.

Илтифотинг соғиниб, назру ниёз айлар Ниёз,
Сенга, эй доно санам, шайдолигим – зийнат менга.



РАНГЛАР РАҚСИ

Гар яшил кийсанг, гўзал, олам яшилга чулғанур,
Қирмизи кўйлақда чиқсанг, лолазорлар чўлғанур.

Бунча мовийлик само кўксин сафобахш айламиш,
Сен демак, мовий либосда – осмон ҳам суқланур.


Пушти ранг шоҳи либосда гар келурсан товланиб,
Олмазор оламини қоплаб, нур билан ёллуғланур.

Тутди ногоҳ коинотни турфа ранг оқ шуълалар,
Оқ ҳариру ҳулла кийдингму, жоним, момуғланур?

Заъфароний кўйлагинг сафсар гулин япроғидир,
Боғ аро кирсанг, бу гулшан юксалур, доврўлғанур.

Етти рангким, етти хил, аммо ярашгай эгнинга,
Қай бирин кийсанг, ўшал ранг яшнагай, қутлуғланур.

Ҳар либосда сен гўзаллик оламин султонисан,
Мен каби бир ошигинг минглар ичинда йўқланур.



ИНТИЛУРМАН СЕН ТОМОН

Қай томон бормоқчи бўлмай, сен томон юргим келур,
Кўрганимга лаҳза бўлди, тез яна кўргим келур.

Сўзларинг жондан эшитдим, лутфу эҳсондир менга,
Кўзларингга термулиб, ёнингда ўлтургим келур.


Нозларинг-ку неча ўлдурди жонимдан ўтказиб,
Во ажаб, жонимни ул ўтларга боз ургим келур.

Сен буюрсанг, жон фидо айлаб юурсам сен томон,
Айтганинг айлаб бажо, ҳар ишда улгургим келур.

Бир муриддин илтижою шайхдин бир марҳамат,
Толибу содиқлигимга ёрни кўндиргим келур.

Сен ҳаётимнинг, ҳаёлимнинг ажиб гулдастаси,
Бул насиб давлатни дойим бошга кўндиргим келур.

Икки дилда бир улуғ қудрат-муҳаббат муштарак,
Неъматни олий билан давру сафо сургим келур.



ЁР ЎТГАНДА


Табассум бирла ўтдингиз, бу олам нурланиб кетди,
Табиатнинг ўзи ҳам яшнади, мағрурланиб кетди.

Бу не ижодки, Аллоҳ ҳадя этмишдир жаҳон ичра,
Бу хусну бу малоҳатдан замин минг турланиб кетди.

Томоша айлади боғлар, қуёш ҳам қалқди осмонда,
Жўшиб ирмоғу сойлар ҳам, шамол хур-хурланиб кетди.

Гўё жон кирди япроққа, наводан маст бўлиб қушлар,
Кириб тилга атир гулларки, тошлар дурланиб кетди.

Баён этмоққа ожизмен илоҳий бул гўзалликни,
Номин айтмоқ билан кўнгил уйи маъмурланиб кетди.



АГАР БОҒ ИЧРА КИРСАНГ

Агар боғ ичра кирсанг, бошланур гулларда яйрашлар,
Яна рангларда мавж урмоқ, яна қушларда сайрашлар.

Қаду қалбинг тамошосин соғинмиш, йўкса қайдандир –
Ниҳолда нозланишлар, чашмаларда сирли қайнашлар.

Сочинг сийпаб эсар шаббодалар шўху таманнолик,
Бу хушбўйни кутар дунё – Хито, Хинду Марокашлар.

Аё, эй офтоб, оламга олтин шуълалар сочгил,
Нигорим йўлида бўлсин нисоринг эрка оташлар.

Гоҳо сувларга роз айтиб, гоҳо гулларга юз бурсанг,
Бу боғ ичра тушар ҳар лаҳза-лаҳза неча кенгашлар.


Товуслар пар ёзар ҳайрон, нигоҳни эркалар жайрон,
Ахир, боғни этиб сайрон, гўзал ёрим қадам ташлар.

Гўзаллик не эрур, гар кўрмоқ истарсииз, келинг бунда,
Жаҳонда ном қозонган нозанин танҳо паривашлар.

Нечун ўйчан бўлиб қолдинг, дилором, боисин айтгил,
Нечук нохуш хаёлотким, дилингни бул замон гашлар?

Бу таъриф кўҳна деб ёхуд менга дашном этурсанми,
Ки бундан ортигин ҳаргиз тополмас ишқда саркашлар.

Тиларман, ташрифингни канда этма ҳар наҳор, жоним,
Агар боғ ичра кирсанг, бошланур кўнглимда яйрашлар.



КЕЛТИРИНГ

Сайри тоғ айларда сиз тоғлар жамолин келтиринг,
Шарқираб оққан булоқларнинг шамолин келтиринг.

Келтиринг зумрад адирларнинг ҳаётбахш атрини,
Турфа гуллар рангидан қирмиз ва олин келтиринг.


Бастингизда гуркираб турсин буюклик тоққа хос,
Кўкни ўпган нуқра чўққилар хаёлин келтиринг.

Чашмалардан битта томчи, нағмалардан бир шингил,
Тож қилиб тоғлар самосидан ҳилолин келтиринг.

Интилиб мовий уфққа, қояларда сайр этиб,
Сайратиб кўнгил дуторин, бахт мақолин келтиринг.

Илтимос айланг асал йиққан қанотлик дўстан,
Ул шифоли гул-гиёҳнинг қатра болин келтиринг.

Унда офтобнинг жилосинда ёнур тиллою лаъл,
Янги-янги кон очишнинг эҳтимолин келтиринг.



СЕНИНГ

Ярқирар минг бир баҳор кўрки камолингда сенинг,
Офтобнинг акси бор ўтлиғ жамолингда сенинг.

Нега мен минг бир дейин, бир навбаҳорсан мангулик,
Ёшлигинг балқиб турар завқу саволингда сенинг.

Битта йўлдан бир умр сен бирла бормоқ истарам,
Яхшилиқ, нур бор, гўзал, фикру хаёлингда сенинг.


Ёшлигимда ногаҳон кўксимга бир чўғ ташладинг,
Ҳам ўшандан то абад қолдим қамолингда сенинг.

Мен учун сен шўх шалола, эрка дилбар мен учун,
Минг баҳорнинг атри мавжуд зулф
шамолингда сенинг.

Не санамлар суҳбати жон бахшинг айлар орзу,
Не гўзаллар май ичар синган саполингда сенинг.

Битта кулгингдан жаҳон гулзорига тўлғай садо,
Чашмалар ўйноғи бор ширин мақолингда сенинг.

Сен омон бўл, сен жаҳон бўл, то ҳаёт завқин кўрай,
Қадди ниҳолингда сенинг, оби зилолингда сенинг.



ЖОНИМДАДИР

Бул кеча бир мохтоб жонимдадир,
Осмонман, офтоб жонимдадир.

Ақлу одоб, ҳусни зебо бир жаҳон,
Сўзларидан инқилоб жонимдадир.

Ҳеч жаҳоннинг ганжига йўқ эҳтиёж,
Парпираб бир дурри ноб жонимдадир.

Қонларимда минг баҳор тўлқин урар,
Ифтихордан печу тоб жонимдадир.


Эй, муҳаббат, қандайин қудратсан, айт,
Ҳар нафас минг изтироб жонимдадир.

Қийнама, эй гул, менга қалбингни оч,
Ҳар саволингга жавоб жонимдадир.

Бунчалик мафтунлигим айб айламанг,
Ҳам гуноҳу ҳам савоб жонимдадир.

Кўзларин ҳар боқиши сирли итоб,
Бул итоблардан китоб жонимдадир.

Бунча бахтимни сароб этма, ҳаёт,
Сенга дилдан шул хитоб жонимдадир.



КЕЗСАНГ ЧАМАНДА


Кезсанг чаманда, сочинг ел бирла ўйнашурлар,
Елкаю кўксинг тутиб, бел бирла ўйнашурлар.

Қалбу нигоҳим оқур ўшал қаро мавж аро,
Бебош гўдақлардурким, сел бирла ўйнашурлар.

Раҳм айла, кўз қароғим ул толаларга шайдо,
Улар-чи, ақлим олиб, феъл бирла ўйнашурлар.

Ул толаларки, минг-минг, ҳар тори битта дордир,
Кўнглу кўзим бир бутун эл бирла ўйнашурлар.

Таслимдир кўнглу кўзлар, ҳар буйруғингга тайёр,
Улар меҳрга муҳтож, кел, бирла ўйнашурлар.



МАРҒИЛОН БОЗОРИ

Марғилон бозори. Бир зўр дўппига мойил эдим,
Дўппичи қизнинг валекин ҳуснига қойил эдим.

Отабек кўнглин ёритган нозанин шулдурму, ё
Ногаҳон бир мўъжизот дунёсига дохил эдим.

Юз Кумуш рухсори акс этмишдир ул ой кўркида,
То ҳануз бунча назокатдан нечун гофил эдим?

Кўз бу янглиғ, қош бу ҳолат, сўз бу тахлит,
Юз бу тарз,
Дўппи истаб, бир жаҳон гулзорга, оҳ, восил эдим.


Худди тоғлар кўксидан келгувчи сойдек шўху шан,
Мен ҳамон ҳайратда лол қотган ўшал соҳил эдим.

Айта олдим, қай чамандан дўппингиз гул нусхаси?
Кулди қиз нодонлигимга. Лол эдим, жоҳил эдим.

Не учун бийрон бу тил бирдан йўқотди сайрашин,
Эл билур, нозик бу ишда моҳиру комил эдим.

О, гўзал халқ, санъатингу сайқалингдир бул санам,
Нурли чехранг қошида тиз чўккудек қобил эдим.

Дўппию атлас билан оламга машҳур Марғилон,
Қизларинг дунёда тенгсиздир, десам, одил эдим.



ТОМОШО ҚИЛАР ЭРМИШ

Хуснингни қуёш кунда томошо қилар эрмиш,
Юлдуз била ой тунда томошо қилар эрмиш.


Буткул бу жаҳон, еру само, қатраю заррот,
Не борки бу очунда томошо қилар эрмиш.

Жайхун келадир мавж отиб, ўпгали пойинг,
Тўлқин сени Сайхунда томошо қилар эрмиш.

Тоғлар қалашиб, кўрку жамолингни кўрай деб,
Ҳайрат била афсунда томошо қилар эрмиш.

Бу хусну жамол, кўрку камол фаҳри жаҳондир,
Олам юзи гулгунда томошо қилар эрмиш.

Кўнглида Ниёз ишқи илоҳий била мавжуд,
Кўз комилу мавзунда томошо қилар эрмиш.



НАСИБ ЭТСИН СЕНГА

Дўстгинам, бахту баҳор мангу насиб этсин сенга,
Кўнглинг ичра неки бор орзу насиб этсин сенга.


Севги баҳри ичра дил дурдонасин истар кўнгил,
Излаган кўнглингдаги инжу насиб этсин сенга.

Неча тунким, кўзларингга ёндошолмас уйқу ҳеч,
Неча тунда бир келар уйқу насиб этсин сенга.

Бир буюк сўз истабон тонгларни кутган чоғларинг,
Ишқ деган мастонавор туйғу насиб этсин сенга.

Сен нигоринг кўзларидан кўзларингга шуъла ол,
Зулфидан инган ажиб хушбў насиб этсин сенга.

Неча дўстлар биз тилаймиз ишқинга бахту камол,
Ушбу дўстлар қалбидан ушбу насиб этсин сенга.



СЕВИБ ҚОЛДИМ ЧОҒИ

Кўзларимга ўзгача дунё, севиб қолдим чоғи,
Лолазордир қишда ҳам сахро, севиб қолдим чоғи.

Кичкина япроқда ҳам бўстон кўрарман, во ажаб,
Томчида қалқиб оқар дарё, севиб қолдим чоғи.

Битта сўзда бир бутун дoston мужассам айланур,
Битта оҳда бир жаҳон савдо, севиб қолдим чоғи.

Қўл узатсам, неча минг юлдуз қўнарлар кафтима,
Йўлга чиқсам, мақсудим пайдо, севиб қолдим чоғи.

Сир ўғирлай деб йўлим тўсгай мудом шаббодалар,
Мен ўтарман зарра бепарво, севиб қолдим чоғи.

Заррадан офтобгача айлар муборақбод мени,
Ҳам ҳавас этгай неча шайдо, севиб қолдим чоғи.

Энди олам элига ошиқлигим нурдек аён,
Бир ўзингсан беҳабар, барно, севиб қолдим чоғи.



* * *

Ишқ-муҳаббатдан буюк дунёда туйғу бўлмагай,
Ишқ асир этган қаро кўзларда уйқу бўлмагай.


Айни ёшлик пайти бўлдим бир гўзалнинг воласи,
То ҳануз кўнглим ўшал туйғудан айру бўлмагай.

Ўйламанг, бошдан охир ишқ бир улуг байрам дебон,
Забтига олса бу янглиғ дарду қайғу бўлмагай.

Ишқсиз кўнгли биёбон – гул-гиёҳсиз, зим-зиё,
Унда боғу чашмаю булбул ва оғу бўлмагай.

Ошиқ аҳлин имтиҳон айлайди ҳижрон даҳшати,
Бунча зарбу изтиробу бунча оғу бўлмагай.

Бу жаҳонда борлигинга ишқи олийдир сабаб,
Бундан ортиқ, эй Ниёз, шавқ бирла орзу бўлмагай.



ЭШИТДИМ

Эшитдим, майл этибдир сайр қилмоқ ёр боғимда,
Бу гапдан бўлди бош осмондаю оғзим қулоғимда.

Ўзимни қўйгали жой топмайин, ҳар ён югурмишман,
Неча орзую истак жўш уриб кўнглу қароғимда.

Оро бердимки гулларга, улар қалбимни акс этсин,
Тарошлаб майсаларни, кўрк бериб киприк тароғимда.

Тоқим ёр кўрсалар яйраб, табассум этсалар, шу бас,
Неча минг ифтихорлар ёзилур кўнгил вароғимда.

Зилол сувларга ёлбордим, дилимни ёрга айтсинлар,
Санам шоядки раҳм айлаб, сўз очса иштиёқимда.

Деса: «Бечора ошиқни билурман, неча йилларким,
Хазон япроғи янглиғ сарғариб юргай фироқимда».

Яна қушларга таъйин-таъйин этдим илтижо айлаб,
Менинг меҳримни изҳор айласин ҳайратда чоғимда.

Тағин елларга кўксим кенг очиб, кўп арзи ҳол этдим,
Хабардор айлангиз ёрни, дедим, аччиқ сабоғимда.

Кутиш бахтики менга шунча шодлик армуғон этди,
Ярақлаб келса – жаннат барқ урар албатта боғимда.



ЛОЛАХОН ДЕГАН ҚИЗЛАРГА АТАГАНИМ

Лолазорга Лолахон чиқмиш бугун,
Йўлига пешвоз жаҳон чиқмиш бугун.

Лолахоннинг пойига бош ургали
Турфа гуллар шодмон чиқмиш бугун.

Настаринлар илгида шабнам қадах,
Этгали минг садқа жон чиқмиш бугун.

Лолазор ўртанди кўргач Лолани,
Бағридан алвон фиғон чиқмиш бугун.

Ер – қизил, зангору сафсар ичра ғарқ,
Соғиниб сою довон чиқмиш бугун.

Коинот гулгун шафақдан жилвасоз,
Офтоб ҳам нурфишон чиқмиш бугун.


Рангу оҳангнинг улуғ бозори бу,
Раста-раста ҳар томон чиқмиш бугун.

Яйрасин деб кўзлари ул ёрнинг,
Минг жилолик бўстон чиқмиш бугун.

Ё баҳор ёймиш фаровон атрини,
Ё гўзал зулф ўйнабон чиқмиш бугун.

Она Ер эъзоз этиб фарзандини,
Кўксида минг фахру шон чиқмиш бугун.

О, висол, кўксимга қуй ишқ нашъасин,
Чин кўнгилдан шеър равон чиқмиш бугун.



БАХТИМ МЕНИНГ

Сизни кўрган ҳар соат – бахтим менинг,
Уйингиз остонаси тахтим менинг.

Бир табассум этсангиз байрам бўлур,
Икки дунё жаннати нақдим менинг.

Таъналар бирлан деган ҳар сўзингиз –
Қанд-асал, болу шакар-шаҳдим менинг.

Ишқу содиқлик аро танҳо ўзим,
Садқангиз бўлмоқ улуғ аҳдим менинг.

Умр маъносини мендан сўрсангиз,
Умр бу – ёрга фидо вақтим менинг.

ДУНЁ БИЛАР


Менки ошиқман, буни дунё билар,
Ул санам, валлоҳки, билмас ё билар.

Билса-ку йўллар эди бир хушxabар,
Қайда тошнинг қадрини тилло билар?

Қайсу Фарҳодни тушунгай қайси мард,
Бир уни тоғлар билар, сахро билар.

Ташналик бағримни ёндирмиш ёмон,
Ташна чўлнинг зорини дарё билар.

Бир умид бирла яшармен доимо,
Бир куни ҳолимни бепарво билар.



УЛ ПАРИЗОДИМКИ

Ул паризодимки, ҳусн аҳлига устозлик қилур,
Ақлу одоб ичра ҳам танҳою мумтозлик қилур.


Қаҳридан ёзларда ҳам кўнглим аро минг қаҳратон,
Меҳридан энг қаҳратон қишлар менга ёзлик қилур.

Қайси Лайло сарвинозим қошида шўҳрат топур,
Қайси Ширин ҳусну ишқда мунча таннозлик қилур.

Ғунча лаблар шўҳ сухан бирла агар жон этса бахш,
Оҳу кўзлар қасди жон ўйнаб, тирандозлик қилур.

Мен дедим, айлай нисор ҳуснингга дунё мулкани,
Кулди айтди, эй фақир, бу неъматинг озлик қилур.

Ўйладим, олам аро ошиққа ҳолат шу азал,
Барча маъшуклар жафо илмида ҳамрозлик қилур.



ШУКРОНА

Икки ўттизман, яна ўттиз керак,
Ёргинам, ёнимда доим сиз керак.

Истарам, дунёни кезсам, сайр учун
Тоғ керак, ўрмон керак, денгиз керак.


Ишқ оқар томирларимда мавж уриб,
То ғазал ёзсам париваш қиз керак.

Ўйламанг саркаш экан деб, аҳли дил,
Менга ул жонона ёр ёлғиз керак.

Севгидир инсон камолин меҳвари,
Баргу мева, гул учун илдиз керак.


Қалбим ичра турфа ҳислар жилвагар,
Талқин этмоққа неча ҳофиз керак.

Минг ташаккур бу саодатлар учун,
Раббано, қошингда чўкмоқ тиз керак.



СЕН БАХТЛИМАН ДЕБ...

Қайдадир зор бир гўдак,
сен бахтлиман деб урма бонг,
Қайдадир хор бир юрак,
сен бахтлиман деб урма бонг.
Қайда бир тор кулбада
кимдир яшар чору ночор,
Кийганинг бахмал, ипак,
сен бахтлиман деб урма бонг.
Бир ғарибнинг хонасинда
ёнмади шам бул кеча,
Мавжи нур ичра ҳалак –
сен бахтлиман деб урма бонг.
То ҳануз инсон руҳи
таслим бировлар зулмига,
Эрк сенга бўлмас безак,
сен бахтлиман деб урма бонг.
Эй, курашлар ичра ёнган
навжувон, ёвқур насл,
Етса истиқлолга шак,
сен бахтлиман деб урма бонг.
Эрк – улуғвор боғ эрурким,
сайр этар эркин фикр,
Узмайин боғдан чечак,
сен бахтлиман деб урма бонг.
Омадинг келганлигин оламга
кўз-кўз этма кўп,
Ўз-ўзингдан жонсарақ,
сен бахтлиман деб урма бонг.
Омаду бахт – бу элингни
бахтиёр кўрмоқлигинг,
Топмайин бахтдан дарак,
сен бахтлиман деб урма бонг.



БҰЛАЖАКСАН

Дарёга зугум қилсанг агар, фарқ бўлажаксан,
Яхшию ёмон бўлса феълинг, фарқ бўлажаксан.


Алданма, унинг ҳам тили йўқ, ҳам дили йўқ деб,
Қатрани қадр айлаки, барҳақ бўлажаксан.

Юз йил яшагил ўзни дебон, захр тутунсан,
Бир лаҳза кўрин халқни дебон, барқ бўлажаксан.

Эй, ақл, сени мен демагум асло қуёшим,
Тафтсиз нечаким шуълада ярқ-ярқ бўлажаксан.

Фарб бирла Жануб, Шарқу Шимол – барча баробар,
Кўнглим, шу сифат шарҳинг эса, Шарқ бўлажаксан.

Сирлашмоқ ила олам уйи сенга мунаввар,
Бирлашмоқ ила халқ эдинг у халқ бўлажаксан.



САВОЛ ВА ЖАВОБ

Осмон дедики, бул кеча ёмғур ёғажакман,
Офтоб дедики, тонгла яна нур ёғажакман.

Дарёга савол айладим, эй, дилда боринг айт?
Ул дерки, элинг ризки учун дур ёғажакман.

Тоғларга дедим, қайси хаёл ичра чўмибсиз?
Дерлар, ёқуту олтину биллур ёғажакман.

Оллоҳ нафаси, айт-чи, шамол, қайга борурсан?
Айтурки, имон аҳлига ҳур-ҳур ёғажакман.

Шоирга дедим, дилда қувонч, кўзда наминг бор?
Дер: эрким этиб эл аро машҳур, ёғажакман.



УМРИМИЗ ЙЎЛДАН ИБОРАТ

Умримиз йўлдан иборат, сўнги йўқ юрган билан,
Кўзларинг тўймас бу дунё кўркини кўрган билан.

Яъни аждоддан келиб, авлодга ўтгайдир умр,
Битмагай умринг, магар беш кун давр сурган билан.


Бахт эрур олам уйига келганинг меҳмон бўлиб,
Бундан ортиқ бахт насиб бўлмайди оҳ урган билан.

Бир иморатдирки дунё, неча авлод ишласин,
Битказиб бўлмас биносин қанчалик қурган билан.

Йўлга чиқдингми, топурсан бахтни, йўлдир – имтиҳон,
Ким муродга етди, айт, бир ерда ўлтирган билан.

Юганинг – дарёлигинг, ўлтирганинг – бўрёлигинг,
Карвонсан, олға интил, неча ит ҳурган билан.

Боғ ярат, дон эк, ариқ оч, яхшилик қил, дўстгинам,
Бу ҳаёт саҳнида фарқ эт гулни сен Зурган билан.



ОНА ТИЛИМДА

Дунё иши шўх мавжланадир она тилимда,
Ҳар бир сўзи юз маъноли дурдона тилимда.


Изҳори кўнгил чоғи ипак товланадир ул,
Жанг лаҳзалари голибу мардона тилимда.

Дўстларни ширин даврасида ширу шакардир,
Ҳар жилваси бир гулхану гулхона тилимда.

Бор унда Навоий руҳи-ю, унда Бобур бор,
Ҳар шеваси бир қаср ила кошона тилимда.

Дунёдаги бор илму ҳунар унда жилобахш,
Сўнгсиз хазина, қомусу афсона тилимда.

Кенг бу жаҳон ичра турар ному нишонли,
Кўш дарё аро ўзбеғу туркона тилимда.



ЎЗБЕКИСТОН

Таъзим, Ўзбекистон, маъволарингга,
Қуёшу юлдузлик самоларингга.

Тоғларинг сарбаланд турсин доимо,
Барокат бахш этиб дарёларингга.


Муаттар, белоён чамансан олий,
Жаннат ҳавас қилур ҳаволарингга.

Сени шарбат макон яратди тангрим,
Яна олтин сочди саҳроларингга.

Тафаккур оламинг оламча кенгдир,
Жаҳон қулоқ осур доноларингга.

Гўзаллик маскани, дилбар диёрим,
Кўз тегмасин асло барноларингга.

Бу шеърим юракдан меҳрим садоси,
Бахтлиман жўр бўлса садоларингга.



СУҲБАТИ ЗЕБО КЕРАК

Суҳбатимга бул кеча бир суҳбати зебо керак,
Ҳам томошо қилмоғимга кўзлари шахло керак.

Боғ керақдир хилватий, кўм-кўк зилоллик бағрида,
Иккимиз изҳори дил этмоққа ёр танҳо керак.

Пирпираб киприклари, лаб очсалар ҳолим сўраб,
Менга дунё илмидан қандоқ яна маъно керак?

Десаларки: «Ҳажрим ичра қийналурсанми ҳамон?»
Мен десам: «Остонангиздан менга бир маъво керак».

Десаларки: «Ишқ аро тоқат эрур олий мақом»,
Мен десам: «Ҳар қандайин тоқатга истисно керак».


Десаларки: «Ишқ мавжидан ҳикоят айлагил»,
Мен десам: «Ул мавжни топмоққа буюк дарё керак».

Гоҳ табассум бирла кўнглимни этиб осмон қадар,
Гоҳ зулфин бўйидан маст этса ул барно керак.

Ул гапирса мен эшитсам, мен гапирсам тинглаб ул,
Дилдаги арзимни бир-бир этмоғим ижро керак.

Нуктадонким, сўзларинда қанча лутфу илтифот,
Мағзини ечмоқ учун минг оқилу доно керак.

Яхшиям дунёда орзу бор муҳаббат йўлида,
Йўқса дардинг олгали Лукмон керак, Сино керак.



ЗЕБОНИ КЎРИНГ

Саҳнада Зебони кўринг,
Шўҳи дилорони кўринг.

Жон офати бўлмаса-чи,
Нозу таманнони кўринг.

Ошиғини ўтга ёқар,
Раҳми йўқ ошнони кўринг.


Тохиру Фарҳоди қани,
Ширину Зухрони кўринг.

Чўлга ғулу солди ўзи,
Энди бу саҳрони кўринг.

Ўзи ширин, сўзи ширин
Қалбида дарёни кўринг.

Кўрдию бир – бўлди адо,
Кўҳна бу дунёни кўринг.

Тўй бўлади, тўй бўлади,
Базму томошони кўринг.



ЧОРТОҚ ИЧРАМЕН

Не ажаб, дўстлар, тагин мен нурли Чортоқ ичрамен,
Дема Чортоқ, мунтазам, минг кўркли чорбоғ ичрамен.

Тўймагай кўз неча сайрону саёҳат қилмагил,
Бул гўзалликдан мудом мен сирли чанқоқ ичрамен.


Шарқираб оққан булоклар не ҳикоятлар қилур,
Сирли оҳанг мазмунин ҳайрат-ла чақмоқ ичрамен.

Интиқиб келдим бу манзилни зиёратгоҳ билиб,
Гарчи кўп қийналмаган бўлсам-да чарчоқ ичрамен.

Бунда қушлар шўх садосидан вужудим мавжланур,
Саъваю тўти, зағизғон, зағча – чорлоқ ичрамен.

Гоҳ муаттар хуш ҳаводан масту мустағриқ эсам,
Роҳат этдим гоҳ адирлар узра чақмоқ ичрамен.

Ҳайрату илҳом деган, дунёда бор бўлсанг агар,
Кел дилимга ёприлиб, мўъжиза Чортоқ ичрамен.



ТОНГ ҚҰШИҒИ

Тонг чоғи шабнам ўйнар ғунча пиёласинда,
Ҳаёт шароби лим-лим тоғларнинг лоласинда.

Зар шуъла ичра яшнар атлас сафоли боғлар,
Меҳр олиб, шарбат олиб қуёш шалоласинда.


Яйра диёр жамолин завқига, ошиқ кўнгил,
Осмон ўзи чўмилмиш сойлар зилоласинда.

Етти ранг айлар жило қаёнга солма кўзни,
Етмиш даво мужассам юртим зуволасинда.

Иста ёқутму гавҳар, олтинму дурми иста,
Бергай бирингга ўрни ҳар зарра, толасинда.

Севгимни айлаб изҳор водию воҳа кездим,
Бахш этиб ўзни буткул ғазал ҳаволасинда.

Фахру ғурур бу шайдо кўнгилга боғлар қанот,
Жўш уриб юртга меҳрим ишқий рисоласинда.



СИЗНИКИ

Ёш дустларимга

Оқ кабутардек учинг, нурли фазолар сизники,
Тўш уринг оппоқ булутларга, самолар сизники.

Бу диёр – олтин замин, боғу чаманлар сиз учун,
Тоғу дарё, кону имкони маъволар сизники.


Ҳар бирингиз она юртнинг бахту истиқболисиз,
Байроғу Туғрою ҳам мағрур Ҳумолар сизники.

Ўй-хаёлингизда акс этсин ҳаёт маънолари,
Яхшиликдан баҳра олган эрк, сафолар сизники.

Сиз Ватаннинг эрка ўғли, дилнавоз, ҳур қизлари,
Боғ аро шўх-шўх таралган бул садолар сизники.

Улғайингиз марду соғлом, дилга юртни жо қилинг,
Чехрангиз ҳур-ҳур силаб эсган саболар сизники.

Сизга боғлиқ юртимиз ободлиги, озодлиги,
Таърифу таҳсину олқиш ҳам дуолар сизники.



* * *

Арвуғоний шуъла бирла ёнди тонгнинг гулхани,
Кун чиқар уфқин ёритди офтобнинг гулшани.

Шунчалар шаффоф ҳавоким, куй билан пайвастандир,
Тингланур олмос булоқнинг қўнғироқдек кулгани.

Шунча рангу бу жаранглар бир улуғ бахтдан нишон,
Офтоб машшотаси зар бирла чулғар ўлкани.


Ҳайрату соғинч аро соҳилда кўз тутдим сенга,
Ҳайрият, ярқ этди бирдан оқ кема оқ елкани.

Сен хаёлим мавжларида тик келардинг мен томон,
Худди шундоқдир табиатга баҳорнинг келгани.

Дардларим кўп, арзларим кўп, сенга изҳор айласам,
Етти ногоҳ сенга қалбим талпиниб, интилгани.

Ярқираб кетди тамомий ер ҳам, осмон ҳам,
Сезилур томирда қоннинг мавж уриб, шўх жилгани.

Бир висол кўксингдаким шунча нафосат уйғотур,
Эй, Ҳаёт, бўлгил мудом инсонга севги маскани!



БУ ДИЁР

Тариху тақдиримиздир жисм аро жон бу диёр,
Бизга толе ҳадя этган Ўзбекистон бу диёр.

Ҳар мунаққаш жилвасинда неча сирлар жобажо,
Не асрлар бағридан келгувчи карвон бу диёр.

Ўзлигин оламга исбот этди доим фахр ила,
Топди юртлар даврасинда эътибор, шон бу диёр.


Илму фанда не улуғ алломалар дунёси бу,
Ҳам Навоий шеъридан моҳир ғазалхон бу диёр.

Бир вилоят боғу бўстон, бир вилоят ғалла-дон,
Боғлари шарбат, асалдир, тоғлари кон бу диёр.

Неча дарё бағридан ўйнаб оқарлар мавж уриб,
Неча ранглардан муҳайё мангу бўстон бу диёр.

Қизлари офтобжамол, ўғлонлари мардона эл,
Эрку истиқлол билан бўлмиш дурахшон бу диёр.

То жаҳон борича яшнар офтобга рўбарў,
Халқи қобил, фикри одил Ўзбекистон бу диёр.



КЎЗ БУНЧА ШАҲЛОЛАНИБ

**Кўз бунча шаҳлоланиб, лаб бунча гунчаланса,
Ажаб йўқ, олам аҳлин бағрига ўт қаланса.**

**Не ҳайрат, ошиқ аҳли денгиздай қалқса бедор,
Не тонгки, тоғ бўлса дил қоғоздай юпқаланса.**


**Кундуз абр ичра офтоб хижолатдан топура жой,
Чикди ётоғидан ёр, агар ой пардаланса.**

**Кулгингни бир эшитмоқ ташнаси мингта чашма,
Истарки минг-минг юлдуз: бошингда зарраланса.**

**Хусн мулкин даҳоси, бизга ҳам бир кулиб боқ,
Яхшимас битта ошиқ йўлингда яккаланса.**

**Қайда гўзаллик устун – ёвузлик зеру мағлуб,
Нур забтидан, йўқ ажаб, туманлар парчаланса.**

**Бир шуъла порлар, боқинг, нури ҳидоят эрур,
Бу нур элим бошидан, дерман, мангу эланса.**



ЮЗИНГГА БОҚДИЮ

Юзингга боқдию кўзлар қамашди,
Ақллар ҳам йўқотиб йўл, адашди.

Қуёш садқанг бўлиб бошингда турди,
Тун – оқшом ою юлдузлар қарашди.

Жаҳон барнолари кўргач жамолинг,
Хижолатданму, ерга кўз қадашди.

Бу ҳусну нозу ишва, шўх-шанлик
Сенга, дилбар, ярашгандан ярашди.

Сени Барчин ёхуд Ширин десам оз,
Неча Фарҳод йўлингда жон талашди.

* * *


Хўб ярашмиш бул қадду қомат сенга,
Мангу ёр бўлсин бу бахт – омад сенга.

Тонгда айларман дуойи хайрлар,
Дил сўзим етгай дебон шояд сенга.

Мен эмас, борлиқ сенинг мадҳинг ўқир,
Ҳар сўзин айлаб улуғ оят сенга.

Сен-чи, бепарво ўтарсан ноз ила,
Ҳам ярашгай бул итоб ғоят сенга.

Неча вақтим ушбу аҳвол бардавом,
Бўлди бизни ёндириш одат сенга.



СЎЗ ОЖИЗ ҚОЛГАНДА СОЗ...

Сўз ожиз қолганда соз сўзлар эмиш,
Дилдаги дардингни у бўзлар эмиш.

Гоҳ нафис оҳанг сени мафтун этар,
Мағзида шахло ўшал кўзлар эмиш.

Гоҳ самога элтажак соҳир наво,
Шўх шалола сенга юлдузлар эмиш.

Қанча дард бор, қанча ишқ бор куй аро,
Дилга талқин юз эмиш, юзлар эмиш.

Кеча бир куй бирла куйдирдинг мени,
Эрта бир куй бахтни кўз-кўзлар эмиш.

Чал, сеҳрдан яйрасин кўнгил уйи,
Куйга ёт кўнгил уйи музлар эмиш.

ҚАЛБИНГИЗ ИЗҲОР ЭТИНГ


Қалбингиз изҳор этинг, тоғлар, менга,
Гувраниб оққувчи ирмоқлар, менга.

Мақсадим йўлида ҳамроҳсиз мудом,
Сўзланг, эй қайрилма сўқмоқлар, менга.

Сирли оламдан ҳикоятар қилур,
Шўх шивирлаб, турфа япроқлар менга.

Баҳрингизда неча ҳикмат жам эрур,
Ҳайқиринг, нур кони чақмоқлар, менга.

Дилраболик, тоза қалб достонидир –
Бу само, бул сою қирғоқлар менга.



НЕЧУН

Бунчалар маъюсу ғамноксан, кўзингда нам нечун?
Кипригинг япроқларида бемаҳал шабнам нечун?

Фунчадек нозик кўнгилда бунча оташ, бунча ўт,
Айни гул ёзган чоғингда, эй дилором, ғам нечун?


Нега ўртандинг хаёлот гирдибоди ичра ғарқ,
Бунчалик ёнишларингдан ёнмасин олам нечун?

Жисми зоринг чулғамиш қандай синоат, қайси дард,
Бунчалар ёлқинланурда куймасинму шам, нечун?

Айтки, дилбар, иштиёқингда яшарму ишқ-вафо,
Ёди васлинг шуъласидан сўнмайин кам-кам нечун?

Сабзалар барқ урди оламини баҳористон этиб,
Кўксинг ичра мавжи гулзор этмагай кўклам нечун?

Огоҳ эт асрори кўнгил, мен давосин излайин,
Ушбу жонни жонларингга этмайин малҳам нечун?



СЎЗ СЕҲРИ

Шеър туғилмас лаҳзалик – оний бўлиб,
Балки шоирнинг яшар жони бўлиб.

Ўйламанг, оддий садолар тизмаси,
Яшнагай шеър фикр маржони бўлиб.


Мағзи-мағзи қатма-қат маъною сир,
Барқ урар ҳам фикр тугёни бўлиб.

Шеър асрлар қаъридан келмоқдадир,
Эзгуликнинг мангу карвони бўлиб.

Сайр қилсанг «Чор девон» бўстонида,
Эй, кўнгил, ён севги афғони бўлиб.

Шеър буюк нур манбаидур, ёритур,
Дил уйин Ишқ машъалистони бўлиб.

Сўз улуг қўрган эрур, Куръон эрур,
Сенга етгай Оллоҳ эҳсони бўлиб.



РУҲ ИЛА ЖИСМИМ АРО

Неча бир маъно мужассам бўлса гар исмим аро,
Шунча мавжуд зиддият ҳам руҳ ила жисмим аро.


Руҳ самовийлик тилар, жисмимга маскандир замин,
Бул муаллақлик аро билдим ҳаётнинг замзамин.

Ху, чарақлаб турган ул юлдуз менингдир, шубҳасиз,
Ердаги ҳар битта тош ҳам менга жонимдек азиз.

Оқ булутлар узра парвоз айлаган қушдир руҳим,
Боғ аро япроқ куйидан тарқалур бор андуҳим.

Ишқи олий бахш этур руҳимга парвоз бахтини,
Ерда ёрим севгиси тортиқ этур шоҳ тахтини.

Икки оташ, икки мавж ичра сузар жону таним,
Иккиси ўз манзилимдир – энг суюкли масканим.



ОДАМ УМРИ


Одам умри агарчи лаҳзадир оламни қошинда,
Вале олам иши акс айлагай одамни бошинда.

Мўъжизотдир улуғ инсон азал бирла абад ичра,
Камолот касб этиб боргай замон зайли талошинда.

Унинг қалбин ёритғувчи илоҳий нур муҳаббатдир,
Ушалгай эзгу орзулар унинг меҳрин қуёшинда.

Агарчи минг синовлар ёғмасин, ўтгай балолардан,
Ақлни лол этур қудрат мужассам ичу тошинда.

Жаҳонда бор гўзаллик ўз жилосин унда топмишдир,
Қабоҳат ҳам турар пинҳон унинг сирли қарошинда.



МУҲАББАТ

Муҳаббат – тонг саҳарлар дафтар узра чеккан оҳимдир,
Агар кўнгил давотим бўлса, кўз ёшим сиёҳимдир.

Тушим бирла ҳушимнинг фарқини қилмоқ эмас осон,
Бири ҳушёр чоғимдир, бири мажнун нигоҳимдир.

Йигитлик фасли қошимдан баногоҳ барқ бўлиб ўтди,
Ўшандан то ҳануз ёр чехраси офтобу моҳимдир.

Вужудимда ажиб бир силкиниш кўзғалди ишқ отли,
Тамоман янги дунё то ўшандан мулку жоҳимдир.


Гўзал ёр суврати буткул хаёлим айламиш ишғол,
Жамоли гар илоҳимдир, хаёли подшоҳимдир.

Дилимда эзгу мақсудлар, тилимда нозанин куйлар,
Гўё осмонда юлдузлар менинг сўнгсиз сипоҳимдир.

Билолмасман бу савдодан хабардорму санам ё йўқ,
На шоҳиддир замин бунга, на осмон бир гувоҳимдир.

Бу йўлда неки яхши ё ёмон бўлса барин кўргум,
Билолмасман, савобим қайдаю қайда гуноҳимдир.

Муҳаббатсиз бу дунёга келиб кетмоқда маъно йўқ,
У тунлар сўнгида кулган менинг нурли сабоҳимдир.



МУҲАББАТДАН


**Бу дунё ичра бир дунё яралгандир муҳаббатдан,
Жаҳонга эзгулик, ёғду таралгандир муҳаббатдан.**

**Жаҳон тарихлари ичра агар дурдона изларсан,
Ҳамиша энг асл маъно сўралгандир муҳаббатдан.**

**Матонат бирла мардликдан ҳаётда қадру қиммат бор,
Шу қудратнинг баҳоси ҳам қаралгандир муҳаббатдан.**

**Бу боғлар, бу чаманлар меҳнатингдан баҳралар олмиш,
Ранг олгандир, нур олгандир,
зар олгандир муҳаббатдан.**

**Гўзал ёр, ақлу ҳуснингдан камолот бор ҳаёт ичра,
Агар парвоз этар қалбим, пар олгандир муҳаббатдан.**



ТҶҲ КЕЧАСИДА

Сурнай чалиниб, оҳанги «ёр-ёр» келаётир,
Мавжлан, юрагим, гулшанига ёр келаётир.

Соғинган эдинг, йўлларига жонни бағишлаб,
Не бахтки, букун аҳдга вафодор келаётир.

Бир-бир босибон, меҳру ҳаё ичра ёниб ул,
Гул-гул очилиб, яхши ният ёр келаётир.

Оламни тутиб сочларининг хушбўю атри,
Ташна бу дил уфқига гулзор келаётир.

Ёрнинг йўлига айла, кўнгил, ўзни поёндоз,
Орзу тоғининг бағридан анҳор келаётир.

Дўстлар, не ажаб, етса самоларга бу бошим,
Кўзимга жаҳон шодлик ила тор келаётир.



ҲОФИЗГА

Куйла, ҳофиз, садқа бўлсин бу ширин жонлар сенга,
Эл қувончи ҳадя этгай шавқ ила шонлар сенга.

Сен ёниб ўртанганигда дил эриб сувдек оқар,
Тожу тахтин бахш этар не шоҳу султонлар сенга.


Бу овозу бунча санъат сенга Оллоҳ неъматини,
Жон қулогин тикди мафтун еру осмонлар сенга.

Тоғу дарё, водиларни бағрига олмиш наво,
Таслим этмиш ҳурматин кўп шаҳру бўстонлар сенга.

Гоҳ жаранглар бахту шодлик, гоҳ маънос инграр алам,
Кўксин очмишдир тамоман васлу ҳижронлар сенга.

Бул кичик қалбингда дунёлар мужассам айланур,
Дардин изҳор айлабон ободу вайронлар сенга.

Рух олиб аждодлардин, ҳофизим, юксал баланд,
Ёр бўлсин халқ меҳридин бу унвонлар сенга.



* * *

Ишқ-мухаббат кашф этур бир кун, азиз одам, сени,
Шунда сен оламини билгайсан, билур олам сени.

Кўзларинг дунёни кўргайлар ажойиб шавқ аро,
Бағрига олгай баногоҳ нозанин кўклам сени.


Ёритур кўнглинг уйин шундоқ мунаввар бир қуёш,
Туйгулар элтгай самога мавж уриб илдам сени.

Сўзларинг маъно гулистонинда унгай чўғ бўлиб,
Қутлагай Ишқ инжусидек ярқираб шабнам сени.

Орзулар сахросида кездинг умидвор неча йил,
Дардларингдан фориг этгай Ишқ деган малҳам сени.

Ишқ аталмиш бул улуғ йўлнинг адоғи, сўнги йўқ,
Муддао водийсига Ишқ элтажак кам-кам сени.

Сен мукамаллик даъвосин қилмоғинг мушкул зрур,
То мухаббат этмайин ўз мулкига маҳрам сени.



ХУШХАБАР


(Қўшиқ)

Ёр юбормиш менга чўғдек лола гул,
Ким билур шодликму ёхуд нола гул,
Этди кўнглимни ўзига вола гул,
Энг улуғ орзуларимдан хушхабар.

Ёргинамнинг меҳри бор ҳар баргида,
Офтобнинг сеҳри бор зар баргида,
Богбоннинг зеҳни бор тар баргида,
Мадҳ этай булбул бўлиб шому сахар.

Ёшлигим тимсоли гул, бахт ёғдуси,
Кўп ширин, сирли висолнинг орзуси,
Танга сизмай талпинур жон охуси,
Ичгали ишқ наҳридан шаҳду шакар.

Эй, гулим, дилга фараҳ бахш айладинг,
Ёр саломин кўнглима нақш айладинг,
Ишқ – садоқатдан менга дарс айладинг,
Жоним ичра жон бўлиб жоним қадар.



СОҲИБЖАМОЛ

Чикди ул соҳибжамол зарҳалланиб,
Эгнида атлас ёниб, машъалланиб.


Қотди ҳайрат аҳли ҳайрат ичра боз,
Бул гўзаллик қошида ҳайқалланиб.

Боғ безанди, лолазор бўлди жаҳон,
Шаҳру қишлоқ бир бутун сайқалланиб.

Кўз тутар йўлингга гулзор, эй гўзал,
Дашту қир, сахрою тоғ баҳмалланиб.

Неча диллар, не гўзаллар зор сенга,
Йўл кутар ороланиб, афзалланиб.

Арзи ҳол этмоққа шай аҳли Ниёз,
Ҳар дақиқа, ҳар нафас маҳталланиб.



МАКТУБИНГ

Мактубинг яхши ҳаволардан дарак,
Кўнглимизга ҳам даволардан дарак.

Боғ аро кирдингму ногоҳ нозланиб,
Топди ер саҳни сафолардан дарак.


Тутди дунёни беҳиштий хуш нафас,
Бул сочинг сочган саболардан дарак.

Сенга айтур арзи ҳол бисёр эди,
Келди яхши муддаолардан дарак.

Кўнглимиз ичра висол завқи баланд,
Бошимиз етган самолардан дарак.

Интизорман йўлларингга кўз тутиб,
Ҳар сўзим эзгу дуолардан дарак.

Уфқим узра шуъла ёйди офтоб,
Бу майин, нурли нидолардан дарак.



СЕВГИМИЗ ЖАҲОНДА ОВОЗА БЎЛСИН

Эй, ёр, қалбимизда ишқ тоза бўлсин,
Севгимиз жаҳонда овоза бўлсин.

Мунаввар айладинг оламни кўзга,
Бу меҳринг ишқ аро андоза бўлсин.


Менга бахт эшигин очдинг, тасанно,
Сенга кўнглимда зар дарвоза бўлсин.

Девони ишқ эрур, неки ёзибман,
Шу девонга дилим шероза бўлсин.

Кўзингга сурма эт кўзим қаросин,
Жоним оқ юзларингга ғоза бўлсин.

Тиларман, дилни ишқ тарк этмасин ҳеч,
Ўтиб йиллар у тоза-тоза бўлсин.

Муҳаббат зирвасига интил, эй дил,
Жаҳонда севгимиз овоза бўлсин.



ЮЛДУЗИМ

Қалб қулоғи бирла тинглаб, қалб кўзи бирлан кўринг,
Тўлдириб осмонни юлдузлар недан айлар гурунг?


Нола этгай ул бири киприқда ёшдек йилтираб,
Бул бири зулмат тубинда мунғайибдир дилдираб.

Лола яшнарму ё гулханму ёнар осмон аро,
Оҳ менинг юлдузларим, сиз бунчалар ҳам дилрабо.

Не ажабким, суҳбатингиз тингласам то субҳидам,
Бўлсангизлар бул кеча – сир-сирлашиб кўнглимда жам.

Бепоенсиз, беададсиз, ҳам абадсиз, ҳам азал,
Ҳар бирингиз минг ҳикоятлар мужассам бир ғазал.

Бахтлидирман, даврангизда бор менинг ўз юлдузим,
Бир нафас суҳбат қурай... сен шошмагин, эй қундузим.



ЯХШИЛИК


Яхшилик қилмоққа шошил, вақт сени кутмас экан,
Сен ярат ўз тақдирингни, бахт сени кутмас экан.

Меҳнатинг бирла етарсан энг улуғ орзуга ҳам,
Аллақандай бир хаёлий тахт сени кутмас экан.

Энг кичик оддий зафар ҳам қўлга киргай ишқ билан,
Ўз-ўзидан кафтга қўнган нақд сени кутмас экан.

Аҳд қилмоқ яхшиликка – одамийликдан нишон,
Навбатинг бир кун келур деб аҳд сени кутмас экан.

Яхшилик қилмоққа шошил ҳақ йўлинда, дўстгинам,
Ушбу йўлда азму ғайрат, жаҳд сени кутмас экан.



ПАЙВАНДУ ПАЙВАСТМАН ЯНА


Сухбат ичра ёр ила пайванду пайвастман яна,
Ёр баҳордан завқланиб, мен ёр ила мастман яна.

О висол, кўксимда туйғу чашмасин фаввора эт,
Чун бу ишқ водийсида орзуга ҳамдастман яна.

Лолазор ичра кезур ёр лолаларни ёндириб,
Гул ёноғин тафтидан зир титраган хасман яна.

Кўксим ичра турфа ҳислар жилваланган лаҳза бу,
Бундан ортиқ бахт ўзи бўлгайму билмасман яна.

Севгида олий садоқат ҳам саодат жобажо,
Не машаққат бор бу йўлда, кўзга илмасман яна.



ТЕНГ ЁРИТГАЙДИР ҚУЁШ

Тенг ёритгайдир қуёш ободни ҳам, вайронни ҳам,
Тафтига олгай текис саҳрони ҳам, уммонни ҳам.

Кулди гулзор, ташрифингдан ярқираб кетди жаҳон,
Шуълавор этдинг, қуёшим, ерни ҳам, осмонни ҳам.

Гар табиатда бу янглиғ оқибат бор, меҳр бор,
Сен-чи, тарк этдинг, нигор, шафқатни ҳам, эҳсонни ҳам.

Сенсиз ўтган ҳар нафас бўлмиш асрлардан йироқ,
Бунча сабрим лол этар ҳушёрни ҳам, ҳайронни ҳам.

Бор умидим, дил уйин равшан этурсан бир куни,
То унутгум бир умр армонни ҳам, ҳижронни ҳам.

Ким бу дунё кўп мураккаб, вақт деган олий ҳакам
Имтиҳон этгай ахир донони ҳам, нодонни ҳам.

Яхшилик қилмоққа бел боғлар жаҳонда яхшилар,
Шул ниятга бахш этиб виждонни ҳам, имконни ҳам.

Сўзларим дил гавҳаримдир, йўғрилибдир нур билан,
Топмагайсан унда сен кажликни ҳам, ёлғонни ҳам.

Бизга ибратдир заминда боғ яратган боғбон,
Ундирар бир меҳр ила шамшодни ҳам, райҳонни ҳам.

Ушбу шеърнинг матлаи устодлардандир сабоқ,
Эътикод этгай равонбахш шеърни ҳам, дostonни ҳам.



ЁНМОҚДАДИР

Кузда ранглар базм этиб, гулхан мисол ёнмоқдадир,
Боғу гулшан, дов-дарахт қирмиз ва ол ёнмоқдадир.

Тоғлар узра нуқра қор, осмонда мовий мавжлар,
Заъфарондир дашту туз, сувлар зилол ёнмоқдадир.

Меваларким, боғ аро минг тусдаю минг таъм билан,
Истеъмол этганда, қонда худди бол ёнмоқдадир.

Ёпирай, жаннатми бу ё бир сеҳргар санъати,
Офтоб ранг растасин ёзмиш ҳалол, ёнмоқдадир.

Оппоқ-оппоқ шуълалар ўрлар уфқлар бағридан,
Пахтамик бу, мавжланиб, бахтдан беҳол ёнмоқдадир.

Тунда боқдим, парпираб юлдузли осмон ўртанур,
Шунча юлдуз сарвари олтин ҳилол ёнмоқдадир.

Севги барқ ургай баҳор, дерлар, азалдан то абад,
Нега кузда кўнглимиз ошуфтаҳол ёнмоқдадир?


Гар ҳаёт ҳукми шу зрса, не учун ёнмас юрак,
Ишқ аро фикр ўртаниб, ҳатто хаёл ёнмоқдадир.

Кўп бепарво боқмагил, кўнглим, бу ёнмоқ олдида,
Эй, ақл, бонг ур бугун, мовий Орол ёнмоқдадир.

Аслида, дунё ўзи ўт ичрадир, ҳайрат нега,
Ҳар нафасда банду банду хол-хол ёнмоқдадир.

Лек бу дунё ичра бор мангу шараф – мангу олов,
Таъзим айланг қошида, аҳли камол, ёнмоқдадир!

Бўлма маҳрум бул муқаддас шуъладан, кўнглим, сира,
Офтоб бошлар уза то безавол ёнмоқдадир.



СЕН ТАБИАТГА, ОДАМ...

Сен табиатга, одам, зўрлик билан қўл урма кўп,
Бағридан бор неъматин олғум дебон, улгурма кўп.

Боғу бўстон, тоғу сахро она Ер изминдадир,
Сен унинг дарёларин турли томонга бурма кўп.

Гул керак, булбул керак, сахро керак, ўрмон керак,
Сен уларга меҳр берсанг бер-ку қайта қурма кўп.

Ақлу идрок бирла сен дунё уйига раҳнамо,
Мавжудотлар оламин ҳар ёнга хасдек сурма кўп.

Билки, сендан сўнгра ҳам ворис неча авлод бор,
Сен уларнинг ризқидан нафсинг учун ундирма кўп.

Бир товуснинг ранги бирла бир гизолнинг кўзлари –
Бахт эрур инсон учун, бахтингга лоқайд турма кўп.

Катра сувга бир ғубор тушгач ўзингга жабрдир,
Зарра нурдан зарб ясаб, олам уйин ёндирма кўп.

Бир бутунликда табиат, биз унинг арзандаси,
Ақлу идрок йўлидан боргил мудом, зид юрма кўп.



АЖДОДЛАР

Не улуғ кошона аждодлар иморат этдилар,
Ким унинг ҳар гиштини ишқдан иборат этдилар.

Ҳар китобким, биз учун ёзмиш боболар меҳр ила,
Бахт-саодатли замонлардан ишорат этдилар.


Ўйлаб истиқболу истиқлолу авлод эртасин,
Бахш этиб борлиқларин орзу ифодат этдилар.

Биз уларнинг ҳар сўзин айлаб тумор, ундик букун,
Чунки ҳар сўз қаърида қутлуғ ибодат этдилар.

Юртни севгил, элни севгил, эркни севгил оятин
Кўп ҳадислар мағзида бир-бир иродат этдилар.

Биз уларга минг ташаккурлар десак оздир... Вале,
Яхши сўзда ёд этиб қўймоқ ижозат этдилар.

Камтарин, доно мураббийлар, беҳиштий зотлар
Халқимиз қалбинда мангулик иқомат этдилар.



АМИР ТЕМУР СЎЗИ

Бермоқ улусга меҳр эди аҳду саховатим,
Етди жаҳонга, шукурким, адлу адолатим.

Нажот этиб тангрим Соҳибқирон аталдим,
Олам элин тутиб буткул ҳифзу маҳобатим.


Илму ижод аро шараф кучди авлодим,
Очиб аларга кўксини арзу самоватим.

Сарою кошона неча бунёд айладим,
Жило топиб ҳар нақшида кўрку салобатим.

Шиор этиб ҳақни, бурдим юз яхшиларга,
Асло бесабаб бўлмади ёвга адоватим.

Жаҳон ичра пойдор агар мулки Туроним,
Ушбу абад зътиқоду орзу, саодатим.

Эгам даргоҳи масканим бўлса, не ажаб,
Аъмолим халқимга бўлди сўнмас садоқатим.



НАВОИЙ ДУНЁСИ

Бул кеча кездим Навоийнинг газал дунёсида,
То сахар қолдим тафаккурнинг гўзал дунёсида.

Сарвақдларнинг томошоси кўзимни лол этиб,
Зулфлар хушбўйининг юрдим асал дунёсида.

Чехралар гул-гул ёниб, гулшанни равшан айламиш,
Осмон аршида эрдим ё Зухал дунёсида.

Ҳар газалким, байтида гардун ўзи чаппор урар,
Истиора, ташбиҳу ҳикмат, масал дунёсида.

Томчида офтоб мисол инсон жаҳони товланур,
Бунча бўлмас сарбаланд инсон амал дунёсида.

Бир хазоинул маонийким, поёну ҳадди йўқ,
Барча фикру туйғулар мавжуд қамал дунёсида.



ИСТАНБУЛДА ЁЗИЛГАН ҲАЗАЛ

Айладим парвоз бу оқшом шаҳри Истанбул томон,
Худди шундоқ интилури булбул саҳарда гул томон.

Кўзга кўз тушганда товлангай меҳр дер яхшилар,
Чун кўнгилдан солинури кўприк мудом кўнгул томон.

Бир улуғ шаҳри муаззамким, поёну сўнги йўқ,
Ястанури Босфор бўйинда ул томону бул томон.

Фарбу Шарқнинг ўртасинда бир буюк туркий жаҳон
Кўксини оламга очмиш: тўрт томон – мақбул томон.

Шавку шиддат, ишқу ҳайрат, илму санъат бунда жам,
Айтасиз, «энг аввало, бу иш билан машғул томон».

Неча хил шарбатки, ичсангиз беҳиштий нашъа бор,
Қултум ичган бурмагай юз бодайи қул-қул томон.

Баҳри Борон, Баҳри Мармар ҳам Қаро денгиз аро,
Мовий кўйлак бирла чақнари ўнг томону сўл томон.


Меваю минг хил мато, зардан фаровон ҳар тараф,
Бир улуғ беҳад бозоргоҳдир, қаранг, буткул томон.

Бир-бировни зиддият этмоққа йўқдир рағбатим,
Бунча бўлмас Ҳинду Чину Кобулу Мўнгул томон.

Бу камолотларга, дўстлар, етдингиз дейман нечук,
Бўлдими ё ишларингизда қийин, мушқул томон?

Дейдилар: – Мақсудга идрок бирла йўл топмоқ керак,
Ўрнида бўлсин ҳамиша иш томону пул томон.

Кўп шаҳар кўрдим жаҳонда бир-биридан дилрабо,
Лек кўнгил оҳанрабодек елгай Истанбул томон.



ПАРИЖДА ЁЗИЛГАН ҲАЗАЛ

Улуғлармен, Фарангистон, бу дунё ичра борингни,
Жаҳон мулки аро тутган мақому эътиборингни.

Париж ичра жамулжам мўъжизотлар турфа ҳолатда,
Юракка нақш этиб, кўрдим ўшал ҳашму виқорингни.

Самога бош уриб мағрур, жаҳонни лол этар мангу,
Жаҳон пойтахтлари орзу этар Эйфель минорингни.

Бенедиктин шаробингдан ютуб қултум, кўнгил очдик,
Тамоман кетказур эркан вужуддан бор ғуборингни.

Лувр сувратгоҳи ичра таҳайюр бирла юрдим маст,
Музайян айламиш мангу – Жақонда зардеворингни.

Биби Марям уйи – эҳроми Олийдир, маҳобатли,
Наҳот, инсон яратмиш бунчалик тенгсиз соборингни?!

«Бухоро» деб аталган қаҳвахона кечалар гавжум,
Яна Хайёму Саъдий кўчаси – кўп шуълаворингни.


Тилингни-ку тушунмасман... Вале ширин талаффузлар
Менга изҳор айларди қувончу иқтидорингни.

«Зафарлар арки»дан ўтдим кўнгилда инжу туйғулар,
Елисей саҳнида кўрдим таманнолик баҳорингни.

Намойиш айлашур минг хил либосни мингта жононлар,
Жаҳон андоза олгайдир кўриб рангин бозорингни.

Иморатларки, тоғ-тоғ, ҳар бири бир санъату бир фан,
Буюкларга қўналға ҳар кўча, ҳар бир канорингни.

Ажаб Париж эрур «Минг бир кеча» ҳар гўша, ҳар ёни,
Фарангистон, юракдан қутлагум оламда борингни.



ДЕҲЛИДА ЁЗИЛГАН ҒАЗАЛ

Сурмаранг осмон эдию манзилим бўстон эди,
Яъни мен турган замин афсона Ҳиндистон эди.

Уч дафъа учдим бу кишварни зиёрат этгали,
Дилда ҳурмат-эҳтиром дарё эди, уммон эди.

Бунда мавжуд бобурий аждодларим илдизлари,
Ҳам туташ диллар уюшган бир буюк карвон эди.

Келмиш эрди неча элдан кўп шоирлар хушқалом,
Ушбу равшан боғ аро шеър шавқи беармон эди.

Ҳар ғазал мағзин чақиб «Ваҳ-ваҳ!» садолар юксалур,
Эй, Мушоира, сенинг сеҳринг танимда жон эди.


Севги рангин товланур ҳар лаҳзаю ҳар лаҳжада,
Ҳар сатр мағзин ёритган Ишқ деган тугён эди.

Пар-пар учгай ҳар ғазалдан истиора қушлари,
Гоҳ мажозу гоҳ ташбеҳдан ақл ҳайрон эди.

Ёр ҳусни, ёр васли, ёр ишқи барқ уриб,
Дил аро андоқ ҳароратли мунаввар он эди.

Бунча сеҳру бу мўъжизот шеър аро қайдин келур,
Булки Оллоҳ марҳамат этган улуг эҳсон эди.

Қайдаким шеър янграгай, фиску фасод топгай касод,
Ҳар нигоҳда битта оҳ, ҳар оҳда бир дoston эди.



АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА ТАТАББУ


Мен нечук шоир бўлурман, ўз сўзимни топмасам,
Ўз сўзим бирлан, демакким, ўз юзимни топмасам.

Дейдилар, ҳар кимсанинг оламда ўз ёғдуси бор,
Тинмагайман шуълавор ўз юлдузимни топмасам.

Ишқу ижод, бахту омад келмагай бирдан ўзи,
Ғар бу йўлда меҳнату сабру тўзимни топмасам.

Бермиш Аллоҳ ақлу қалб, икки жаҳонни онгла деб,
Умр не? Ғар Ишқ деган ризқу рўзимни топмасам.

Аввало, айтдим ўзимга, мен ўзимни кашф этай,
«Эл нетиб топгай мениким мен ўзимни топмасам».



СЕНСИЗ ҚОЛИБ

Неча кунким дилда зор, сенсиз қолиб,
Бу жаҳон кўзларга тор, сенсиз қолиб.

Лаҳзалар йилга баробар бўлдилар,
Қаҳратондир навбаҳор, сенсиз қолиб.

Дилдаги орзуларим бўлмиш сароб,
Кетмиш орому қарор, сенсиз қолиб.

Кўзгудек оламни кўрсатган хаёл
Бўлди-ку гарду ғубор, сенсиз қолиб.

Дер эдим сенсиз ҳаётим йўқ менинг,
Йўқ саботу ихтиёр, сенсиз қолиб.

Кечалар ёдинг билан мен бор эдим,
Беҳаловат ҳар наҳор, сенсиз қолиб.

Жоним ичра бахт таманноси эдинг,
Бу жаҳон кўзларга тор, сенсиз қолиб.



КОИНОТ ИЧРАДИР

Соҳиби олам-жаҳон, эй дўст, коинот ичрадир,
Шул сабабдин Еру осмонлар мулоқот ичрадир.

Меҳрибон тангрим ўзи танҳо самовот соҳиби,
Юлдузу сайёралар ҳам шул самовот ичрадир.

Қаҳқашон йўлинда тунлар кўзларинг сайрон этар,
Билки, эй одам, вужудинг шул тилисмот ичрадир.

Эй, Худо, нури ҳидоят бирла бизга эт карам,
Меҳру ишқинг шуъласи ҳар битта жонзот ичрадир.

Ел эсар, қушлар учар, сувлар оқар, борлиқ яшар,
Чунки кулли мавжудот буткул ҳаракот ичрадир.

Ҳар нафас, ҳар лаҳза меҳрингдан мунаввар кўнглимиз,
Сенга беҳад меҳримиз ҳар бир муножот ичрадир.

Тонг отар – шаффоф жамолингдан кичик бир шуъладир,
Офтоб ҳам битта жилванг шунча заррот ичрадир.

Биз ироданг ҳосили, банданг эрурмиз, раҳм қил,
Бепоён ҳамду санолар ҳам тиловот ичрадир.

Берганинг Қуръон китоб бизга саодат машъали,
Ҳар калима, оятинг тенгсиз мукофот ичрадир.

Айланур йиллар, фасллар, айланур наслу насаб,
Чархи даввор изни ҳам халлоқу хаттот ичрадир.

Акс этар яхши-ёмонлик бу ҳаёт кўзгусида,
Ҳам савобу ҳам гуноҳлар ушбу миръот ичрадир.



ДАВРАМИЗ

Даврамуз гулгун бўлибдир нозанин ёрлар билан,
Дилбару Дилдор, Дилором – меҳри пойдорлар билан.

Ҳар бири ёркин қуёш, сўлмас баҳор, доно нигоҳ,
Хусну одоб ичра танҳо, аҳдида борлар билан.

Сарвинозлар, навниҳоллар, элу юрт шайдолари,
Хулқи хуш, олижаноб, меҳнатда донгдорлар билан.


Пахтазор юлдузлари, боғбон, мураббий, олима,
Шон-шараф бўстонида озода рухсорлар билан.

Меҳрингиздан, чеҳрангиздан нур олур рўйи жаҳон,
Чулғадингиз неча чўл бағрини гулзорлар билан.

Кулгиси хандон, дили равшан, қадрдонларга боқ,
Қанча фахр этсак ярашгай кўзи хумморлар билан.

Тўпланибдир даврамузга Гулжамол, Гулчеҳралар,
Келди Гулнозу Гуландом неча Гулнорлар билан.

Куйла, ҳофиз, созни янгра, мутриби олиймақом,
Мадҳ этайлик бу азиз ёрларни алёрлар билан.



ДЕМА, ЭЙ ДҮСТ

Дема, эй дүст, жахон ичра нечук турфа ўюнлардир,
Дегил, халқ бошида қайдин бу хил оғир қуюнлардир.

Дема, одамлар ичра бу нифоқлар ёғди осмондан,
Дегил, ўз-ўзларин бўғмоқчи бўлган бу забунлардир.

Дема, бу жанг аро ким ғолибу мағлублари кимдир,
Дегил, мағлубу ғолиб йўқ, булар фикри юпунлардир.


Дема, кўксинг аро қандоқ фиғонлардурки, жой тутмиш,
Дегил, юз хил муаммодан тугилган бу тугунлардир.

Дема, аччиқ тўзонларданми кўзда шашқатор ёшлар,
Дегил, Орол уфурган туз билан зардоб кукунлардир.

Дема, оқ водилар сенга нечук бундоқ қаро бўлди,
Дегил, оқ пахтазордан бурқсиган ногоҳ тутунлардир.

Дема, ким кўрсатур эрку адолат йўлларин элга,
Дегил, эл раҳнамоси – эл ўзи, бағри бутунлардир.

Дема, ушбу қафасдан сен қачон чиқмоқни истарсан,
Дегил, фурсатни бой берма, ўшал кунлар –
бугунлардир!



ГАВҲАРИМ

Гавҳар Раҳимовага

Санъатим ичра ажойиб гавҳаримсан, Гавҳарим,
Яъни диллар сахнасинда сарваримсан, Гавҳарим.


Рақсу оҳангдан мужассам бир ажиб, озода қалб,
Хуш садолардан музайян дафтаримсан, Гавҳарим.

Бепоен санъат самоси – ҳар ситора бир жаҳон,
Юлдузимсан, кавкабимсан, ахтаримсан, Гавҳарим.

Кўп олис йўллар ётур умринг китобин мағзида,
Гоҳ нозик раққоса, гоҳ аскаримсан, Гавҳарим.

Сахнаи санъатда туздинг куй-қўшиқ гулдастасин,
Бир гуруҳ зебо санамга раҳбаримсан, Гавҳарим.

Юз билан юзлаш, азизам, сенга орзум ушбудир,
Халқни севган халқ қизи, халқпарваримсан, Гавҳарим.



ҚУТЛОВ

Яшанг, устоз Шоислом, сиз бугун етмишга етмишсиз,
Сахий дил газнасин буткул диёрга ҳадя этмишсиз.

Учиб оппоқ кабутардек дилингиз элдан элларга,
Диловар, эзгу сўзлардин гўзал пайғомлар элтмишсиз.

Мутаржим, шоиру олим, яна арбобу зарбоф ҳам,
Зарифлар даврасин антиқа баҳс ичра элитмишсиз.


Ғазал бир ён, рубоий бир тараф, бир ёнда илму фан,
Бу оппоқ чўққиларга ишқ била мардона кетмишсиз.

Тузиб етмиш китобдин эл учун етмишта «Гулбоғ»ни,
Нозик таъб халқингиздин яхши таърифлар эшитмишсиз.

Қизил гулни, қизил лабни, қизил майни севардингиз,
Қизил тутга яна хушторлигингиз хатга битмишсиз.

Билардик, мубтало ўтган шотутга не-не «Шо»лар ҳам,
Ўшал йўлдан борибми ё кўнгил зангин аритмишсиз.

Ҳаёт ичра Ҳаётхоним билан орзуларингиз кўп,
Яна етмишни мўлжаллаб, қадаҳда бахт эритмишсиз.



СЕВГИЛИМ

Севгилим, қалбимдаги орзу ўзинг,
Бахт ўзинг, иқбол ўзинг, ёғду ўзинг.

Мен учун олам аро танҳо санам,
Ой ўзинг, кундуз ўзинг, гулрў ўзинг.

Нурли бу оламни акс этган асил
Чашмайи биллур ўзинг, кўзгу ўзинг.

Тоғ мисол кўксим баланддир сен билан,
Унда шўх жавлон этар оҳу ўзинг.

Сен ҳаётим, эътиборим, шуҳратим,
Бахт умидим, дилрабо туйғу ўзинг.

Севгилим, қалбимдаги орзу ўзинг,
Бахт ўзинг, иқбол ўзинг, ёғду ўзинг.

МУҲАББАТ ЙЎЛИГА КИРДИНГМИ...

Муҳаббат йўлига кирдингми, ён, дерлар,
Тасаддуқ айлагил бу йўлда жон, дерлар.


Тузилгай одамий олам муҳаббатдан,
Жаҳон бўлмас муҳаббатсиз жаҳон, дерлар.

Бу йўлда неча ғовлардан керак ўтмоқ,
Ҳаётингда умрбод имтиҳон, дерлар.

Жафосин ҳам бу йўлда муҳтарам тутгил,
Бу ҳам бир марҳаматдирким, қувон, дерлар.

Билур донолар ишқ аҳлининг аҳволин,
Меҳрсизлар ошиқни нотавон, дерлар.

Самога етказур ошиқни ишқ шавқи,
Муҳаббат чулғаган дил комрон, дерлар.



ЁР АГАР КИРСА ЧАМАНГА НОЗЛАНИБ

Ёр агар кирса чаманга нозланиб,
Боғ кутар минг гул билан пардозланиб.

Сочларин сийпаб ўтар шаббодалар,
Зулфидан хушбўй олиб, эъзозланиб.


Лабларингдан ранг олибдир гунчалар,
Турфа-турфа товланиб, мумтозланиб.

Бир-бирин кутлайди бўстон қушлари,
Ташрифин талқин этиб, ҳамроزلаниб.

Нур олиб ёр чеҳрасидан ушбу боғ,
Юз очибдир ҳар тараф парвозланиб.

Завқланиб кулгусидин ирмоқларим,
Шўх садолар бирла куйлар созланиб.

Ул гўзал мадҳин тинимсиз ёз, Ниёз,
Бир ширин девон бўлур оз-озланиб.



ТОНГ-САҲАР КИРДИНГ ДИЛИМГА

Тонг-саҳар кирдинг дилимга нур бўлиб,
Ё садаф бағрида ёнган дур бўлиб.

Маъюсу маълул эди дил хонаси,
Кетди бирдан гуркираб, маъмур бўлиб.

Яркираб кетди жаҳоним ногаҳон,
Жилмайиб қошимда турдинг ҳур бўлиб.

Чарх уардим нурли бўстонлар аро,
Ўз-ўзимда йўқ эдим, махмур бўлиб.


Битта зарра кўзларимга – коинот,
Битта уммон қатраи биллур бўлиб.

Қайда Тохир, қайда Фарҳод, қайда Қайс,
Энди юргайлар нечук мағрур бўлиб?

Сўзлашардик, гоҳ фироқу гоҳ араз,
Гоҳ саволу гоҳ жавоб манзур бўлиб.

Сочларинг ўйнаб паридек, шўх эдинг,
Мен томошо тахтида Фағфур бўлиб.

Маст эдим андоқ хаёлнинг илгида,
Уйғотиб кетди шамол ҳур-ҳур бўлиб.



ЎЗГАЧА

Дўстларим, сиз бирла ҳолим ўзгача,
Фахр этиб, завқу камолим ўзгача.

Даврангизда бахтиёрман, ўйламанг,
Бор кўнгил ичра малолим ўзгача.

Меҳрингиздан ёришур кўнглим уйи,
Қалб аро унган ниҳолим ўзгача.

Ҳар бирингиз менга бир офтоб мисол,
Таъриф айларда мақолим ўзгача.

Мадҳингиз куйлаб, жўшар ирмоқларим,
Дашт аро эсган шамолим ўзгача.

Сизга содиқлик дилим ичра шиор,
Бўлмагай феълу аъмолим ўзгача.

ГУЛЛАР ТЕРАМАН


Гуллар тераман, гул тераман, ёр сенга деб,
Ишқимни қилай гул билан изҳор сенга деб.

Нурланди қуёш шуъласида боғу баҳорим,
Булбул чалади тонг чоғида тор сенга деб.

Кўз бўлди нигорон, ёнима бир кела қолгил,
Тўлқинли кўнгил севгида иқрор сенга деб.

Ҳар лаҳза юрак ёдинг ила шод ура бошлар,
Ўлгунча бўлай ёру вафодор сенга деб.

Меҳнатда, фароғатда мудом унда хаёлим,
Еллар, айтингиз ҳамдаму ҳамкор сенга деб.



МИНГ КИТОБ СЎЗЛАР КЕРАК

«Минг китоб сўзлар керак бир дилни қондирмоқ учун,
Етгуси бир сўз вале минг дилни ёндирмоқ учун»¹.

Фазнайи дилдан нечоғлиқ ахтарай қудратли сўз,
Сендайин донони ишқимга инонтирмоқ учун.


Сўз – улуғ қудрат, бу – руҳнинг жилваланган шуъласи,
Қайси куч етгайки, сўздин мардни тондирмоқ учун.

Ноўрин бир сўз кўнгилнинг гулшанин этгай хазон,
Яхши сўз қилгай кифоят қайта ундирмоқ учун.

Битта сўз ювгай кўнгилда бўлса минг зангу ғубор,
Битта сўз етгай умид шамъини сўндирмоқ учун.

Юксалай, балким, фазоларга буюрсанг, эй гўзал,
Севги номли бахт қушин бошинга қўндирмоқ учун.

Сўзларим қалб гавҳаримдур, айни виждону имон,
Ишлатилмас сохта ҳисларни овунтирмоқ учун.



¹ Бахтиёр Ваҳобзодадан.

НАВРЎЗ БУГУН

Бўлди олам жилвагар, Наврўз бугун,
Кўлда созу тилда жўшқин сўз бугун.

Эзгу ҳислар мавж урар жонлар аро,
Тўймагай борлиққа боқиб кўз бугун.

Кез чаманлар ичра, кўнглим, завққа тўл,
Зора, дуч келса ўшал гулюз бугун.

Даврада қизлар таманносин кўринг,
Хар бири бир ой бугун, юлдуз бугун.


Рози дил айтсам дадил, ўйланма ёр,
Тенг келибдир кечаю кундуз бугун.

Рангу оҳангнинг улуғ бозори бу,
Авжда «Ушшоқ»у «Баёт», «Феруз» бугун.

Хонадон меҳмон ила обод эрур,
Дўст ила соз, яхши давра туз бугун.

Тутма, Наврўз, бизни меҳрингдан дариг,
Чун меҳр қошинда ожиз муз бугун.

Марҳабо, офтоб, жаҳонга шуъла соч,
Бахт бугун, байрам бугун, Наврўз бугун.



«ГУЛУЗОРИМ»НИ ТИНГЛАБ

Куйладинг сен «Гулузорим»ни, садоланди кўнгил,
«Шашмақом» авжи билан гўё самоланди кўнгил.

Хуш овозинг бўлди пайваст жўр дилором соз билан,
Барқ уриб ақлимда нур, дурдек сафоланди кўнгил.

Бир сўлим гулшан аро кездим гўзаллик оламин,
Завқу шавқ жонимни чулғаб ҳам шифоланди кўнгил.

Тинглади тоғлар эриб, боғларда япроқлар сени,
Жўшди дарё солланиб, янграб сатоланди кўнгил.


Тинди дашт узра шамоллар, тинди булбул боғ аро,
Нурланиб, хур-хурланиб, ширин саболанди кўнгил.

Тинглади осмон ўзи юлдузлару ойлар билан,
Ё Самарқанд уфқида юксак ҳаволанди кўнгил.

Ошиқ аҳли қисматин айтмиш Навоий онқадар,
Кўзда ёшим қалқди-ю, соҳир наволанди кўнгил.

Санъатим карвони ичра бир жавоҳирсан ажиб,
Сарбаланд тут санъатинг, ғоят сафоланди кўнгил.

Эй, гўзал, янгроқ овозким, сенга Оллоҳ неъматини,
Ҳайрату Ишқ оташи бирла баҳоланди кўнгил.



АГАР БИР ЛАҲЗА

Агар бир лаҳза бўлмассан, жаҳон кўзларга тор ўлгай,
Табассум бирла бир боқсанг, кўнгуллар лолазор ўлгай.


Ажаб, қандоқ сеҳрлар жо бўлибдир ҳар нигоҳингга,
Тўниб, шўх-шўх қарашлардан баҳор ўлгай, баҳор ўлгай.

Бу дунё кўркини кўрмак мужассам истасанг, эй дил,
Ҳаётга талпиниб боққан ўшал чашм ичра бор ўлгай.

Мен истарман, чарақлаб боқсалар оламга ул кўзлар,
Оловли эҳтирос ичра саҳар, майли, хумор ўлгай.

Бу кўзлар бир қарашда ундирур саҳрода бўстонни,
Магар ёндирмоқ истар, неча диллар тор-мор ўлгай.

Бу кўзлар мадҳида сурсам қаламни субҳу шом арзир,
Билиб қўй, субҳу шом кўзим кўзингга интизор ўлгай.



СЕН КАБИ ОЗОДА ЙЎҚ

Хусн аро бир сен каби озода йўқ,
Ишқ аро ҳам мен каби афтода йўқ.

Лаҳза-лаҳза мен хаёлинг бирла банд,
Бул хаёлингдан ширинроқ бода йўқ.


Мендаги тоқатни Қайсдан излама,
Сендаги оҳанрабо Лайлода йўқ.

Ишқим ичра бир гадо деб бил мени,
Бошим осмон, мен каби шаҳзода йўқ.

Келса кўклам, боғ аро сайр айласанг,
Зулфинг атрин ўпмаган шаббода йўқ.

Ёз келиб, олам саховатларга фарқ,
Лек сенинг меҳрингча ишқ дунёда йўқ.

Илтифотингни, санам, тутма дариг,
Бундан ортиқ орзу бу иншода йўқ.



ҲАЁТ ЭРТАК ЭМАС

Ҳаёт эртак эмас, жанглар бор унда,
Ғолиб бор, ҳоли кўп танглар бор унда.


Ҳаётни тип-тиниқ сой тасвир этма,
Оёққа санчилур санглар бор унда.

Ҳузур ичра яшовчи бахтлилар кўп,
Дилида қайғудан занглар бор унда.

Ҳалолу камтаринлик кимгадир зеб,
Яна виждони терс, ланглар бор унда.

Дема, бўстонга ўхшайдур ҳаёт ҳам,
Чамандек неча хил ранглар бор унда!

Ҳаёт бўстон эмас, қайрилма йўлдир,
Машаққат тўла фарсанглар бор унда.



ИСТИҚЛОЛ ҲАЗАЛИ

Эй, гўзал юртим, муборак шонли истиқлол сенга,
Ярқираб, тақдир қўли бахш айлаган иқбол сенга.

Шўх наво, шодлик билан оламга кўрсат ўзлинг,
Токи юлдузли самолар боқса боқсин лол сенга.

Бир улуғ халқсенки, тоғдек қудратинг, кўксинг баланд,
Боғларингим, кеча-кундуз етказурлар бол сенга.

Янги бахту шан уфқларга, Диёр, мардона юр,
Токи аждодлар руҳи очсин нурафшон фол сенга.


Келди дўстлар, келди қардошлар муборакбод этиб,
Ушбу олий издиҳомлардир бугун тимсол сенга.

Чеҳраларда лолагун офтоб жамоли жилвагар,
Байроғингда ою юлдузлар бўлибдур хол сенга.

Икки дарё – икки кокил, мавж урар водийларинг,
Тегмасин кўркиннга кўз, юз бурмасин дажжол сенга.

Ҳайрату фахр ичра мадҳингни қилурмиз, эй Ватан,
Ҳар нигоҳда меҳримиз изҳор этиб яққол сенга.

Дўстлигу тинчлик билан оламга машҳурсан ўзинг,
Эй, гўзал юртим, муборак шонли Истиқлол сенга.



ЎТУРСАН ЭЗГУ МАҚСУДГА

Ўтурсан эзгу мақсудга, агар дилдан тилар бўлсанг,
Юракларга топарсан йўл, юракдан интилар бўлсанг.

Агар аҳд айласанг ҳатто самолар ҳам бағр очгай,
Ўтурсан беҳудуд уммонни, сув илмин билар бўлсанг.

Ҳалол ишлаб, ҳалол топган нонинг дунёда қадрингдир,
Ҳаромдир сенга бу дунё биров ҳаққин шилар бўлсанг.

Ватанни жонингга жо эт, анинг шонига шон қўшгил,
Сени у сарбаланд этгай, сен ундан ўргилар бўлсанг.

Садоқат, ишқу бардошдан жаҳонда яхши ном қолдир,
Десинлар: – Яхши одам эрди! – дунёдан жилар бўлсанг.

БИР БУТУНЛИКДА ЖАҲОН

Бир бутунликда жаҳон: тун бор, саҳар ҳам ундадир,
Офтоб – кундузлари, оқшом қамар ҳам ундадир.

Одамийким, бахт дея жавлон урар меҳнат билан,
Гарчи мағлублик бўлар, аммо зафар ҳам ундадир.

Боғлагай бизни жаҳонда ишқ-муҳаббат риштаси,
Бордир аччиқ ҳажр ўти, васлу самар ҳам ундадир.


Гоҳ фикрда барқарор, гоҳо хаёлда сарбаланд,
Билки, собитлик билан тинмас сафар ҳам ундадир.

Эй, улуғ Инсон, вужудингда табиат қудрати,
Ҳам ҳаётбахш севгию мудҳиш қадар ҳам ундадир.

Гоҳ қуюнлар ларзакору гоҳ насим эсгай кулиб,
Шул сабаб саҳро яшар, гулшан шаҳар ҳам ундадир.

Гулдираб сойлар келур шиддат-ла тоғлар бағридан,
Унда тўфон азми бор, шахду шакар ҳам ундадир.

Бир нафас ҳайрат билан боқдим жаҳон асрорига,
Умру ижодингга сўз, мангу асар ҳам ундадир.



ТОШКЕНТГА

Кўзимдан уйқу қочиб тонг – саҳарларда,
Кезиб юрдим хаёлан кўп шаҳарларда.

Бироқ сендек улуғвор бир гулистонни
Қачон кўрдим, кезиб шунча сафарларда?


Мислсиз шаҳри олийсан жаҳон ичра,
Қуёш юрти саналдинг сен назарларда.

Асрлар қаърида қудратли Шошим бор,
Номинг иншо этилмиш минг асарларда.

Камолинг мард йигитлар кўркига кўркдир,
Жамолинг акс этар шўҳ зулфи зарларда.

Жаҳон шоирлари мадҳингни айтмишлар,
Қиёсинг йўқ тамомий баҳру барларда.

Бу таъриф сенга кўнглимдан саломимдир,
Номинг бўлсин ҳамиша шон, зафарларда.



САМАРҚАНД ФАХРИ

Фахр этурмиз биз Самарқанднинг шариф номи билан,
Марварид кошонасию рангин эҳроми билан.

Осмонга бош уриб ҳар бир минора мавжланур,
Сўзлашиб турган мисол кўкнинг баланд томи билан.

Бул хиёбон, бул чаманларда Улуғбек барҳаёт,
Мунтазир учрашгали юлдузли оқшоми билан.

Икки дўст – олий мақом зот бунда кезмиш бир маҳал,
Яъни мавлоно Навоий ҳазрати Жомий билан.


Ҳар қарич тупроқ бу ерда айна фирдавс парчаси,
Ҳар зилол япроқки, куйлар севги илҳоми билан.

Ҳар нафасда бир тарих ўтрунгда пайдо бўлғуси,
Рўбарў келгай яна бир сирли пайғоми билан.

Етти иқлимдан келурларким, зиёрат этгани,
Кўп муқаддасдир жаҳон аҳлига икромии билан.

Бир гўзал, олий шаҳарким, чеҳраларда офтоб,
Сарбаланд этгай сени кўрку саранжомии билан.

Шаҳрлар гулдастасинда ўз бўю ўз басти бор,
Янги дунёни шарафлар қўлда бахт жомии билан.



ДЕМАСМАН, ШЕЪРИМ

Демасман, шеърим эй, менга шараф келтир,
Ё тоғдан лаълу дарёдан садаф келтир.

Саломга айланиб эл ичра борсанг бас,
Кўнгилга эзгуликни саф-басаф келтир.

Силаб ўтгил сабодек хаста дилларни,
Илож этсанг, бани одамга наф келтир.

Жамийки яхшилиқни эл томон элтиб,
Жамийки хушхабарни биз тараф келтир.

Насаф ичра туғилган жажжи бир гулсан,
Димоғимга саҳар бўйи Насаф келтир.

СОЗ БИР НАВО


Бул кеча соз бир наво тузмоқ керак,
Шўх садолар мавжида сузмоқ керак.

Келди дўстлар даврамизга, марҳабо!
Куй билан ғам кулбасин бузмоқ керак.

Сен гўзаллик қайнаган консан, Ҳаёт,
Ишқ-вафо базмини кўргузмоқ керак.

Яхшиларга жон фидо айлаб мудом,
Нобакорлардан кўнгил узмоқ керак.

Жон нисор айлаб Ватаннинг бахтига,
Эзгуликка элни юргузмоқ керак.



АФСОНА ЭТГАЙСИЗ

Лабда асал олу билан, кўзда гўзал жоду билан,
Дилда ғазал-орзу билан – девона этгайсиз мени.

Юз узра дона холингиз, тилларда шаҳду болингиз,
Ўртаб ширин аҳволингиз – мастона этгайсиз мени.


Сиз бир санамсиз эрка-хур, қалбимда ёнган тоза дур,
Порлаб гўёким даста нур – парвона этгайсиз мени.

Эсди чамандан шўх сабо, кезмоқдасиз гулзор аро,
Гулдан кийиб рангин қабо – ҳайрона этгайсиз мени.

Оҳу каби ўйнаб боқиб, кўркам хаёл ичра оқиб,
Ошиқ дилин ўтга ёқиб – сўзона этгайсиз мени.

Шайдолигим дунё билар, Ширин билар, Лайло билар,
Тоғлар билар, сахро билар – афсона этгайсиз мени.

Кўзимда йўқдир уйқулар, кўнглимда сирли туйғулар,
Наҳотки кетмай қайғулар – ғамхона этгайсиз мени.



ГЎЗАЛЛАРДАН ГЎЗАЛСИЗ

Ловуллаб, товланиб, яшнаб турибсиз ушбу зал ичра,
Гўзаллардан гўзалсиз мен учун юз минг гўзал ичра.

Бу ҳусну бу латофат таърифига сўзу соз ожиз,
Бўлардим бахтиёр – мингдан бирин айтсам ғазал ичра.


Билурмиз, бу жаҳон ичра улугвор рутбалар кўпдир,
Улуғлардан улугроқдир муҳаббат бор амал ичра.

Яралмиш бу жаҳон асли меҳрдан ҳам муҳаббатдан,
Шу боис севги олийдир абад ичра, азал ичра.

Нигоҳингизда маъно, эҳтирослар жилвасоз доим,
Не ҳикматлар мужассамдир ўшал зарбулмасал ичра.

Лаб очсангиз, неча шахду шакар бозори сингайдир,
Тополмасмиз бу неъматни набот ичра, асал ичра.

Солибдир сеҳрингиз ақлу юраклар мулкига яғмо,
Шу ошиқ эл билан мен ҳам қолибдурман қамал ичра.



ЎЙНАБ КЕЛАР

Мавж уриб, сой сувлари ўйнаб келар,
Боғу роғлар равнақин ўйлаб келар.

Бир бўлиб, дарё ҳосил этмоқ учун,
Чўққиларнинг бағридан ўнлаб келар.


Бул садоларга қулоқ сол дил билан,
Гоҳ уриб қаҳ-қаҳ, гоҳо ўкраб келар.

Бунча сув дур манбаи, нур манбаи,
Бўлғали юз минг қуёш, ўрлаб келар.

Неча юз минг ташнани сероб этиб,
Меҳр берсанг, ҳар ишинг ўнглаб келар.

Гул бўлиб, ҳосил бўлиб, бергай ривож,
Қир тўлиб, эл бойлиги ўтлаб келар.

Шўх зилол мавжлар ила оқ, сойларим,
Кавсаринг тут, дўст агар ўртаб келар.



ҲИНД ГЎЗАЛИ

Тонгда сайрон этгали чиқдим ажойиб Ганг сари,
Соҳил узра ул турарди эғнида гулранг сари.

Худди танҳо сарвдек мафтун боқар дарёга у,
Яшнатиб буткул камолин офтоб сепган зари.

Тим қаро сочлар қаро тундай, эшилмиш тол-тол,
Манглай узра лаъл хол ҳам офатижон кўзлари.


Мен гўзаллик қошида ҳар лаҳза тиз чўккум, вале
Бир қиё боқмоқ билан лол этди ҳинду дилбари.

Соядек турдим соҳилда неча ўйлар ичра банд,
Билмадим, Панжобидурми ёки Кашмир сарвари?

Ҳинд элига рамзу тимсолдек уфкни кўзлагай
Ним табассумли нигоҳларда ҳақиқат гавҳари.

Толиби илму ҳунардир, она юрт шайдоси ҳам,
Зарра-зарра шеър ила тўлгайму кўнгил дафтари.

Фурқатий шогирдиман, кўнгилга нақш этдим уни,
Бу ғазал шоядки етса, бир ўқиб қўйса пари.



ГЎЗАЛИМ

Сўзларимни тингла, барно гўзалим,
Кўзларингда мунча маъно, гўзалим.

Ўлтирибсан шўх хаёллар ичра банд,
Бу хаёлинг мавжи дарё, гўзалим.

Бошинг узра офтоб чарх уради,
Мафтунингми ушбу дунё, гўзалим.

Мадҳинг айтар боғу гулшан булбули,
Бу чаманга сенму оро, гўзалим.

Бунча завқу бу назокат, бу хаёл,
Хўб ярашмиш сенга, зебо гўзалим.

Етмагайми ё қулоғингга сўзим,
Қилмадинг бир нозли имо, гўзалим.

Ногаҳоно кипригинг тебранди-ку,
Илтифотму айладинг, ё, гўзалим.



ДЎСТЛАР

Айтайин мен ишқ достонимни, тингланг, дўстлар,
Бу кўнгил асрорини кўнгилдан англанг, дўстлар.


Ишқ тўлдирди ҳаётим мазмунин ёғду билан,
Ҳам умр гулзорига бахш этди ишқ ранг, дўстлар.

Ёрнинг меҳрини сиз офтоб билан айланг қиёс,
Яшнаган қалбимни шўх гулшанга тенгланг, дўстлар.

Бахту иқболим садоқат ҳам вафодан барқ урар,
Шул сабаб кўнглимни кўзгусида йўқ занг, дўстлар.

Севги – инсоний саодатдир, гўзаллик олами,
Сиз уни ноҳуш, совуқ еллардан асранг, дўстлар.

Бахтлидир ишқ имтиҳонидан йиқилмай ўтса ким,
Бўлмагай ҳамроҳ надомат, оҳу аттанг, дўстлар.



СУВ ВА СОҲИЛ

Тонггача жанг қилди сув соҳил билан,
Гўё соҳил дуч эди жоҳил билан.

Тонггача гоҳ дағдаға, гоҳ асъаса,
Ким билур ё талваса, ё васваса.

Тоғ-тоғ тўлқин соҳилга ташланур,
Лаҳза-лаҳза бир ғалаён бошланур.

Ёки денгиз ҳам йўлин бурмоқдадир,
Ишларин ё қайтадан қурмоқдадир.

Шундаин бир инқилобки он қадар,
Ухламабмиз бошида то тонг қадар.

Қайда Сайёр, қайда Тўлқин? Қайдасиз?
Сиз, наҳотки, энди уйга қайтасиз?

Бу томошодан кўнгил узмоқ қийин,
Сўнгги пушмонлар бўлурлар бир тийин.

Яхшиси, уч кун яна сабр айлангиз,
Сўнгра, майли, йўлга ўзни шайлангиз.

Бу денгиз соз тинчда ҳам, жунбушда ҳам,
Бундоғин ҳеч кўрмагайсиз тушда ҳам.



МЕЪМОР

Сингдириб сиркор нақшга санъату илҳомини,
Қурди у машхур Самарқандда нафис эҳромини.

Неча кўклам ранг олур пештоқининг гулзоридан,
Гумбази ҳайратга солди осмоннинг томини.

«Шоҳизинда» тожидек феруза кошинлар ёнар,
Мот этарди бу назокат буддаю исломини.

Қошида бир шиша урвоғи «Скандар кўзгуси»,
Бир сополдек кўрса бўлгай ёки Жамшид жомини.

Бағри қон, кўз нуридан тошга жон этти ато,
Бахш этиб авлодларга иззату икромини.

Кўрдию Соҳибқироним қотти ҳайрат ичра лол:
«Ким кетурмиш бу бинонинг бунчалик андомини?!»

Тез топинг, келсин саройга, бу маҳоратлар учун,
Майли, тақдим айлагумдир истаган инъомини».

У Бухоро ўғли эрди, шоҳ лутфин истамай,
Ёзди «Зайниддин иши» деб тошга камтар номини.



БИР ЧИРОЙЛИ СЎЗ


Бир чиройли сўз дегил, бир дунё ҳордиқ айлайин,
Ҳам бу сўзни бир умр умримга ёрлиғ айлайин.

Сен менга ул лаъли лабдин бир табассум ҳадя эт,
Мен эсам олам гулин пойингга тортиқ айлайин.

Бир сўз айтки, кўзларимга ёришиб кетсин жаҳон,
Мен уни айлаб тумор – жонимдан ортиқ айлайин.

Бир меҳр кўргиз – самодек сарбаланд бўлсин дилим,
Мен уни жонимга жойлаб, меҳри борлиқ айлайин.

Бир келишга ваъда айлаб, кўнглима тўлдир сафо,
Мен кутиб ҳар лаҳза-лаҳза, сенга зорлиқ айлайин.



НАҚҚОШ ҚЎШИҒИ

Меҳру ишқим ёғдусин тошларга нақш этмоқдаман,
Бул нақшларга юрак қонимни бахш этмоқдаман.


Қалбим ичра икки мавж бор: ишқ бири, илҳом бири,
Ул бирин Норин этиб, бул бирни Вахш этмоқдаман.

То қўшилгач икки мавж, тугён яратсин ишқ деган,
Ҳам хаёл водийсида фикримни рахш этмоқдаман.

Зулфизар ёр меҳри қалбимда шижоат қўзғатиб,
Севгию санъатда Моний бирла баҳс этмоқдаман.

Ёқуту гавҳар жилосин тошга ўтказгунча то,
Сўзлатиб рангни, маҳорат бирла дарс этмоқдаман.

Токи минг йилларга етсин севгимизнинг шуъласи,
Эй, олис авлод, сенга дардимни арз этмоқдаман.



БУЛ КЕЧА

Оппоқ ойдин, нозли тун боғимда машғул бул кеча,
Гулга изҳори кўнгил қилмоқда булбул бул кеча.

Кўкда юлдузлар навозиш бирла кўзни суздилар,
Ел билан ёйилди ҳар ён атри сунбул бул кеча.

Сой шарақлаб ханда айлар кўксига сигмай тили,
Во ажаб! Бунча назокат ҳам ғалоғул бул кеча.


Ўлтирибсан ёнгинамда, ёр, хаёллар ичра банд,
Яшнатиб борлиқни, жоним, жилмайиб кул бул кеча.

Нега ўйландинг, наҳот кўнглингни ёзмайдур бу тун,
Меҳр бир кўрсатмасанг, ошиққа мушкул бул кеча.

Истасанг борлиқни пойингга поёндоз айлайин,
Бўлмасин мубҳам хаёлу фикри мажҳул бул кеча.

Кулди, айтди: – Ишқ учун сўзлашми ёлғиз муддао,
Ким, хаёл сурмоқ бўлибдир менга мақбул бул кеча.

Англадим пинҳона ўртанмоқ азобу лаззатин,
Ишқ аро зўр имтиҳондир менга масъул бул кеча.



РАҚҚОСАЛАР

Үйнангиз дил яйратиб шўх, сарвиноз раққосалар,
Хўб ярашгай сизга шодлик, сизга ноз, раққосалар.

Мавж уриб, гулгун ёниб, минг бир ибо изҳор этинг,
Жўр бўлиб эркин хиромингизга соз, раққосалар.

Навжувон, хушнуд баҳорни акс этар рафторингиз,
Бағрингиз ичра мужассам ўтли ёз, раққосалар.

Сиз – Малика, сиз – Дилафрўз неча шайдолар учун,
Ёки Қизлархонмисиз, заррин либос раққосалар?

Сийна – гул, дийдор – гул, гулдан пояндоздир замин,
Қадди шамшод, зулфи райҳон, лаб – гилос, раққосалар.

Тўлди сахна, тўлди олам, тўлди қалблар сиз билан,
Шунчалар жўшқинми завқу эҳтирос, раққосалар.

Сизда санъат, сизда иффат, дилрабо юрт зийнати,
Жами инсоний гўзаллик сизга хос, раққосалар.

Кўнглим ичра турфа туйғулар жилосин ёйдингиз,
Сизга меҳримдан девон тузсам-да оз, раққосалар.



БИЛМАДИМ

Билмадим, қайдан кўнгилда ғам бугун,
Севгидан киприкларимда нам бугун.


Ўйласам гар сенсиз ўтган кунларим,
Тор кўрингай кўзга бу олам бугун.

Шодмон эрдим хаёлинг бирла мен,
Кел ёнимга, бўлгали ҳамдам бугун.

Бу жаҳонда қанча орзу бор эса,
Бил, менинг кўнгли кўзимда жам бугун.

Неча минг гулларни сенга бахш этай,
Сенга деб ҳар лаҳза бир кўклам бугун.

Қанчалик мадҳингни куйга солмайин,
Эй, дилором, шунча бўлгай кам бугун.



ЎРМОН ҚУШИ

Чулдираб сайрайди ҳар тонг чоғи бир ўрмон қуши,
Савтидан ўйнар типирлаб, танга сизмай жон қуши.


Бунча ёндинг, бунча тошдинг, сув бўлиб оқдинг нечун:
Сўзла, эй, зумрад чаманнинг беқиёс, бийрон қуши.

Оқ бадан оппоқ қайинларму сенинг шайдоларинг,
Сарвлар, шамшодларнинг сенму ё ҳайрон қуши?

Бир гуруҳ гулчехра қизлар гул терар ўрмон аро,
Жўр бўлиб шўх кулгуларга, яйра, эй, осмон қуши.

Эрк будир, оҳанг будир дилбар садолар
мавж-бамавж,
Лол қотиб тинглар сени оламини минг-миллион қуши.

Мен бу ўрмон оғушинда дам олардим неча кун,
Бир ажиб сирларга ошно айладинг, даврон қуши.



ҚОР БУ ҚИШ

Қор бу қиш белдан ёғиб, оламни оппоқ айлади,
Кўча-майдонларда хирмонлар уюб, тоғ айлади.

Сирпаниб шох ташлагай ҳар кимки бўлмас эҳтиёт,
Шўху шаддод кўп гўдаклар кайфини чоғ айлади.

Изгиридан худ анордек қип-қизарди чехралар,
Яъни хушрўйлар ёногин лола байроқ айлади.

Дов-дарахтлар энгашиб, бурканди парқу пўстинин,
Кийдию қордан этик ҳам қорни қалпоқ айлади.

Бунчалик мўл-кўл шакарни қайдин олди осмон?
Ё табиат ун элай деб супра-ўқлоқ айлади.


Ях соқол бўлди бўғотлар, уй-бинолар боши оқ,
Мўрилар тинмай чекиб, соғ ўпкасин доғ айлади.

Ё момиқлардан гилам тўқишми қишнинг санъати,
Тола-тола қор эшиб ўриш-ла арқоқ айлади.

Ё ўрикнинг гуллари тутди жаҳоннинг уфқини,
Пахтазор ё барқ уриб, борлиқни бодроқ айлади.

Ё нишолда, ё қимизда, иштаҳо кўзғар кўриб,
Сут қозондай бўлди ер, офтобни сарёғ айлади.

Қорни мадҳ этмоқ бўлиб, йўнди қалам шеърбозлар,
Бир неча дафтар тўлиб, арузу бармоқ айлади.



ЙИҒЛАМА

Сочларинг сувларга ёйиб, эй, нилуфар, йиғлама,
Кўз ёшинг кўксимдаги дардимни кўзгар, йиғлама.

Оқ гулинг охинг бўлиб бағрингни ёндирмиш сахар,
Баргларинг ҳар саҳфаси ишқона дафтар, йиғлама.

Сен қуёш орзусида сувларгами роз айтасан,
Бошларингдан ўргилиб офтоб сочур зар, йиғлама.


Бунча маъсум, бунча ноёб, бунча нозик гулларинг,
Очилиб соч лаҳза-лаҳза мушку анбар, йиғлама.

Бу чаманда камтарин, маъюс, иболисан жуда,
Бир гули беор ўзин ортиқча мақтар, йиғлама.

Қатра-қатра дур сочиб, фаввора олқишлар сени,
Бағрида ардоқламиш бу ҳавзи мрамар, йиғлама.

Бевафонинг дастидан сувларга отдинг ўзни ё,
Садқайи кўзёшларинг кетсин фирибгар, йиғлама.

Ёрини кутган садоқатли гўзалга ўхшадинг,
Севганинг васли сенга бўлгай муяссар, йиғлама.



БУЛБУЛ

Ажойиб нағмалар бирла саҳар чаҳ-чаҳладинг, булбул,
Ташаккур, дилдаги туйғуларим ардоқладинг, булбул.

Куйингнинг сеҳридан бу боғ аро нозланди минг гуллар,
Не оҳангу не сирларни юракда сақладинг, булбул?


Куйиб ўртанмоғингда бир ишорат борми, айтсанг-чи,
Наҳот, бир гунчани деб сен юракни доғладинг, булбул.

Бу хониш бирла ёнишда садоқат бор, саодат бор,
Не ўйга, не хаёлга сен ўзингни боғладинг, булбул.

Жаҳон машшоқлари сенданми ўрганмиш бу санъатни,
«Наво» бирла ёниб гоҳи, гоҳи «Ушшоқ»ладинг, булбул.

Гўзаллик тўла боғ аҳли сени мафтун бўлиб тинглар,
Асликни, улуғликни чаманда ёқладинг, булбул.

Қуёш қутлаб, уфқдан шуълалар сочди бу гулзорга,
Очиб гулни, нечун тиндинг, қаённи чоғладинг, булбул?



БУГУН

Ўзбекистон, оғушингда нурли байрамдир бугун,
Неча қардош, неча жондош дўстларинг жамдир бугун.


Янгра, карнай, янгра, сурнай, сайрагил, олтин рубоб,
Бахт куйин оламга қанча ёймагил, камдир бугун.

Кўксини офтобга очмиш марварид кошоналар,
Лолагун атлас хиёбонларда кўкламдир бугун.

Эй, гўзал, хушрў санам, бўстонни шодмон сайр қил,
Бахтиёр даврон аро энг мўътабар дамдир бугун.

Навқирон ёшинг муборак, эй, диёр, обод элим,
Мангу бахт, мангу севинчлар сенга ҳамдамдир бугун.

Барқ уриб водийларинг, жаннат бўлибдир боғларинг,
Нурли чехранг қошида ой ҳам сўник шамдир бугун.



СЕНИНГ ВАСФИНГ

Сенинг васфингга, эй дилбар, қалам етмас, қоғоз етмас,
Тараннум этгали мадҳингни соз етмас, овоз етмас.


Ширин ҳам Лайли хусн ичра сенга шогирд бўлур балким,
Уларда сен каби аммо таманно бирла ноз етмас.

Гўзал ёр холига Ҳофиз берибдир икки шахримни,
Сенга беш юз диёру олти қитъа – барча оз, етмас.

Сенинг ақлу камолинг ўлчамоққа, сарвиноз дилдор,
Донишмандлар аро асло бирор тошу тароз етмас.

Сенга етмоққа интилгай жаҳон Фарҳодлари юзлаб,
Ва лекин бўлмасин ҳар қанчалик дасти дароз, етмас.

Ки ўзбек кўркини акс айлаган бир нозанин гулсан,
Мукамал тасвиринг айтмоққа минг шоир Ниёз етмас.



МУСТАЗОД

Барқ урди баҳор, базм тузиб гул била лола,
нурланди ҳаволар,
Гўёким оқур дашт уза юз рангли шалола,
қўзғолса саболар.

Ҳар гунчаю ҳар гулни қуёш бағрига олмиш,
жон меҳрини солмиш,
Ул бўлса агар Она мисол, бул бари бола
гул, майса, гиёлар.

Анҳор гупирар, шовқинида қанча ғалоғул,
ҳар томчиси минг гул,
Қанду асали эл тилида мадҳу рисола,
дил ичра зиёлар.

Яйранг табиат кўксида сиз тинчу омонда,
бу бахтли замонда,
Меҳнат била, ишқ бирла одам етди камола
ҳам тспди сафолар.

Кизларни кўринг, давра қуриб баҳс этадурлар,
куй, рақс этадурлар,
Ўйнар эшилиб, белга урар соч тола-тола,
кўзларда вафолар.

Хушбў таралиб, боғу чаман масту мутарро,
булбул тили бурро,
Шабнамми ё булбул кўзидан баргдаги жола,
тўлқинли наволар.

Сақланг бу гўзал боғу ҳаёт сахнини обод,
инсонни этинг шод,
Кўз тегмасин асло бу тиниқ ҳусну жамола,
шўх янгра, садолар.

Юртим, сенга бу шонли баҳор мангу буюрсин,
бағринг аро турсин,
Меҳримни тутай сизга этиб чинни пиёла,
эй, ақли расолар.

МУСТАЗОД


Чехра очиб офтоб янглиғ келур соҳибжамол,
лабларда ширин кулгулар,
Зулфидан хушбўй олиб мастонавор ўйнар шамол,
ҳарён тараб шан туйғулар.

Пешвоз чиқдим йўлига офати жон ёрнинг,
этмоққа бир дам арзи ҳол,
Тутмагай меҳрин дариг шайдосидан деб эҳтимол,
кўнгилда рангин орзулар.

Ўтди дилбар, ёнида дўстлар билан чаҳ-чаҳлашиб,
дилларда ёшлик безавол,
Қайси гулшан бағрида, ё раб, улар топмиш камол,
бир даста ўйноқ охулар.

Бу гўзалликдан агарчи баҳрамандсан, эй кўнгил,
ҳам бахтлисан, ҳам масту лол,
Бир умр тарк этмагай жонингни энг порлоқ хаёл,
умрингга тўлгай ёғдулар.

Оҳки, бепарво санам боқмай қиё куйдирди-ку,
олмай жавоб, бермай савол,
Мен эсам бир четда қолдим довдираб, ошуфтаҳол,
кор қилмай оху «ё ҳу»лар.



ГУЛОБ ИЧРА

Навоий газалига мухаммас

Не дардга чулғанибсан, эй, нигоро, ваҳм хоб ичра,
Ёнурми ташналаб сахро сенингдек чўғ сароб ичра,
Шифо истаб, тополмасман давосини китоб ичра,
Иситқон, нозанин, жисмингки тердан тушди тоб ичра,
Эрур бир оташин гул баргиким ётқай гулоб ичра.

Бу ҳасрат жисму зоримни ёқибдир мисли чақмоқким,
Ишим фарёд ила оламни эмди ўтга ёқмоқким,
Куяр оҳим шароридан бу ўтга бўлса боқмоқ ким,
Иситма ранжидан, эй гул, бўлибсан ғунча андоқким,
Ҳариру ҳуллалик жисминг тушибдир печу тоб ичра.

Наҳот, нозик бу кўнгил шишаси ғам сангидан синса,
Ниҳолимга қазо офатлари ҳар лаҳза ёпринса,
Умидим шул, баногоҳ бунча ғурбатлар тамом тинса,
Исиғликдан танинг ўт бўлди, тонг йўқ, неча талпинса,
Ҳароратдан қолибдир шуъла доим изтироб ичра.


Иложин қил ўзинг, жоним, нечук ўлмоғим истарсен,
Эзиб жонимни малҳам айласамми жонни асрарсен,
Сариқ ранг солмасин соя, ҳали бир ғунчаи тарсен,
Қизил чодаршабу мовий тўшаклар ичра титрарсен,
Анингдекким, қуёш кўклар била гулгун саҳоб ичра.

Ҳарорат зўридан гоҳи бўлибсан ҳуд, гоҳи беҳуд,
Кўзингни оч, мени дарду аламда қилмайин нобуд,
Рухинг ранж чекмасин, эмди саломатлик удумин тут,
Лабинг ёқути ичра қатра-қатра термидур, ёхуд
Тушибдир дона-дона инжу икки лаъли ноб ичра.

Менга еткуздилар ногоҳ, қаро бўлди деб осмонинг,
Неча кунким бу дард ичра ёнармиш жисм ила жонинг,
Кўтар бошинг, кулиб боққил, бўлай ёнингда қурбонинг,

Дедиларким, хароб ўлмиш иситмоқ бирла жоннинг,
Не ўтларким бу сўздан тушмади жони хароб ичра.

Ниёз айтдим ўзимга: ёр дуосини зиёд этким,
Бўлиб ёнида парвона, садоқат, эътиқод этким,
Тилаб соғлиқларин, илгин ўпиб, қутлуғ мурод этким,
Навойи, ёрни топсанг саломат хайрбод этким,
Яна заъф этса ногоҳ, қолмагай жонинг азоб ичра.



ҚИЗИЛ, СОРИҒ, ЯШИЛ

Навоий ғазалига мухаммас

Кўзларим лолдир кўриб, бўстон қизил, сориг, яшил,
Неки бўстон, дашт ила майдон қизил, сориг, яшил,
Йўқ, тамомий ер билан осмон қизил, сориг, яшил,
Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар ҳарён қизил, сориг, яшил.

Эсди шўхчан бир насимким, сарвқад ул моҳдин,
Энди сиз ақл истаманг мен мубтало гумроҳин,
Худ Юсуфдек чиқмоғим душвордир бул чоҳдин,
Гулшан этдим ишқ саҳросин самуми оҳдин,
Ким эсар ул дашт аро ҳайрон қизил, сориг, яшил.

Етти ранг тинмай оқур ул водию бул водидин,
Тинмиш идроким қулоғи шунча ранг фарёдидан,
Сақланинг, бор мавжудот, аччиқ оҳимнинг бодидан,
Шишадек кўнглимдадир гулзори ҳуснинг ёдидин,
Тобадоннинг аксидек айвон қизил, сориг, яшил.


Ҳолатим бундоқлиги ширин висолидин эрур,
Фикратимда балқиган тенгсиз мисолидин эрур,
Лаб зилоли, қош ҳилоли, чеҳра олидин эрур,
Орази холинг била хаттинг хаёлидин эрур
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориг, яшил.

Қон била қирмиз бўлибдир бу кўнгилким, ғамзада,
Турфа туғёнлар била ёнғай яна ҳар лаҳзада,
Тўрт фасл шиддатланур пайваста қалққан ларзада,
Лаългун май тутки олтин жом бирла сабзада,
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.

Қисматимда зору танглик бордур беҳад ва лек,
Энди дунё кўзларимга тордур беҳад ва лек,
Кўнглим ичра заҳмлар бисёрдир беҳад ва лек,

Фақр аро бир ранглик душвордур беҳад ва лек,
Хирқада тикмак эрур осон қизил, сориг, яшил.

Бул жилолардин, Ниёз, бир яхши ахбор истама,
Ярқираб сўнган саробдин мавжи анҳор истама,
Парларин бир лаҳза ёйган қабқдин сор истама,
Эй, Навоий, олтину шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил.



ТОРТАЙИН

Навоий ғазалига мухаммас

Ишқ аро ҳар ғамки бор, номехрибондин тортайин,
Розимен, етсин маломат ҳар томондин тортайин,
Таънаю дашномлар пийру жавондин тортайин,
Ошиқ ўлдим, неча жавр аҳли замондин тортайин,
Улки ошуби замондир, бори ондин тортайин.

Во ажаб, қолдим бало илгинда умрим борича,
Дўст йиғлар ҳолима, душман кулар майлар ича,
Кундузим гирёнлик, оҳимдан тутаб ёнгай кеча,
Ёр ила ағёр зулми ҳаддин ошди, ваҳ, неча
Васл учун жабру жафо яхши-ёмондин тортайин.

Ишқ водийсинда мен кўкрак керардим мисли шер,
Неча Мажнунлар кўриб бул ҳолатим устод дер,
Энди арзим тингламас буткул жаҳон – осмону ер,
Ҳажр гирдобиндадур кўнглим, каманди васл бер,
Ким солиб они бу баҳри бекарондин тортайин.

Тобакай ўртар юракни дард-аламлар бунчаси,
Қонли кўнглим дашт-адирлар лоласин гулғунчаси,
Мингта ошиқ қисматин босгай унинг бир кунчаси,
Сен танаъум гулбунидин уз фароғат ғунчаси,
Мен бало пайкони жисми нотавондин тортайин.

Ёр хаёли ичра истармен мудом бир илтифот,
Ҳам тилайдурмен фалақдин кўнглима сабру нажот,
То ҳануз олмоқ қийиндир ишқ дарсидин савод,
Боргали кўйига эгнимдин чиқар гўё қанот,
Жавридин десам оёқ ул остондин тортайин.

Бир бошимда ёр савдосин эрур минг ғуссаси,
Келмагай васлу висолин лоақал бир муждаси,
Бир амал топмас наҳотким ваъдаларнинг турфаси,

Меҳмоним бўлсанг, оллингда ҳаводис тухфаси,
Неш тандин, ўқ кўнгилдин, нола жондин тортайин.

Комронлик истадим, топдим вале захру завол,
Мен Ниёз, аҳли кўнгилни ўртагай минг бир савол,
Айламас дўст, лутфу шафқат этмагай соҳибжамол,
Эй, Навоий, неча қилгайлар этакдек поймол,
Мен дағи эмди этак аҳли замондин тортайин.



НАВРЎЗ

Навоий ғазалига мухаммас

Паёпай юксалиб офтоб, ҳарорат авж олиб кам-кам,
Эсиб шўх жонфизо еллар, яшиллик гуркираб кўркам,
Ёзибдир тоғу саҳрода гуногун сепларин кўклам,
Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар наврўз ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.

Дилинда туйғулар карвон, этиб ақлин анга сарбон,
Юракдан кетқуриб армон, бу боғни айлаган сайрон,
Бисотинг эт намоён, эй баҳорни қутлаган боғбон,
Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим
қилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам.

Бу олам боғида, ёрим, ўзинг раҳбар, ўзинг сарвар,
Тамоми мавжудотга шуълалар сочган моҳи анвар,
Музаффарсан, мунавварсан, муаттарсан, яна акбар,
Чаман сарви қолиб бебар, менинг сарвим бўлиб дилбар,
Ани ел айлабон музтар, бу елдин секратиб адҳам.


Бу ён наргис, бу ён яллиз, бу ёнда лолаю сунбул,
Бу турфа рангу оҳанглар сени мафтун этар буткул,
Кўзим, сипқор бу оламни, бу бахтдан яйрагил, кўнгул,
Қўниб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидин гулгул,
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушиб шабнам.

Билурмиз, ушбу боғлар ҳам ўзингдин баҳравор, жоно,
Қутиб ташрифларинг гул-гул безанмиш дашт ила саҳро,
Йўлингга термулиб турдик, қиё ҳам боқмадинг ҳатто,
Қилиб оҳим сари парво, бу ён майл этмадинг қатъо,
Сабодин, эй қади раъно, бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ ҳам.

Ғанимат ушбу боғ ичра баҳорнинг жилва қилмоғи,
Яна қиш фасли етгайдир, сўнар тоғларнинг ирмоғи,

Билингиз лаҳзалар қадрин, ҳар ишнинг бор-ку қирғоғи,
Бу боғ ичра май, эй соқийки, бормен асру муштоқи,
Ки анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам.

Бўлур аҳду муҳаббатдан ҳаётда муддао ҳосил,
Ва ҳижрон заҳматин енгган бўлур ёр васлига восил,
Ниёз аҳли эсанг, узма умидлардин қўлинг, эй дил,
Навоий, кўйин эт манзил, юзу қаддиға бўл мойил,
Ки боғ этмас сени хуш дил, гулу сарв айламас хуррам.



УЛ САНАМКИМ СУВ ЯҚОСИНДА...

Атоий ғазалига мухаммас


Тонгда ярқ этиб хаёлим кўзгусинда турфа нур,
Тортди равшан бу илохий шуъладин қалбу шуур,
Кўз, етакла дил буюрган ерга, эй жоним, югур,
Ул санамким, сув яқосинда паридек ўлтурур,
Ғояти нозуклигидан сув била ютса бўлур.

Эй сабо, мендан бурун етсанг қошига меҳр ила,
Шуълайи офтоб билан ул ой атир сочин сила,
Ўп оёғин, мавж уриб, эй сой, анинг лутфин тила,
То магарким салсабил ойина жавлонин қила,
Келди жаннат равзасиндин оби кавсар сори ҳур.

Ул ҳуснким, ўз-ўзин айлар томошо кўзгуда,
Ул нигоҳларким, қиёси бўлмагай ҳеч охуда,
Қад ниҳолин сарвлар кўрмоққа эрмиш орзуда,
Ул иликким, сувдин ориқдур, юмас они суда,
Балки сувни пок бўлсин деб илик бирла ювур.

Шеър таъриф этмоққа ожиз ҳолатин минг сўз билан,
Қошу кўзму – янги ойму сирлашур юлдуз билан,
Балки чиққандир паризод сайр этиб наврўз билан,
Энди билдим, рост эрмиш, балки кўрдим кўз билан,
Улки дерлар сув қизи гоҳ-гоҳ кўзга кўринур.

Эй, Ниёз, оламини ёритган гўзал барнога боқ,
Сув бўлиб дилбар оёғи остидан бир лаҳза оқ,
Сувратин нақш эт юракка, суҳбатин эт иштиёқ,
Қошларинг ёсин Атоий кўргали ҳусн ичра тоқ,
Субҳидам меҳробларда сураи ёсин ўқур.



ЎЛАНДАН СЎР

Фузулий газалига мухаммас

Бу ҳижрон шиддати захмини дил абгор ўландан сўр,
Кутардин тоқати тоқ, суврати девор ўландан сўр,
Висол умиди қалбинда ва лекин бор ўландан сўр,
Шифойи васли қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли завқ шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Тирикман то хаёлинг бирла, биздан энди йўл бурма,
Кириб ағёр базмига, ниҳоят бизни ўлдурма,
Губори мақдаминг бўлсин бизим бу кўзлара сурма,
Лабинг сиррин келиб гуфтора мандин ўзгадан сўрма,
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Муҳаббат қайдаю қайда ўшал лоф ургучи жоҳил,
Алар бир лаҳза бўлгайму муҳаббат қасрига дохил,
Бу дашт ичра кезиб гирёна, истармиз бирор соҳил,
Кўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Кўнгиллар бўлди садпора бу дашт ичра тиканлардан,
Жафо тийғи етибдир аччиқ-аччиқ жону танлардан,
Тағофил бўлма фурқат тоғи ичра кўҳканлардан,
Хабарсиз ўлма фаттон кўзларинг жаврин чеканлардан,
Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

Хазон япроғидек ҳажрингда сўлди чехрайи олим,
Бошимга турфа андуҳларни солди гардуни золим,
Етишмоқ орзуси тақдир китобидан эрур фолим,
Ғамингдан шамъдек ёндим, сабодан сўрма аҳволим,
Бу аҳволи шаби ҳижрон маним-ла ёр ўландан сўр.

Висол шайдолари бир кун бўлур ёр васлига восил,
Машаққат чекмайн кимдур қилибдур муддао ҳосил,
Ниёзий иштиёқингда риёзат бандасидур, бил,
Муҳаббат лаззатидан беҳабардир зоҳиди ғофил,
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр.

НАВБАҲОР

Муқимий газалига мухаммас

Бағрига инсонни чорлар кўкни ўпган тоғлар,
Кўз тутиб йўлларга порлар нуқракўз ирмоқлар,
Бир томон сайхонлик эрса, бир томон қирғоқлар,
Навбаҳор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Сухбат айлайлик келинлар, жўралар, ўртоқлар.

Бу чаманким, неча рангда товланур офтоб ила,
Зарра-зарра зар эмиб, ҳам реза-реза об ила,
Гоҳ кулиб, гоҳида куйлаб шўхлигу одоб ила,
Хуш бу маҳфилда тириклик улфату аҳбоб ила,
Ўйнашиб, гоҳе табиатни қилайлик чоғлар.

Неча гулрўлар ичидан бир дилоро сайлайин,
Ишқ розин айтгали эмди ўзимни шайлайин,
Фикри мумтоз, хусни зебосин яна мадҳ айлайин,
Рух очиб, кўздан ниҳон бўлса паридек, найлайин,
Айрилиб хушу ақлдан телба бўлмай соғлар.

Ишқ аро ўтмишда, дўстлар, не балолар бор экан,
Севгида минг Қайсу минг Фарҳодга олам тор экан,
Гоҳ тикан тутса муҳаббат, гоҳида гулзор экан,
Ҳайфким, аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,
Олдилар ҳар ерда булбул ошёнин зоғлар.

Неча ағёр измини бу йўлда инкор айласанг,
Ёхуд ул бемехрни аҳдига иқрор айласанг,
Қилмагай баъзида дўст ҳам илтифот, зор айласанг,
Малҳам истаб кимсадин, дил захмин изҳор айласанг,
Чорае қилмоқдан ўзга устига тирноғлар.

Дўстга содиқлик ишида ҳар нафас қойим Муқийм,
Қайтаролмас кимса бу рағбат аро ройим Муқийм,
Шафқат этгай, эй, Ниёз, албат дилоройим, Муқийм,
Тобакай бундоқ маломат кунжида доим Муқийм,
Бу замон кўз тутгил эмди сенга бўлсин тоғлар.

КЕЛИНЧАК

Фурқат газалига мухаммас

Келди ногоҳ боғ тарафдан хуш садоли бир жаранг,
Ул томон пешвоз югурдим, ҳайрат ичра ҳангу манг,
Бир келинчак сайр этарди, худди чакмоқдек башанг,
Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг,
Ғозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.

Шунча масъуд, шунча дилбар, тип-тиниқ бир дасти нур,
Сайр этиб юрган мисолким равзайи ризвонни ҳур,
Худди юлдуз тизма-тизма оқ бўйинда шода дур,
Заъфароний кўйлак узра аргувоний камзухур,
Рўймол оғушидин пешонанинг аҳволи танг.

Пок нигоҳларда юракнинг акси ўйнар шўху пок,
Дилгинангни бир боқишда айлағайдир чок-чок,
Бир гўзал, навраста гулким, лаб гилосдир, сийна нок,
Бори нозик панжалар олтин узукдин зебнок,
Қўл биларзукдин музайян, нуқрадин оғизда чанг.

Ним табассумли қарашлар кўнглинга солгай каманд,
Гоҳ қанот бергай, гоҳо осмонча этгай аржиманд,
Тегмасин кўз, барқ уриб, ўссин шу боғ ичра баланд,
Гавҳар оскон ҳалқалар сиймин баногўшинда банд,
Кўринур зулфи тунинда субҳи содиқдек аранг.


Ҳам гурур бор кўзларинда, ҳам нафосатли сурур,
Шўх, таманноли нигоҳда неча ўйлар чарх урур,
Чашмада гоҳ қўл ювур, гоҳ юзни гулларга бурур,
Ғамза бирла ўлтирур, гоҳ жилвалар бирла юрур,
Турфа бир ноз, офарин, пур ишва таннозу сатанг.

Тишлари қошинда юз дурдона бозори синиб,
Кулгиси олдинда шўх оққан ариқлар ҳам тиниб,
Ғунча лабдин лола-гулларга қизилликлар иниб,
Ақлу хуш элтар агар турса паридек силкиниб,
Одамизод ичра ҳам мундоғ бўлурми шўху шанг?

Энди мен асло қутулмам оху армон дастидин,
Ұйлаб-ўйлаб ул гўзални, аҳду афгон дастидин,
Бўлса мумкиндир қутулмоқ ҳатто осмон дастидин,
Йўқ қутулмоқлиғ менга ул офати жон дастидин,
Қасдимда қошлар камон, пайваста мужгонлар хаданг.

Кўнглим ичра гоҳ туман бор, ярқирар гоҳи чароғ,
Гоҳ заминдек пастда бўлсам, гоҳ баландман мисли тоғ,
Икки ёлқин, икки тўлқин ичра қалбим тумтароқ,
Ул париваш ишқида гоҳ телбадурман, гоҳ соғ,
Чунки бордир орамизда гоҳи сулҳу гоҳи жанг.

Қай куни тақдир менга бул бахтни кўзгу айлади,
Жумла ошиқ, эй Ниёз, бахтингни орзу айлади,
Зарра шафқатни қачон сенга парирў айлади,
Жаврларким, Фурқат, ул шўху жафожў айлади,
Бунчалик жабру ситам қилмас мусулмонга фаранг.



СУБҲИДАМ

Бунча кўркамдир бу олам субҳидам,
Яйрагай чин дилдан одам субҳидам,
Кетгуси дилдан алам-ғам субҳидам,
Борлиқ ичра энг нафис дам субҳидам,
Дилда бўлгай орзулар жам субҳидам.

Бор яшиллик товланур тупроқ уза,
Нукра, мовий шуъла ўйнар тоғ уза,
Тарқалур дилбар наволар боғ уза,
Парпирар минг томчилар япроқ уза,
Бу сафо ёғдуси шабнам субҳидам.

Тинглагил қушлар садосин, эй кўнгил,
Дилга сол юртинг самосин, эй кўнгил,
Куйга ол водий сабосин, эй кўнгил,
Айла ҳис олам сафосин, эй кўнгил,
Бўлмоқ истарсан муқаррам субҳидам.

Чиқ чаман сайрига, дил, гашт истасанг,
Бул томон тоғ, ул томон дашт истасанг,
Кўнглинга завқу тараб, шашт истасанг,
Сухбатингга бир париваш истасанг,
Саргузаштлардан мужассам субҳидам.

Ёндирур кўзларни тонг пайт лолалар,
Бунча рангни, айт, қаёндан олалар?
Абри найсон бағридан шўх жолалар –
Ёприлиб келмоқдадир, қоч, болалар,
Бўлмайин дерсанг агар нам субҳидам.

Ўзни гафлат уйқудан бедор қил,
Таънаю танбехлардан ор қил,
Яхши орзуларга дилни ёр қил,
Дил жилосин ёринга изҳор қил,
Севги бергай сенга байрам субҳидам.

ҲИНД ГЎЗАЛИ

Мухаммас

Мулки Ҳинд ичра кезардим бир замон юртдан нари,
Дилда соғинч, дилда армон, дилда ҳайрат лашхари,
Ўтказардим тунни бедор, ўйларим ҳам сарсари,
Тонгда сайрон этгали чиқдим ажойиб Ганг сари,
Соҳил узра ул турарди эғнида гулранг сари.

Мавж ила тоғдан келиб оққан каби саҳрога у,
Ёки роз айтмоқ учун чиққан каби Зухрога у,
Бор жаҳонни банд этиб минг шўришу савдога у,
Худди танҳо сарвдек мафтун боқар дарёга у,
Яшнатиб буткул камолин офтоб сепган зари.

Мен ўшал барнога чин дилдан тилаб иқбол бол,
Қошида буткул жаҳон бирла турардим лол-лол,
Во ажаб, сиймин бадандир, ғунча лаблар ол-ол,
Тим қаро сочлар қаро тундек, эшилмиш тол-тол,
Манглай узра лаъл хол ҳам офатижон кўзлари.


Турфа туғён ҳолатимга ушбу дам мосдир, вале,
Бу улуг бир эътиқод, ишқона ихлосдир, вале,
Ушбу туйғу шоиримдан менга меросдир, вале,
Ҳар гўзаллик қошида шайдолигим ростдир, вале,
Бир қиё боқмоқ ила забт этди ҳинду дилбари.

Чин кўнгиладан мен уни осмонча этдим аржиманд,
Бир нафис гул хирмониким, қадду ҳусни сарбаланд,
Балки Бобур наслидандир, ё Банорасдан бу қанд,
Соядек турдим соҳилда неча ўйлар ичра банд,
Билмадим, Панжобидирми ёки Кашмир сарвари.

Ҳар таманноким, сенга минг битта дoston сўзлагай,
Ишваю нозларки, ошиқ мисли тўрғай бўзлагай,
Қалбинг ичра энг нафосатли ғазаллар кўзгагай,
Ҳинд элига рамзу тимсолдек уфқни кўзлагай,
Ним табассумли нигоҳларда ҳақиқат гавҳари.

Не хаёллар ичра банддир ул харир кийган санам,
Гоҳ боқар дарёгаю гулшанга гоҳ қўйгай қадам,
Гоҳ китоб кўргай, гоҳо илгида ўйнайдир қалам,
Толиби илму ҳунардир, она юрт шайдоси ҳам,
Қатра-қатра шеър ила тўлгайму кўнгил дафтари.

Офтоб машшотаси қўйганча биллур кўзгуни,
Акс этарди ул мислсиз турфа рангли ёғдуни,
Кўзларингда, эй Ниёз, кўрдим илоҳий орзуни,
Фурқатий шогирдиман, кўнгилга нақш этдим уни,
Бу газал шоядки етса, бир ўқиб қўйса пари.




ИЛТИЖО

Тонг уфқни лолазор этган маҳал,
Боглару тоғларга сурган чоғда ҳал,
Худди холдек жилмайиб турса Зуҳал,
Сенга дилдан номалар ёзгим келар,
Тасвиринг дафтарга тўлғазгим келар.

Куйларим ҳам ўйларим номинг билан,
Субҳу шомим субҳ ила шоминг билан,
Гар керак бўлганда, илҳоминг билан,
Мисли Фарҳод неча тоғ қазгим келар,
Аҳли ишққа ўзни кўрғазгим келар.

Билмадим, бўлгайми сендан бир нидо,
Бир нидо бўлсайди, унга жон фидо,
Ушбу шеърим чин кўнгилдан илтижо,
Кўнглим очиб, сенга дил ёзгим келар,
Минг синовдан ўзни ўтказгим келар.

Не ажабким, ярқираб кетгай жаҳон,
Ташрифинг сезмоқдадир муштоқ бу жон,
Ақлу одоб ичра танҳо, меҳрибон,
Бошни осмонларга етказгим келар,
Дилдаги армонни кетгазгим келар.



ДУСТЛАР

Мухаммас

Севги ичра ҳолингиз ҳеч бўлмасин танг, дўстлар,
Севги – бу мангу жасорат, бахт учун жанг, дўстлар,
Дилда севги кўзгагай минг завку оҳанг, дўстлар,
Айтайин мен ишқ достонимни, тингланг, дўстлар,
Бу кўнгил асрорини кўнгилдан анланг, дўстлар.

Офтобким, рўбарў ўйнаш тилар кўзгу билан,
Севгидан кўнглим қуши шўх талпинур орзу билан,
Унда шодлик тошқини уйқаш ширин қайғу билан,
Ишқ тўлдирди ҳаётим мазмунин ёғду билан,
Ҳам умр гулзорига бахш этди ишқ ранг, дўстлар.

Турфа туйғу кўп жаҳонда, севгига йўқ иқтибос,
Унда юсак фикр бордир, унда жўшқин эҳтирос,
Истасам кўкларга парвоз этмоғим минг бора рост,
Ёрнинг меҳрини сиз офтоб билан айланг қиёс,
Яшнаган кўнглимни шўх гулшанга тенгланг, дўстлар.

Бу жаҳоннинг кор-борин кўзларим равшан кўрар,
Кўзларим олдида дўстларнинг жамоли хуш турар,
Эзгулик ҳам элга хизматдан ҳаётим гуркирар,
Бахту иқболим садоқат ҳам вафодан барқ урар,
Шул сабаб кўнглимни кўзгусида йўқ занг, дўстлар.

Қайда бахт бор, соядек боргай қошинда бир ғами,
Қайда аҳд бор, гоҳ жафожўлик бўлур ишқ ҳамдами,
Ишқ қадрин сарбаланд тутгай камолот одами,
Севги инсоний саодатдир, гўзаллик олами,
Сиз уни нохуш, совуқ еллардан асранг, дўстлар.

Ишқ қадрин хўб билур дарду фироқин ютса ким,
Ишқдан ҳар лаҳзада бир яхши маъно кутса ким,
Энг оғир чоғларда ҳам идрок йўлини тутса ким,
Бахтлидир ишқ имтиҳонидан йиқилмай ўтса ким,
Бўлмагай ҳамроҳ надомат, оху аттанг, дўстлар.

НАВРЎЗ БУГУН

Мухаммас

Ёйди сеп офтоб – буюк зардўз бугун,
Яйра дил, нохуш хаёллар тўз бугун,
Арғумогим, пойгаларда ўз бугун,
Бўлди олам жилвагар, Наврўз бугун,
Кўлда созу дилда жўшқин сўз бугун.

Рост яшай билмайди ёлғонлар аро,
Порлагай дур шода маржонлар аро,
Қалқди шодлик ёши мужгонлар аро,
Эзгу ҳислар мавж урар жонлар аро,
Тўймагай борлиққа боқиб кўз бугун.

Бир ажиб завқу сафодир ўнгу сўл,
Рангу оҳанг ичрадир бўстону чўл,
Улфату суҳбатга элтгай барча йўл,
Кез чаманлар ичра, кўнгил, завққа тўл,
Зора, дуч келса ўшал гулюз бугун.

Бунда сиз даврон тақозосин кўринг,
Бунча сайлу бу томошосин кўринг,
Бахт ила шодликни маъносин кўринг,
Даврада қизлар таманносин кўринг,
Ҳар бири ойдир бугун, юлдуз бугун.


Кўл хино, қош ўсма этмиш ихтиёр,
Сурмалик кўзлар висолга интизор,
Бағрига гулдаста босган гулузор,
Рози дил айтсам агар ўйланма, ёр,
Тенг келибдир кечаю кундуз бугун.

Товланур куй – нозли дил икрори бу,
Шўх хаёлу туйғулар изҳори бу,
Илтифоту илтижо, инкори бу,
Рангу оҳангнинг улуғ бозори бу,
Авжда «Ушшоқ»у «Баёт», «Феруз» бугун.

Не улуғ бахтким, диёр озод эрур,
Баҳр олиб кўнгул кўнгулдан шод эрур,
Ҳам боболар руҳи дилда ёд эрур,
Хонадон меҳмон ила обод эрур,
Дўст ила соз, яхши давра туз бугун.

Қиш ғуборин бошига ёз урди тиг,
Абри найсон бағрида шўх ҳайқириқ,
Бу – барокат, нурли хирмондир аниқ,
Тутма, Наврўз, бизни меҳрингдан дариг,
Чун меҳр қошинда ожиз муз бугун.

Наврўз айёмида, илҳом, ёз қулоч,
Янги бахтларга, элим, бағрингни оч,
Меҳнату ижод берур юртга ривож,
Мархабо, офтоб, жаҳонга шуъла соч,
Эрк бугун, байрам бугун, Наврўз бугун!



ЁНИНГИЗДАН ЎТСАЛАР

(*Мухаммас*)

(Айрим кизларнинг валати кийинишлари
акларни «лол» этади)

Ланг очилган барча киндик, барча кўкраклар яланг,
Истангиз ул ён боқингу хоҳлангиз бул ён қаранг,
Ҳар гўзалларким, юришгай сарву шамшоддек таранг,
Эҳтиросдан оҳ урарсиз, ўзни тутгайсиз аранг,
Калта-култа минг матолардан либослар шўх, башанг.

Шул сифат бирлан юрар рўзғордаю бозорда ҳам,
Шул таманно ичрадир тўйларда ҳам, мозорда ҳам,
Бир-бирин мот айлагай шафқатдаю озорда ҳам,
Бемалолдир ёз-аёзу, куз-бахор, қиш-қорда ҳам,
Чунки ҳамён шуъласидан чехраларда ушбу ранг.

Думба бирён, тизза бирён, сийнаю сон бир тараф,
Бул томошодан, ажаб, иймон ила жон бир тараф,
Бир томон шайдолик эрса, оҳу армон бир тараф,
Кўзу кўнгил ўртаниб, доною нодон бир тараф,
Барча лолу барча ҳайрон, барча масту ҳам гаранг.

Не қилай, боқмай десам ҳам сирпанур тўймас бу кўз,
Лаб очиб бир сўз демоққа йўқдир аммо битта сўз,
Бир кўриб олсанг шу басдир – бир умрлик «ризку рўз»,
Бул текин савдо учун ҳеч ким демайдир «пулни чўз»,
Ўтсалар айлаб шитоб, бир нечанинг аҳволи танг.

Силкиниб ўтгай баногоҳ, белда ўйнаб сочлари,
Дил уйин яғмо этур чимрилса қалдирғочлари,
Етмагай ҳуснин баҳосига жаҳоннинг боғлари,
Муддаога етса етсин ошиқу муҳтожлари,
Майли бўлсин муслиму тарсо, итолёну фаранг.


Бунча шўхлик, бунча ёлқин – барқ уриб ёнган олов,
Сапчигаёй юлдузни кўзлаб, ҳам безовта, ҳам асов,

Лаҳза-лаҳза юзта жонинг бўлса олгайдир гаров,
Бир нафас ёнида бўлмоққа юрак бермайди дов,
Чунки ул сирли мулоқотдан чиқарсан ланжу ланг.

Қандайин шайтон этибдир бу муқомни ихтиро,
Ёпирай, деб кўкрагингдан отилур ҳайрат, нидо,
Балки ўз ўрнида бул ҳам бир нафосатдирму ё,
Эйки, сиз шарму иболи яхшилар, аҳли ҳаё,
Ушбу санъатнинг ижодкорин гўрига фишт қаланг.

Гоҳ жаранглаб кулсаю гоҳ минса жаҳлин отига,
Икки ҳолат ҳам ярашгай бул санамлар зотига,
На кулоқ солгай ошиқлар охию фарёдига,
На садоқат ё вафони келтирурлар ёдига,
Шунчалар шаддод, асовким, нақ бориб турган сатанг.

Мен уларга яхшилиқдан ўзга ҳолат истамам,
Ёки қарғиш, ёки бир жаҳлу жаҳолат истамам,
Шарму инсофу ҳаё берсин, надомат истамам,
Бахту иқболдан бўлак бир ўзга омад истамам,
Севги бўстони аро ҳеч юқмасин бир гарду чанг.



МУНДАРИЖА

КЎНГЛИМ ГАВҲАРИСАН, ЎЗБЕКИСТОНИМ

Шеър	3
Абадий ёғду	4
Оила	6
Аёл	8
Кўчани тўлдириб ўтди	9
Илтимос	10
Юлдуз	11
Орзу	13
Мангулик лаҳзаси	14
Оқ йўл сенга, Истиқлол	15
Жаҳонда ягона Ўзбекистоним	17
Сен ётти иқлимни	18
Нисбийлик	19
Ақл ва юрак	20
Хаёл кечаси	21
Умр мазмуни	22
Йўқлаш	23
Шажара	25
Эски ақида	26
Биринчи дарс	27
Одамни одам	28
«Ташкил қилинади»	29
Истайман мадҳ этсам	31
Одам-ку мислсиз	32
Улфатлар мадҳияси	33
Изтироб	35
Ўзбек элим	36
Ўйламай-нетмай	38
Меваларим	39
Дунё ишлари	40
Инсон қалби	41
Қорақалпоғим	43
Ҳайрат тўла бодор бир дунё	45
Оқ қушларим	46
Мен сендан яширмайман	47

Сен мени беғам дема	48
Фарзанд	49
Бир умрлик қарз	50
Август ўйлари	52
Янгаларимиз	54
Умид	55
Бағишлов	56
Котиблар	58
Йўл	60
Фаргона мевалари	61
Эҳтимол	63
Сенинг ўйларинг	65
Сени ўйлайверсам	66
Сен қалбимни сўрадинг	68
Қайрилиб боқмасанг, ёр	69
Биз уни мақтадик	70
Само ва қалбим	70
Шеърятнинг кенгдир даргоҳи	71
Эл қатори	72
Воқеалар бормоқда қаён	73
Кўрқа-писа ўтган йилларни	73
Фирдавсийни ўқиб...	74
Ўринсиз ташвиш	75
Бобур	76
Тожмаҳал	78
Уй мўъжизаси	79
Денгиз, тоғ, водий сўхбати	80
Бугун уйимизда	82
Энг оғир фан	84
Даҳолар	85
Такрор	86
Сўнгига етказиб	87
Рақамнинг ёнига	88
Саховат	89
Варақлама сарғайган дафтарингни	90
Изланиш	91
Баъзан	92
Насихат ва шеърят	93
Тўйчи халқ	94
Ўнбирлик	96
Ернинг қудрати	97
Ишлаётган тоғлар	99

Геологлар ишлар Чодакда	101
Шахидлар ёди	103
Қалдирғоч дейдики	104
Ушоқ шеърлар	105
Тўй	108
Варрак ва олим	109
Атлантика	110
Бахтнинг маъноси	112
Қайтмагайдир ўтган умр	113
Кун ва тун	114
Бир куни	115
Таассуф	116
Қайтиш	117
Гўзаллик	118
Галнинг очиги	119
Ёшлик фаслин кўрурман аён	121
Сарвиноз	122
Ногаҳон	123
Агар	124
Ажаб	125
Қирқ идишда қирқ дору	126
Хадича	128
Шоир	129
Тоғлар бағрида мушоира	131
Қайноналар арзи ҳоли	134
Қиз йиғиси	135
Тол тагида	136
Дока рўмол қуриши	138
Севгининг илк бўсаси (<i>Байрондан</i>)	140
Муҳаббатнинг сўнги хайр-маъзури (<i>Байрондан</i>)	141
Кўнгилда йўқ бўлса	143
Дунё саҳнадир улуг	144
Кўнғиртоғ	146
Сенсиз	146
Йўқ! Тўхтангиз	147
Саккизликлар	148
Тўртликлар	158
Туюқлар	162
Фардлар	163
Ишқий шеър	164
Севгим	165
Ишқни сендан ўрганмоқ керак	167

Ойна	168
Туш кўрсам	172
Чинор	174

**СИЗГА ХАДЯМ ДЕЯ, ЯХШИ ХАВАСДА,
АРУЗ ГУЛШАНИДАН ТУЗДИМ ГУЛДАСТА**

Нозланажақдир	175
Муҳаббат чоғи	176
Ўзбегим гўзали	177
Тонг отур	178
Айланур	179
Ёнма-ён	180
Эҳтимол	181
Дарс бўлғуси	182
Париваш бўлғуси	183
Мангулик иззат менга	184
Ранглар рақси	185
Интилурман сен томон	186
Ёр ўтганда	187
Агар боғ ичра кирсанг	188
Келтиринг	189
Сенинг	190
Жонимдадир	191
Кезсанг чаманда	192
Марғилон бозори	193
Томоша қилар эрмиш	194
Насиб этсин сенга	195
Севиб қолдим чоғи	196
Ишқ-муҳаббатдан буюк	197
Эшитдим	198
Лолахон деган қизларга	199
Бахтим менинг	200
Дунё билар	200
Ул паризодимки	201
Шукрона	202
Сен бахтлиман деб	203
Бўлажаксан	204
Эй, қалам	205
Савол ва жавоб	206
Умримиз йўлдан иборат	207
Она тилимда	208
Ўзбекистон	209
Сўхбати зебо керак	210

Зебони кўринг	211
Чортоқ ичра мен	212
Тонг кўшиги	213
Сизники	214
Арғувоний шуъла бирла	215
Бу диёр	216
Кўз бунча шахлоланиб	217
Юзингга боқдио	218
Хўб ярашмиш	218
Сўз ожиз қолганда	219
Қалбингиз изҳор этинг	219
Нечун	220
Сўз сеҳри	221
Рух ила жисмим аро	222
Одам умри	223
Мухаббат	224
Мухаббатдан	225
Тўй кечасида	226
Ҳофизга	227
Ишқ-муҳаббат кашф этур	228
Хушхабар	229
Соҳибжамол	230
Мактубинг	231
Севгимиз жаҳонда овоза бўлсин	232
Маънос гўзалга	233
Юлдузим	234
Яхшилик	235
Пайванду пайвастан яна	236
Тенг ёритгайдир қуёш	237
Ёнмоқдадир	238
Сен табиатга одам	239
Аждодлар	240
Амир Темур сўзи	241
Навоий дунёси	242
Истанбулда ёзилган ғазал	243
Парижда ёзилган ғазал	244
Деҳлида ёзилган ғазал	245
Навоий ғазалига татаббу	246
Сенсиз қолиб	247
Коинот ичрадир	248
Даврамиз	249
Дема, эй дўст	250

Гавҳарим	251
Қутлов	252
Севгилим	253
Муҳаббат йўлига кирдингми	253
Ёр агар кирса чаманга	254
Тонг сахар кирдинг дилимга	255
Ўзгача	256
Гуллар тераман	256
Минг китоб сўзлар керак	257
Наврўз бугун	258
«Гулузорим»ни тинглаганда	259
Агар бир лаҳза	260
Сен каби озода йўк	261
Ҳаёт эртак эмас	262
Истиклол ғазали	263
Етурсан эзгу мақсудга	264
Бир бутунликда жаҳон	265
Тошкентга	266
Самарқанд фаҳри	267
Демасман, шеърим	268
Соз бир наво	268
Афсона этгайсиз	269
Гўзаллардан гўзалсиз	270
Ўйнаб келар	271
Ҳинд гўзали	272
Гўзалим	273
Дўстлар	274
Сув ва соҳил	275
Меъмор	276
Бир чиройли сўз	277
Наққош қўшиғи	278
Бул кеча	279
Раққосалар	280
Билмадим	281
Ўрмон қуши	282
Қор бу қиш	283
Йиғлама	284
Булбул	285
Бугун	286
Сенинг васфинг	287
Мустазод	288
Мустазод	289

Гулоб ичра (<i>Навоий ғазалига мухаммас</i>)	290
Қизил, сориг, яшил (<i>Навоий ғазалига мухаммас</i>)	292
Тортайн (<i>Навоий ғазалига мухаммас</i>)	294
Наврӯз (<i>Навоий ғазалига мухаммас</i>)	296
Ул санамким (<i>Атоий ғазалига мухаммас</i>)	298
Ўландан сўр (<i>Фузулий ғазалига мухаммас</i>)	299
Навбаҳор (<i>Муқимий ғазалига мухаммас</i>)	300
Келинчак (<i>Фурқат ғазалига мухаммас</i>)	301
Субҳидам	303
Ҳинд гўзали	304
Илтижо	306
Дўстлар	307
Наврӯз бугун	308
Ёнингиздан ўтсалар	310

Адабий-бадиий нашр

ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ

СЕВГИМ САМОСИ

Сайланма

Тошкент «Маънавият» 2006

Мухаррир *У. Кўчқор*

Рассом *А. Бобров*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*

Мусахҳих *О. Бозорова*

Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Теришга 19. 05. 2006 й. да берилди. Босишга 25. 09. 2006 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108/₃₂. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 16,8. Шартли кр.-отт. 17,22. Нашр т. 10,82. 3000 нусха. Буюртма № 2955. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриети. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй.
Шартнома 36-06.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
100083. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 2006.

Ж 13

Жабборов, Жуманиёз.

Севгим самоси: (Сайланма)/ Ж. Жабборов. –
Т.: «Маънавият», 2006. – 320 б.

ББК 84(5У)6